



Jamoatchilik kengashi raisi:
Abdulla ORIPOV

Jamoatchilik kengashi:
Feruz MUHAMMADJONOVA
Saidvafo BOBOYEV
Abulqosim MAMARASULOV
Ahmad OTABOYEV
Minhojiddin MIRZO
Shuhrat SIROJIDDINOV
Shunqor XUDOYBERDIYEV
Ahmad USMONOV

Bosh muharrir:
Sobir O'nar

Bosh muharrir o'rinbosari:
Luqmon BO'RIXON

Mas'ul kotib:
Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay'ati:
Bobur ALIMOV
Iqbol MIRZO
Abduqayum YO'LDOSHEV
Abdusaid KO'CHIMOV
Sirojiddin SAYYID
Rustam MUSURMON
O'rozboy ABDURAHMONOV

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

Rassom: Dadaxon BAHODIROV

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahilandi.

Manzilimiz:

Toshkent. sh.

O'zbekiston shohko'chasi, 16-«a» uy.

E-mail: yoshlik-xatlar@rambler.ru

Tel/faks: +99837 227-0-227,

245-5-793, 245-0-552



© "Yoshlik" № 9 (238) 2010 y.

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi, «Kamolot»
yoshlar ijtimoiy harakati muassisligidagi
yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali.

1982 yildan chiqa boshlagan.

MUNDARIJA

ADIB XONADONIDA

Yo'ldosh SOLIJON. «El netib topgay menikim...» 2

NASR

Ulug'bek HAMDAM. Musulmon. Hikoya. 14

Nosirjon JO'RAYEV. Noyabr kuyi. Qissa. 22

Zulfiya QUROLBOY qizi. Yolg'izlik qurboni. Hikoya. 32

NAZM

Sa'dulla HAKIM. Bola botir. 10

O'KTAMOY. Ko'klab ketgan sog'inchlarim. 12

TALANTBEK. Kuz bag'rida yalang'och har rang. 9

Amrullo KARIM. Bugun ko'kka aytdim tilaklarimni. 20

Muhabbat SAFOYEVA. Yuragimni umid chulg'adi takror. 30

MUTOLAA

Rustam MANNOPOV. Asqartog' cho'qqisiga yo'l. 38

BIRINCHI UCHRASHUV

Xursandbek TO'LIBOYEV. O'zim bilan yuzma-yuz. 45

BADIIYAT JILOLARI

Otabek SAFAROV. Nomussizlik qismati. 42


YELPUG'ICH

Abdurazzoq OBRO'Y. Hazillar. 48

Bosishga 22. 09. 2010 yilda ruxsat berildi.

Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog'i 6,0. Indeks 822 ISSN 0207-9137. Jurnal 2007 yil 4 mayda Matbuot va Axborot agentligi tomonidan 0253 raqami bilan ro'yxatga olingan. Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik» dan olindi deb izohlanishi shart. «Avto-Nashr» MChJ bosmaxonasida chop etildi. Buyurtma № yo-3

Manzil: Toshkent shahri, 8-mart ko'chasi, 57-uy.



Йўлдош СОЛИЖОН:

“Эл нетиб топгай мениким...”

Ўзим ҳақимда гапиришдан олдин ота-онам тўғрисида тўхталмай ўтолмайман. Чунки табиатимда мавжуд неки фазилат ва қусур бўлса, барчаси аввало, улардан ўтган. Бунинг учун ота-онамдан миннат-дорман ва Оллоҳдан доим руҳлари шод бўлишини сўрайман. Шундай қилиб...

ОТАМ ВА ОНАМ

Отам Солижон Усмонхўжа ўғли билан онам Зайнабпошша Тожихўжа қизи қарийб 60 йил аҳил, иноқ ҳаёт кечирдилар. Улар 12 нафар фарзанд кўришган, шундан атиги тўрт киши омон қолганмиз: опам, мен ва икки синглим. Олти ўғилнинг барчаси нобуд бўлганлигидан кўнгли ўксиган дадам мен туғилганимда Оллоҳга илтижо қилиб, “шу ўғлим менга йўлдош бўлиб юрсин” деб тилаган ва исмиمنى Йўлдошхўжа деб атаган эканлар.

Дадамни Булоқбоши деб аталган қишлоғимизда танимаган одам йўқ эди. У кишига ҳамма хурмат билан “Мулла Солижон” деб мурожаат қилишарди. Дадам чинакамига мулла одам бўлиб, дин илмини ҳам, замонавий ёзув ва ҳисоб-китобни ҳам пухта ўзлаштирган зиёли одам эдилар. Отаси Усмонхўжа каттаамизнинг тўрт гектарлик хусусий ери бўлиб, деҳқончилик билан шуғулланган экан. Дадам ҳам миришкор деҳқон эдилар. Бироқ инқилобдан кейин ерлари давлат ҳисобига ўтган, ўзи кичкина томорқамизда ишлаб, қовун, булғор қалампири ва бошқа рўзғорбоп маҳсулотлар етиштирдилар, ортиқчасини бозорга олиб чиқардилар. Жамоа хўжаликлари янги тузилган пайтдан бошлаб ўттиз йилдан зиёд ҳисобчи бўлиб ишладилар. Ниҳоятда

ҳалол одам бўлганлигидан шаънига гард, номига доғ юқтирмай нафақага чиқдилар.

Бу ҳалоллик менимча, у кишига динимиз аҳкомларига қаттиқ риоя қилишидан, “Қуръони Карим”ни бир неча марта хатм қилганлигидан бўлса керак. Ҳар қандай шароитда ҳам беш вақт намозини қанда қилмай ўқиганини кўп қузатганман. Оятларни тиловат қилганларида қулоғим остида худди маҳоратли ҳофиз кўшиқ айтаётгандек ҳузур қилардим. Уйимизга кўпчилик келиб, дадамдан эскичадан сабоқ олганларини кўрганман. Албатта бу келишлар яширинча бўларди.

Айни чоғда дадам қаттиққўл ва жаҳлдор одам эдилар. Якка ўғил деб мени аяб ўтирмасдилар. Эрталаб ишга кетаётиб баъзи ишларни бажариб қўйишимни тайинлар, келгандан кейин текшириб кўрардилар. Мабодо бажармасам, сувга солиб қўйилган беҳининг хипчинини олиб қувалаб қолардилар (кейин билсам бу хипчинлар мени савалаш учун эмас, балки тол новдалари билан бирга турли шаклда сават тўқиш ниятида ивитиб қўйилар экан. Дадамнинг қўлидан сават тўқиш ҳам келарди!). Шунда бувим мени кенг этаклари ичига “яширар”, дадам эса худди кўрмагандек “қани, қаёққа қочди? Ҳозир ушлаб олсамми, кети ёрилгунча савалардим-да!” деганича гўё мени излаб кўчагами, чорбоғгами чиқиб кетардилар. Биз бувим билан дадам келгунча буюрилган ишни апил-тапил бажариб кўярдик. Гарчи қуруқ пўписа бўлса ҳам дадамнинг бу талабчанлиги менда бошлаган ишимни охирига етказмагунча тинчимаслик фазилатини шакллантирди.

Дадам учта инқилоб (1905, 1917 йил февраль ва октябрь), иккита жаҳон урушини, икки бора очликни кўрган ва улардан тегишли хулосалар чиқарган

одам эдилар. Аммо бирон жойда сиёсат ҳақида гапирганини эшитмаганман. Шунга қарамай, ич-ичидан ҳукумат раҳбарларидан кимнинг қандайлигини билиб юрар эканлар. Буни куйидаги воқеадан билиб олганман: 1953 йилнинг март ойи бошлари. Биз – совет ўқувчиларининг “севимли доҳийси” Сталин вафот этган қайғули кунларимиз. Мен Сталиннинг қайсидир журналда чиққан генералиссимус либосидаги суратини қўлдан кўймай, йиғлаб юраман; мол-ҳолни боқиш йўқ, айтилган ишларни қилиш йўқ, томорқага қараш йўқ... Бир куни дадам ишдан келганида ҳам сўрида расмга тикилиб хўрсиниб ўтиргандим. “Ҳа, отаси ўлган етимчадек мишиқингни оқизиб ўтирибсанми? Улса-ўлибди-да битта аблаҳ! Осмон узилиб ерга тушарми-ди?” дедилар ва кўлимдан суратни юлқиб олиб, ёниб турган ўчоққа ташладилар. Мен “дада!” деб бақирдим-да, ярми куйган расмни кўлимга олиб хўнграб йиғлаб юбордим ва “Нима қилиб кўйдингиз? Энди сизни отиб ташлашади” дедим. Дадам пинагини ҳам бузмади, “Э, ками бўлса отса отаверсин. Қанчадан қанча одамларнинг бошига етди бу ярамас. Ўлгани яхши бўлди!” дедилар. Дадамнинг ҳақлигини, нафрати сабабини уч-тўрт йилдан кейин тушундим ва меҳрим янада ортди.

Онам ниҳоятда юмшоқ табиатли аёл эдилар. Сўзлаганда халқ мақолларини мўл-кўл ишлатар, газета-журналларни кўп мутолаа қилардилар (уларни дадам олиб келарди). Бувим менга кўп кўшиқлар айтиб берардилар. Кап-катта бола бўлиб қолганимда ҳам кучоғига олиб, елкамга оҳиста урганча алла айтар, хуш ёққанидан ухлаб қолардим. Шукрки, ота-онам ёшларини яшаб оламдан ўтдилар. Мен уларнинг ҳаётлиги чоғида нечоғлик хизмат қилдимми, қилолмадимми, билгувчи Оллоҳдир. Ҳозир ҳам уларнинг қабрини тез-тез зиёрат қилиб, бўлажак ишларимга мадад беришларини сўраб тураман. Эҳтимол, ишим юришаётганлиги, ўйлаган ниятларим ўз вақтида амалга ошаётганлиги уларнинг розилиги ва руҳининг қўллаб-қувватлаб турганлигидандир?!

КИТОБ – ДОИМИЙ ҲАМРОҲИМ

Дадам бизни ҳам китоб ва илмга ошно қилиб тарбиялади. Узун қиш кечалари у киши сандал атрофига йиғилган оила аъзоларига ширали овозда гоҳ Иброҳим Адҳам қиссаси, гоҳ Гўрўғли ҳақидаги ва бошқа турли халқ достонларини ўқиб берардилар. Мен уларни ёдимда олиб қолиб, эртасига ўртоқларимга айтиб берардим. Ўзи ўқимишли одам бўлгани учунми ёки якка-ю ягона ўғлининг ҳам ўқимишли, билимдон одам бўлиб етишишини истаганиданми, ҳар қалай, китоб ўқиб беришларидан ташқари менга колхоз кутубхонасидан кўп китоблар ҳам опкелиб берардилар. Эсимда, 6-синфдалигимда қалин қора муқовали каттакон китоб олиб келдилар. Бу Садриддин Айнийнинг 1952 йилда нашр қилинган “Қуллар” романи эди. Китобни ҳарислик билан жуда тез ўқиб чиқдим. Шу қадар таъсирландимки, муқовадаги эти суягига ёпишиб кетган одам кўз олдидан кетмай қолди. Биринчи ўқишимдаёқ, ҳаёти ниҳоятда оғир кечган қул Некқадам-Раҳимдоднинг ҳаёт шаъми сўнаётган чоғида ҳам умид билан айтган мана бу кўшиғи хотирамга абадий михланиб қолди:

*Додлама, додлама, дод саси галди,
Қаршининг чўлидан ёр саси галди.
Ўлкадан ўлкага ел каби учсам,
Кунларнинг бирида ёр юзин кўрсам.*

Шундай қилиб, менинг тарбиямда китобнинг роли катта бўлди. Дадам ўқиб, опкелиб берган китоблар қаторига мактаб дарсликлари, янги бадий асарлар кўшилди. Адабиётнинг сеҳрли олами мени кўпроқ тарта бошлади. Мактаб кутубхонаси камбағал эди, колхоз кутубхонасини титкиладим. Дадам туфайли бу ердаги китобларнинг кўпини ҳам ўқиган эканман. Кейин туман кутубхонасига қатнай бошладим. Китобларнинг қаҳрамонлари менинг ҳаётимга фаол кириб кела бошладилар, яшаш тарзимга таъсир этдилар. Мен



“Уч оғайни ботирлар”дек ҳар қандай вазиятда ҳам ақл-фаросат билан иш кўришни, “Сўна” сингари мақсадидан қайтмайдиган иродали бўлишни, Фарҳодга ўхшаб кўпроқ билим олишни ва ота-онани қаттиқ ҳурмат қилишни, Робинзон Крузо каби қийинчиликларни енгишни ва одамларга ёрдам беришни ўргандим. Табиийки, биз тенги авлоднинг шаклланишига “Она”, “Ёш гвардия”, “Пўлат қандай тобланди”, “Бой ила хизматчи”, “Қутлуғ қон” асарларининг қаҳрамонлари ҳам жиддий таъсир кўрсатганди.

Аслида китобнинг ёмони бўлмайди. Чунки ҳар қандай асар ҳам ижодкор томонидан яхши ниятни кўзлаб, одамларни эзгуликка даъват этиш учун ёзилади. Фақат уни мутолаа қилган ўқувчининг қабул қилиш, тушуниш иқтидори муҳимдир. Халқимизда “Одобни одобсиздан ўргандим” деган ҳикматли ибора бор. Асардаги қаҳрамонларнинг ахлоқсизлиги, иллатларидан нафратланиб, уларни инкор этишнинг ўзи инсонни эзгуликка етаклайди. Бунинг учун китобхонда фикрлаш қобилияти кучли бўлиши лозим. Талабаларга “Адабий танқид тарихи” фанидан дарс берганимда танқидчилик касбининг хусусиятлари ҳақида тўхталар эканман, ўртага шундай савол ташлайман: “Китобхонлар уч хил тоифага бўлинади: 1. Юқори савияли; 2. Ўрта савияли; 3. Паст савияли. Хўш, биз – ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича мутахассис бўлиб чиқадиганлар, яъни бўлажак мунаққидлар қайси тоифага мансубимиз?” Менинг талабчанлигимни билган талабалар “ўрта” ёки “паст” деб жавоб берадилар. Мен эса “Йўқ, тополмадиларинг. Биз мутахассис сифатида асарни танламай ўқишга мажбуримиз. Шунинг учун биз пешонаси шўр китобхонлар сирасига киримиз” дейман. Сабаби – ўқувчимиз ёки бирон танишимиз “Домла, сиз адабиётчисиз. Мен фалон китобни ўқиб, мана бу жойини тушунмадим. Ёзувчи нима демоқчи?” деб сўраб қолса-ю, жавоб беролмасак, бундан хижолатлиси бўлмайди.

Ҳа, китоб ўқишнинг ўзига яраша масъулияти ва албатта, мажбурияти ҳам бор. Буни биз, мутахассислар, айниқса, яхши билишимиз шарт.

ЭЗГУ НИЯТ ЙЎЛИДА

Дастлабки йилларда мен гоҳ учувчи, гоҳ шифокор, гоҳ ҳарбий хизматчи бўлишни орзу қилардим. 8-синфдан бошлаб адабиёт ўқитувчиси бўлишга қатъий қарор қилдим. Бунга қуйидаги эътибор сабаб бўлди. Адабиёт ўқитувчимиз Умаржон ака Аҳмаджонов (Олпоҳ раҳматига олган бўлсин) менинг дарсликдаги мавзуларни олдиндан ўзлаштириб келишимни пайқаб қолиб, дарсга кириши билан янги мавзуни эълон қиларди-да, доскага чиқариб, “қани, Йўлдошали, жавра (биз томонда гапиравер дегани)!” дер эдилар. Албатта, синфдошларим олдида ўзимни билимдон кўрсатиш учун иложи борича кўпроқ “жаврардим”. Устозимиз мақтаб-мақтаб “5” баҳо кўяр, бошқаларни ҳам мендек бўлишга ундарди. Қарийб икки йил шу зайлда ўтди, мен туппа-тузук дарс берадиган “ўқитувчи” бўлиб қолдим.

Ўнинчи синфни битиргандан кейинги уч йиллик меҳнат фаолиятим менинг ҳаётимда алоҳида босқич ҳисобланади. Қариб, ишдан бўшаб олган отамнинг раъйдан ўтолмай ўқишга бормадим. Дастлаб қурилиш бригадасида, кейин алоқа бўлимида ишла-

дим. Почтальонлик касби менинг ҳам матбуотга, ҳам адабиётга бўлган меҳримни янада оширди. Мамлакатда чиқадиган барча газета-журналлар кўлимдан ўтар, уларни ўқимай туриб тарқатмасдим. Ўзим ҳам қизиқиб, газеталарга турли мақолалар ёза бошладим. Фикрим чархланди, ёзиш малакасини эгалладим. Тез орада бунинг фойдаси тегди. Бироқ бир тасодифий ҳодиса рўй бермаганида мен бу фойданинг натижасини кўрмай ўтардим.

Биласиз, почтальон қишлоқ кезади, уйма-уй юриди. Ҳамма таниш, ҳамма нарса кўз ўнгингда. Кимнинг қандай ташвиши бор – биласан, қаерда нима бўляпти – кўрасан. Мен ҳам почтальон сифатида кунига учта қишлоқни айланиб чиқаман, ҳатто далаларга бориб одамларга газета-журналлар, хатлар тарқатаман. Албатта, юришим бекор кетмайди, қандай яхши ёки ёмон нарсаларни кўрсам, дарҳол газетага ёзаман. Бир куни Пасткибулоқбоши қишлоғидаги бир ерда ғўзаларни ёввойи ўт босиб кетганини кўриб қолдим ва туманнинг “Пахта учун” деб аталган газетасида “Бу ерларда ғўза ўстирмоқчи эдилар-ку” сарлавҳали танқидий мақола чиқардим. Бригадир аёл киши бўлиб, раисга устимдан шикоят қилибди. Бир куни раис Имомназар ака қишлоқ гузариди мени ушлаб олди-да, “Шу мақоланга қанча пул беради? Айт, мана мен бераман!” деди. “Менга пул керакмас (чунки газеталардан жуда кўп гонорар олардим-да! Раиснинг садақасига зорманми?). Ундан кўра ерига ишлов берсин. Бўлмаса, яна каттароқ газетга ёзаман” деб шаккоклик қилдим (ахир, комсомол эдим-да!). Эртасига бош ҳисобчи мени чақириб, “Ука, колхозда почтальонлик штати қисқарди. Сиз бўшсиз” деб паттамни кўлимга тутқазди. Энди ўқимасам бўлмаслигига ақлим етди.

1960 йили ота розилигини олиб, Фарғона давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетига ҳужжат топширдим. Биринчи имтиҳон ўзбек адабиёти фанидан ёзма-иншо экан. Омадим юришганини қарангки, иншо мавзуларидан бири “Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романидаги Йўлчи ва Гулнор образларига характеристика” деб аталарди. Кўзларим ёниб кетди – ахир, бу китобни ёдлаворганман-ку! Озмас-кўпмас 14 бет ёзибман. Орадан уч кун ўтиб, мени Ҳасанхон Рустамов деган домла йўқлаб топди (кейин билсам у киши факультет декани экан). Ёнига кирсам, кўлимни олди-да, “Э, сизмисиз, табриклайман, ука! Хатингиз чиройли, хатосиз ёзар экансиз. Жумлалар тўғри ва пухта. Бизга шундай саводли ёшлар керак. Аъло қўйдик, аъло! Қолган имтиҳонларга ҳам астойдил бўлинг. Муваффақият тилайман” дедилар. Кўнглим тоғдек кўтарилиб чиқдим. Ўқишга кирганимдан кейин то битириб кетгунимга қадар деканатнинг штатсиз ходими бўлиб қолдим. Ўқишдан кейинги пайтларда бу ердаги машинкани чиқиллатиб ўтириб, ёзишни ўрганиб олдим. Орадан кўп ўтмай ўзбекча матнларни босиш учун мени маъмуриятга ишга олишди. Ҳам ўқиш, ҳам иш оғирлик қиларди. Шунда...

...яна адабиёт мададкор бўлди. Биласиз, адабиёт ҳаётга неқбин кўз билан қарашни, умид билан яшашни (Уйғуннинг “Ҳаёт қўшиғи” драмаси қаҳрамони Нурмат отанинг ёшларга қарата айтган “Умид яхши нарса, қоқилсанг – суяйди, йиқилсанг – кўтаради” деган гапи қулоғим остида доим жаранглаб турарди), иродали

бўлишни ўргатади. Ўша пайтда институтдаги фан кабинетлари, кутубхонанинг ёзги ва қишки ўқув заллари кеч соат 11 гача ишларди. Мен бу имкониятдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилдим. Керакли китобларни олиб қолиб, ходимлар кетгандан кейин ҳам чароғон бўлиб турган ёзги ўқув залида тонг отгунча дарс тайёрлардим. Бора-бора ўқиган китобларимни аудиторияда ўрганган назарий билимларим асосида таҳлил этиш истаги пайдо бўлди. Эсимда, биринчи илмий мақолам 3-курсда ўқиб юрган пайтимда босилган эди. Ўша йиллари ўзбек тилига янги таржима қилиниб, ёшлар ўртасида машҳур бўлиб кетган “Сўна” романининг муаллифи Э.Войнич юз ёшга тўлганди. Мақолани тайёрладим-да, таваккал қилиб ўзим севиб ўқийдиган “Ўзбекистон маданияти” (ҳозирги “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”) газетасига юбордим.

Қарангки, озгина муддат ўтиб, мақолам чиқиб турибди-да! Хурсандлигимни қўяверасиз! Кейин ёзишми?! Албатта, ҳамма ёзганларим ҳам босилавермасди. Аммо ёзишдан, фикрлашдан тўхтамадим. Бу менга фақат фойда берди. Айни чоғда қандай даража ва мавқега эга бўлсам, буни ўқувчилик ва талабалик йилларимда шаклланган тиришқоқлигим самараси деб биламан.

Олий ўқув юртида бизга ўз касбини қадрлайдиган, фанларни пухта билган профессор-ўқитувчилар дарс беришди. Булардан айниқса, мумтоз адабиёт билимдони Акрамжон Иброҳимов, жаҳон адабиётини чуқур ўрганган ва ўзбек адабиётига қиёслаб таҳлил

қиладиган Азимжон Раҳимов, саводхон ва илмга интилувчи ёшларни ниҳоятда қадрловчи устоз Ҳасанхон Рустамовлар менда ўлмас таассурот қолдирган. Акрамжон Иброҳимов шеърят шайдоси эди. 1960 йилнинг 2 сентябри ўла-ўлгунимча эсимдан чиқмаса керак. Биз – биринчи курс талабалари ўзбек мумтоз адабиёти фанидан А.Иброҳимов домланинг илк маърузасини тинглаяпмиз. Овози ниҳоятда ёқимли устоз ўша куни ҳеч нарсага қарамай шу қадар кўп ғазал, рубоий, қитъа, фардлар ўқидики, таъсирланганимдан барчаси худди магнит тасмасига ёзилгандек хотирамга ўрнашиб қолган (мақтаняпти деманг-у, ҳозир ҳам ўша шеърларнинг кўпини ёдаки ўқиб бера оламан). Домла ўша нозик замонда ҳам Алишер Навоийнинг “Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворил-худо, Ёр аксин майда кўр, деб жомдин чиқти садо” мисралари билан бошланган ғазалини бошдан охиригача ёддан ўқиб, таҳлил қилиб бергандилар. Шунингдек, у киши Аҳмад Яссавий, Бобур каби таъқиқланган шоирлар ижоди ҳақида гапиришдан ҳам қўрқмасдилар.

Мен бу билимдон ва ғамхўр устознинг назарига тушганимдан, у кишининг таклифи билан кафедрага ишга олиниб, илм йўлига кирганимдан миннатдорман. Устознинг ишончини оқлаш мен учун шараф эди. Шунинг учун ўз олдимга шундай вазифа қўйдим: “Ҳозир 27 ёшга кирдинг. Бу ерда ишлашдан мақсад илмий иш қилиш бўлса, 35 ёшгача кандидатлик диссертациясини ёқласанг ёқладинг, бўлмаса, институтдан кетасан!” Ишдан ажралмаган ҳолда диссертация устида иш бошладим. Шукрки, бу ердаги яхши одамларнинг қўллаб-қувватлаши, илмий раҳбарим профессор Салоҳиддин Мамажоновнинг қаттиққўллиги ва талабчанлиги эвазига 32 ёшимда фан номзоди бўлдим. Шундай устозларнинг қўлига тушганимдан фахрланаман. Чунки аввало, ўзининг қунтсизлиги, қолаверса, раҳбарининг бепарволиги туфайли мендан олдин иш бошлаганларни ортда қолдириб кетдим. Бу гапларимни журналхон дўстим мақтанчоқлик деб қабул қилмаслигини ўтиниб сўрайман. Табиатимда шаклланган бу қатъийлик, интизомлилик, айтган гапининг уддасидан чиқиш фазилатлари адабиёт таъсирида шаклланганлигини исботламоқчиман холос.

ҲАЁТИЙ АЪМОЛЛАРИМ

- Эгилганга эгиламан – бошим ерга теккунча. Кеккайганга кеккаяман – бошим кўкка етгунча.
- Ваъда бердимми, албатта, бажараман. Қўлимдан келмаса, минг бора хафа бўлсалар ҳам ваъда бермайман.
- Бирон ишни бошлашдан олдин тугатиш муддатини белгилаб оламан. Айтилган муддатда бажармагунча тинчмайман.
- Қатъий режим ҳамда режа асосида ишлайман ва яшайман. Ҳар куни эрталаб соат 5 дан 6 гача бадантарбия билан шуғулланаман. Соат 6 дан 7 гача илмий-тадқиқот бўйича режалаштирилган ишларимни қиламан ёки китоб ўқийман. Мабодо бирон сабаб билан эрталаб ишлай олмасам, ўша куни бой берилган вақтни тўлдирмагунча кўнглим ўрнига тушмайди.
- Фаолиятимда ҳазрат Алишер Навоийнинг “Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам” деган



ҳикматли шиорига амал қиламан. Зеро, инсон ўзини танимагунча, қадрига етмагунча ўзгани тан олмайди ва қадрламайди.

- Каттами-кичикми, яхшими-ёмонми (аспида-ку, устознинг ёмони бўлмайди-я) барча устозларимни ҳурмат қилдим, қадрига етдим. Уларни тез-тез йўқлаб турдим. Институтда менга сабоқ берган ва ишга олиб қолган домлам Акрамжон Иброҳимовга “Нутқ ва услуб” деб номланган монографиямни бағишладим. Илмий-тадқиқот ишларимга раҳбарлик қилган устозим академик Салоҳиддин Мамажонов ҳақида “Олимнинг олами” деб аталган китоб чиқардим. И.Султон, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, С.Аҳмад каби устозларни тез-тез бориб куриб, дуосини олиб турдим. Ҳозир улкан адабиётшунослар Умарали Норматов, Иброҳим Ғафуровларни зиёрат қилиб тураман. Бу улуғ устозлар билан ўтказган дамларим умримнинг энг бахтли ва лаззатли онларидир.

- Кишининг камчилиги бўлса ёки даврада нотўғри гап айтса, дарҳол юзига айтаман. Бу одатим кўпчиликка маъқул тушмайди ва аразлаб юришади. Аммо мен парво қилмайман, принципимдан чекинмайман.

- Ҳозирги пайтда тўрт кишилик жамоага раҳбарлик қилиш ҳам осон эмас. Чунки дунё ўзгарди, тафаккур ўзгарди. Шунини ҳисобга олиб мен кафедра мудирини си-

фатида аввало, ўзим барча соҳада ўрнатилган кўрсатишга, самарали ишлашга интиламан. Буни раҳбарнинг гапи ўтиши учун катта омил деб биламан.

- Менга ихлос билан юкиниб келган ёшларни ҳеч қайтармай бағримга оламан. Уларни ғоят қаттиққўллик ва интизом билан тарбиялайман. Тиним билмай ишлашга мажбур қиламан. Кўп ўқитаман, ёзганларини қайта-қайта ишлашга ўргатаман. Топшириқни вақтида бажармаганларни қаттиқ койийман. Бунга чидамаган айрим ношукрлар устимдан иғво қилиб юришади. Чидайман. Наиллож, бошидан ўтган табиб кимга қандай дори эм бўлишини яхши билади!

- Ҳозирги адабий жараён билан кўпроқ танишиб боришга ҳаракат қиламан. Талабаларим, ҳамкасбларим ва шогирдларимнинг биронта саволига жавоб беролмай, тилим қисик бўлиб қолишдан уяламан. Айни чоғда яратилаётган асарларнинг аксарияти менга маъқул эмас. Лекин яхши асар ўқисам, кўшиқда айтилганидек, ўзимни тўхтатолмайман. Нимадир ёзиб чиқаришга, фикр билдиришга уринаман. Рухсатингиз билан ана шундай яхши асарлари билан ўқувчилар меҳрини қозонаётган табиат шайдоси Нормурод Норқобилов ижодининг бир фазилатига бағишланган мақоламни эътиборингизга ҳавола қилсам.

ОЛИМ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Йўлдошхўжа Солижонов 1940 йилнинг 11 июлида Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги Булоқбоши қишлоғида туғилган. 1957 йилда тумандаги 5-ўрта мактабни, 1965 йилда Фарғона давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетини имтиёзли диплом билан битирган. 1965-1967 йилларда вилоят “Коммуна” (ҳозирги “Фарғона ҳақиқати”) газетасида ишлади. 1968 йилдан буён Фарғона давлат университетиде ёш авлодга таълим бериб келмоқда. “Ўзбекистон халқ маорифи альфачиси” унвонига эга (1991).

Филология фанлари доктори, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзоси. Айни чоғда Фарғона давлат университетининг ўзбек адабиётшунослиги кафедраси мудирини лавозимида ишлайди.

Ҳозиргача олимнинг “Улуғ санъаткор” (Ғ.Ғулом ҳақида, 1984), “Шеърининг сирли жилвалари” (1986), “Тонг юлдузлари” (1995), “Нутқ ва услуб” (2002), “Олимнинг олами” (академик С.Мамажонов портретига чизгилар, 2004), “Фарғона адиблари” (2005), “Зулматдан нур қидирганлар” (2007), “Мен сиздан сабоқ олдим” (адибларга мактублар) (2007), “Сўз сеҳрлари” (А.Қаҳҳор ҳақида, 2007), “Ҳақиқатнинг синчков кўзлари” (адабий-танқидий мақолалар, 2009) номли монография ва рисоалари, 200 га яқин мақолалари чоп этилган.

Йўлдош Солижонов бадиий ижод билан ҳам шуғулланади. Унинг “Сув келтирган азиз” (ҳужжатли қисса, 2004), “Ўғлим, сенга айтаман” (шеърини ва насрий пародиялар, 2006), “Сен ширмон юзлигим” (шеърлар, 2007) каби китоблари ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинган.

Оилалик. Рафиқаси Лолахон Солижонова олий маълумотли она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси. Ҳозир нафақада. 5 нафар фарзанди бор (уч ўғил, икки қиз), барчаси олий маълумотли. 17 та набираси бор.



ЖОЗИБА СЕҲРИ

Хассос лирик шоиримиз Ҳамид Олимжон ўз мақолаларидан бирида она табиатни ҳис этиш, уни ишонарли тасвирлаш учун ижодкор уч хил қиёфада намоён бўлишини орзу қилиб, шундай ёзган эди: “Мен хоразмликларнинг Амударёга бўлган қарашини, ўчини, гинасини, аламини сўз билан айтиб берадиган **шоирни**, куйлаб берадиган **ашулачини**, чизиб берадиган **рассомни** кўришни истар эдим”. Шу билан бирга бу фикр замирида инсоннинг табиатга қараши, яъни муносабатини ифодалаш масаласи ҳам ётибди. Хўш, одам боласи ўз неъматларини мўл-кўл ҳадя этаётган табиатга меҳр-муҳаббат билан қарайдими ёки ундан ўч олиш ниятида яшайдими? Ундан гина қилса, аламини олиш учун зарар етказса, оқибати нима бўлади? Булар адабиётнинг азалий муаммоси бўлиб келган ва ижод аҳли у ёки бу даражада муносабат билдирган. Лекин гап ҳозир бу ҳақда эмас.

Мен улуғ шоирнинг орзуси давримизнинг истеъдодли адибларидан бири Нормурод Норқобилов ижодида амалга ошганлигини кўриб қувонганимни журналхонлар билан баҳам кўришни истадим. У адабиётимизда юртимизнинг сирли-сеҳрли табиати манзараларини шоирона тарзда сўз орқали ифодалаб бера оладиган маҳоратли ёзувчи, наботот ва ҳайвонот оламини меҳр билан баланд пардаларда куйлай оладиган ҳофиз, куюқ рангларда чизиб берувчи рассом қиёфасида намоён бўлмоқда. Ёзувчининг барча асарлари бунга гувоҳлик бера олади.

Аслида-ку табиат ҳақида ёзмаган, унинг манзараларидан ўз асарида фойдаланмаган ижодкор йўқ ҳисоби. У ҳолда Нормуроднинг фарқи, ўзига хослиги нимада? Менимча, Н.Норқобилов табиатни шунчаки пейзаж воситаси тарзида тасвирлабгина қолмайди. Уни аввало, жонли мавжудот сифатида қабул қилади ва образ даражасига кўтарди, ўзига хос характерини яратишга интилади. Ёзувчининг табиатдан холи биронта ҳам асари йўқ. Ҳатто аксар асарларининг номланиши ҳам табиат ҳодисаси, ҳайвонлар номи билан боғлиқ. Масалан, “Пахмоқ” (айиқ), “Қуёш тутилган кун”, “Бўрон кўпган кун”, “Даштда”, “Тоғу тошларда”, “Тоғ одами”, “Дашту далаларда” каби номлар ўқувчини табиат қўйнига етаклайди.

Ёзувчининг асарларини мутолаа қилиш жараёнида ўқувчи дашту далалар, тоғу тошларнинг жозибали сеҳрини ҳис қилади; ўт-ўланларнинг ҳидини сезади; турли жониворлар билан суҳбатлашади. Нормурод Норқобилов табиатни илмий томондан ҳам яхши ўзлаштирган. У ўз асарларидаги дарахтлар, қирлар,

адирлар, ҳайвонлар образини меҳр билан тасвирлайди, ҳар бирининг зоологик, биологик, физиологик, географик хусусиятларини яхши ўрганганлигини исботлай олади. Ҳатто ит, бўри каби жониворларнинг психологик ҳолатларини ҳам чуқур таҳлил қилади. Бу образлар адибнинг деярли барча асарларида учрайди, бироқ бир-бирига ўхшамайди.

Шуниси характерлики, Нормурод Норқобилов асарларидаги ит ва бўрилар жаҳон адабиётида яратилган қариндошларидан тамомила фарқ қилади. Уларга миллий бўёқ ва руҳ сингдирилган. Бу жиҳатдан Чўнгалла, Оқёл, Узунтумшук (“Овул оралаган бўри”), Бўзбўри, Қораманглай (“Дашту далаларда”) каби жондорлар, Бўйноқ (“Тоғ одами”), Ёвқур (“Ажал чорлаган кун”), Оққуйруқ (“Ададсиз азоб”) сингари ит образлари характерлидир. Улар яхши одамлар билан тил топиша оладилар ва бир-бирини тушунадилар ҳамда ҳимоя қиладилар. Масалан, “Дашту далаларда” романининг етакчи қаҳрамонларидан бири Бўзбўри (бинобарин, унинг асарда тутган ўрни, ғоявий-бадиий вазифаси асосий қаҳрамонлар Эшқул полвон ва Тўланбойлар зиммасидаги юкдан кам эмас!)ни Эшқул полвон “туғишган иним” деб билади. Бўзбўри ҳам ўзининг географик ҳудудига жойлашган “тутинган акаси”нинг подасини бошқа ҳудуд бўриларидан ҳимоя қилади, ўзи эса унга мутлақо зарар етказмайди. Шунингдек, ёмон одамлардан қочиб “жондорларни қавм тутган” Жондош (“Тоғ одами” қиссасининг қаҳрамони)ни тоғу тошлар орасида бўрилар хавфдан асрайдилар, унинг антиқа қўрасига хуруж қилмайдилар.

Аксинча, ўзларига ёмонликни раво кўрадиган кимсаларни бўрилар аяб ўтирмайди. Ҳайвонот оламининг бундай ўзига хос психофизиологик ҳолатини адиб “Овул оралаган бўри” қиссасидаги Чўнгалла, “Ажал чорлаган кун” қиссасидаги Ёвқур, “Ададсиз азоб”даги Оққуйруқ каби жониворлар тимсоли орқали ишонарли оча олган. Қишлоқнинг мақтанчоқ овчиси Салом мерган тасодифан қопқонга илиниб қолган урғочи бўри Оқёлни уйига олиб келиб тулумлаб кўяди. Жуфтини йўқотган Чўнгалла бир неча кун Салом мерганнинг уйига келиб (бу ерда адиб бўрининг ҳид билиш қобилиятига урғу беради) Оқёлни қидиради. Мерганни чавақлаб, жуфти-ҳалолани кутқариш ниятида учинчи марта келган Чўнгалла Оқёлнинг оёқлари остида ётган Салом мерганни кўриб, уни жуфти томонидан “маҳв этилган деб билди”. Шунинг учун бемалол бориб Оқёлни хидлади, бироқ ундан аччиқ сомон хиди анқиди. Кейин “Эркаланиб тумшуғи билан енгил бир

туртди. Оқёл бир қоп сомондай ағдарилиб тушди”. У жонсиз танага айланганди. Жуфтнинг ўлиmidан тамомила гангиб қолган Чўнгалла мерганнинг уйғониб кетганини ва кўрқув остида ўқ отганини сезмай қолди. Аранг қочиб қутилган Чўнгалла айрилиққа чидолмай, қирнинг баланд тепалигида Салом мерганнинг уйига тикилганича жон берди.

Ёзувчи Жондош, Салом мерган, Нодир чол, Сувоқул, Талъат, Назар узун, Тўланбой каби инсонларнинг характерли қирраларини бўри ва итлар воситасида очади. Яқин одамларининг, ҳатто хотинининг меҳрсизлиги, тушунмаслигидан ранжиган Жондош “Тоғ одами” бўлишни афзал билиб, ғорларда яшай бошлайди. Уни ақлли жониворлардан кўра ити Бўйноқ яхшироқ тушунади ва у билан бирга кетади. Муаллиф ўқувчи эътиборини итнинг ақлли кўзларига кўпроқ тортади. Бўйноқ ўз ёнига чорлаган эгасига “ақлли кўзларини жавдиратиб” тикилади. “Ит унинг сўзларини бош эгиб” тинглайди, “кўзлари ёшга тўла эди”. Таъқибчилардан қочиш жонига теккан Жондошнинг “назари яна итнинг ақлли нигоҳига” тушиб, қалбидаги бутун дарди-ҳасратини унга тўкиб солади. Бўйноқ эгасини жуда яхши тушунади, атрофдаги хавф-хатарлардан ўз вақтида огоҳлантиради, керак бўлса ҳимоя қилади. Чиндан ҳам Жондош одамлардан топмаган меҳр-оқибатни итидан топди. Туғишганидан ҳам афзал бўлган Бўйноқ умрининг охиригача эгаси билан ёнма-ён юрди ва унинг учун жон берди.

Нормурод Норқобилловнинг “Ажал чорлаган кун” қиссаси Ёвқур исмли итнинг тарихига бағишланган. Қисса Ёвқурнинг сўнгги кунида кўрган-кечирганлари, хотирасида уйғонган ўтмиши ҳақидаги воқеалардан иборат. Ит ўзининг қисқа умрида ҳар хил одамларни кўрди, турли воқеаларни бошидан кечирди. Баён унинг ўйлари ва нуқтаи-назари асосига қурилган. Бу итни ўқувчига янада яқинлаштиради. Ёвқур худди инсон сингари фикрлайди, одамларга баҳо беради. У дунёга келиб тўрт хил одамга хизмат қилди ва уларнинг табиатидаги яхши-ёмон хусусиятларни, кимлиги ҳамда қандайлигини ўзига нисбатан қилган муомаласидан ажратиб олди. Гарчи жонивор сифатида қафасда

яшашга кўниккан, давраларда итлар билан уришишга мажбур бўлган бўлса-да, ҳар доим ўзи туғилиб ўсган кенг дала-даштни, эркинликни қўмсайди. Хўжайинлари орасида биргина чўпон Сувоқулни ўзига яқин олади ва ҳар доим унга томон интилади.

Ёзувчи итлар ва бўрилар муносабати орқали одамларни саралайди, айрим масалаларда инсониятни улардан ўрнак олишга ундайди. “Дашту далаларда” романининг қаҳрамони Эшқул полвон эҳтимол, “яшашни, темтинишни одамлардан эмас, жониворлардан ўрганиш керак деганда, мана шу ҳолатларни кўзда тутгандир”. Шу жиҳатдан Нодир чолнинг вафодор ити Оққуйруқ образи ибратлидир. Бир хум тилла хазинага эга бўлса-да, уни на ўзига, на болаларига раво кўрмай ер остига кўмиб қўйган Нодир чол меҳр-оқибатни ўғил-қизларидан, ёр-дўстларидан, қариндош-уруғидан эмас, айнан ана шу кўримсизгина ити тил-забонсиз Оққуйруқдан кўрди. Чол қўй галасини ҳайдаб қирга отланар экан, Оққуйруқ уларнинг йўлини тўсиб, “очиқ эшиқдан ташқарига интилаётган сурувнинг ҳаракатига ошкора монелик” қилади. У хўжайинининг ўлимини олдиндан сезганди. Шунинг учун кун бўйи “Оққуйруқ мунг ва хавотир тўла нигоҳини ундан узмай, теварагида айланади”, думини безовта ликиллатиб, чолнинг кўзларига жонсарак тикилади. Юрак хуружи туфайли жон берган Нодир чолнинг тепасида уч кун пойлаб, увиллаганича одамларни чақиради. Итнинг овозини бўриларнинг увлашидан ажрата олган Эрали чавандознинг таклифи билан жўрасининг жасади топилади.


Уйига олиб келиб, дафн маросимида тайёргарлик кўрилайётган пайтда “Ғам ва очликдан тамомила силласи қуриган Оққуйруқ теварақдагиларга бир муддат жавдираб қараб турди-да, сўнг ўртага ётқизиб қўйилган чолнинг боши томон юрди. Тумшугини эгасининг гарданига қўйиб, чўзилиб ётиб олди. Унинг кўзлари тўла ёш эди. Азанинг учинчи куни ит ҳам ўлди”. Ҳа, Эрали чавандоз айтганидек, “биз бандалар шу итчалик бўлолмаймиз”. Бу Нормурод Норқобиллов асарларидан сизиб чиқадиган асосий ғоя бўлиб, ўқувчини ҳушёрликка чорлайди.

Йўлдош СОЛИЖОНОВ.





ТАЛАНТБЕК



Кўз бағрида яланғоч ҳар ранг

* * *

Мағлуб қайтдик қиморлардан кеч,
Ғолиб бўлдик шиҳсалар йигиб.
Минбарларга ошиқмадик ҳеч,
Шеърлар айтдик тошларга чиқиб.

Қадаҳларда сипқорилди шаън,
Раб дедиғу, ки, чўкмадик тиз.
Хафа бўлса бўлди бизлардан,
Қишлоқдаги икки-учта қиз.

Биз отилдик ҳаёт қаърига,
Йўллар юрдик, манзиллар йироқ.
Онамизнинг тим сочларига,
Оралатдик бирозгина оқ.

Бўлди, бас қил, йиғлама юрак,
Шоҳ бўлдик-ку... бўлмадик малай.
Бундан ортиқ нимаям керак,
Ватан дея айтдик ҳарқалай.

* * *

Агар ўлсам мозорга эмас,
Шу кўчага кўминг жўралар.

Юлолмайди номимни ҳар кас,
Ном сўралса Ватан сўралар.

“Ин ал- Ҳақ” денг, сув бирла чайманг,
Шу ариққа ташланг бир бора.
Сувпарилар ора яшай ман,
Нилуфарлар бўлсин минг пора.

Жасадимга мраммарлар нечун,
Битта ёғоч бўлсин ҳайкалим.
Кўклар кетса, не ажаб бир кун,
Ўзим каби турса чайқалиб.

Агар ўлсам, Фароғат, не гап,
Супанга кўм, райҳонлар ўтқиз.
Ҳар кун тонгда рашқингни кўзгаб,
Юлиб ўтсин кўчангдаги қиз.

БУХОРОЛИК ҚИЗГА

Шаҳзодага қадалмиш хаданг,
Қизлар ичган ҳарамда заҳар.
Кўз бағрида яланғоч ҳар ранг,
Ҳазонларга бурканди шаҳар.

Дарахтларни мезон чирмайди,
Афросиёб қилинган вайрон.
Кўксаройга султон кирмайди,
Миноралар боқади ҳайрон.

Бўлса ҳамки, автобуслар банд,
Изғисамда тушганида кеч...
Ўзим каби ҳорғин Самарқанд,
Эртақлардан айрилмайди ҳеч...

Баданингни соғинган қўллар,
Сиёб сувин ўйнаган кезде.
Нилуфарим, нилуфаргуллар,
Униб чиқар Лаби Ҳовуздан.

* * *

Кунларимнинг йўқдир тинчи,
Бошим олиб қайга кетай.
Кўзларимда кўк соғинчи,
Кипригимдан қалқир, нетай.

Эзгин ҳаёт, эзгин дунё,
Бу ҳолатда яшашим душвор.
Жон борида қодир Худо,
Юзларингни кўрсат бир бор.

Кейин майли, дейин инга,
Ҳурайинми ё маърайин.
Кўзинг бўлса, гар, кўзинга,
Жон борида тик қарайин.

Маъни борми бирор шеърдан,
Айтинг осмон бургутлари?...
Олиб кетинг мени ердан,
Туркистоннинг булутлари!





Саъдулла ҲАКИМ



БОЛА БОТИР

Шеър қандай ёзилади? Бу саволга аниқ бир жавоб бериш қийин. Фақат шуни аниқ айтиш мумкин: шеър кайфият таъсирида дунёга келади. У хурсандчилик бўлиши мумкин, изтироб бўлиши мумкин. Шеър – кўнгил безовталиги маҳсули. Шоирлик – бу кўнгил сезгирлик. Шеърни шеър қилувчи омиллар эса талайгина. Мен айтмасам ҳам улар шеър аҳлига яхши маълум. Шу билан бирга унда маълум маънода сир, ғайритабиийлик бўлиши керак. Ҳар бир шеърга, албатта, нимадир туртки беради. Шуниси қизиқки, баъзан турли даврларда бўлган воқеалар, кузатувлар, ҳиссиётлар, ҳеч қутилмаганда, ажиб бир тарзда қовушиб, яхлит бир манзара, композиция ҳосил қилиши ҳам мумкин. «Бола ботир» мен учун шундай шеърлардан.

Баҳор ўрталарида Гарашанинг тоққа туташ, катта-кичик харсанглар чўнқайган қум-тошли томонлари ҳам, унинг этагидаги бўз тупроқли қир-адирлар ҳам минг хил гиёҳлар ял-ял очилиб яшнаб кетади. Хушбўй ҳавони сиририб тўймайсан. Ҳар қадамда турли жониворларга дуч келасан. Тошбақалар ғимирлаб қолади. Юмронқозиклар чопқиллаб юради. Паррандаю даррандалар, ҳашаротлар тиним билмайди.

Ўн бир яшар ўспирин эшак миниб қир оралаб ёлғизоёқ йўлдан илгарилаб бораяпти. Қутилмаганда ундан ўн-ўн беш қадам наридаги майсалар шитирлаб, чиройли тулки бош кўтаради. Бола аввал чўчиб тушади. Лекин тулки катта одамлар билан рўбарў келгандагидек урра қочиб қолмайди. Боладан чамаси йигирма метрлар узоқликда чиройли, узун думларини ўйнатиб, гоҳ олдинга, гоҳ орқага қараб ўмбалоқ ошади. Бола яқинлашиб келганида яна узоқроққа югуриб кетиб, бояги қилиқларини такрорлайди.

Боланинг қизиқиши ошиб эшагини тезлатади. Буни сезган тулки ўтлар орасида думалаб бир зумда кўздан ғойиб бўлади. У болалар билан ана шундай ўйнашишни хуш кўради. Тулки ёш болага дуч келса қитиқлаб ўйнашишни ёқтиради, деган гаплар ҳам юради одамлар орасида. Одамга тегинмайди. Ҳашаротлар, зараркунандалар – сичқон, юмронқозик овлайди. Товуқларни айникса ёқтиради.

Болалигимда эшитганман. Бир йигит ёзнинг иссиғида, қоқ туш пайти хилват қир оралаб кетиб бораётса, жар ёқасидаги қоратош ёнида қип-яланғоч аёлни кўриб қолади. У ниҳоятда келишган бўлиб, тилларанг сочлари ёйилиб, деярли бутун қоматини ёпиб турарди. У сочларини силаб, ишва қилади. Йигит қулоғига «Ҳой йигит, бери кел!» деган овоз чалингандай бўлади. Йигит кўрқиб, олазараб бўлиб, бор овозича бақириб юборади. Кўзларига ишонмай яна қарайди. Аммо бояги жойда ҳеч ким кўринмайди. У дир-дир титраб уйига келганда оғзи қийшайиб қолади. Парига дуч келиб кўрқиб кетганидан шундай бўлиб қолган, дейишарди одамлар.

Ой тўлишган пайтларда қиру адирлар кечалари ҳам кундуздек чароғон бўлиб кетади. Ойбетгай томонлар ярқираб, терскай жойлар ғира-шира қоронғулик ичида ажиб бир сирли, афсонавий, хийла хавотирли тус олади. Чигирткалар чирилдоғи оламни тутати. Аллақандай қушлар дапқир-дапқир сайраб қолади. Қаердадир бўлиқ ўтлар шитирлайди, нимадир «гурс» этиб йиқилиб тушгандай бўлади. Қуйилиб ёмғир ёққандек ой нури оқади. Ерда оппоқ булутдек ёйилиб ётган шувоқзордан таралган тахир ва ёқимли ис димоқларни қитиқлайди. Чинданам сирли-синаотли кеча.

Отлиқ йўловчи ўт босган тупроқ йўлдан дупур-дупур жадал интилади. Ойбеткай қирдаги қуврайзорга кўзи тушгач, сесканиб кетади. Ёпирай, бу не мўъжиза?! Қуврайзор ичида қадди-қомати келишган сулув бир жувон солланиб турибди. Ой нуридай ёғилган, тўпиғига тушган сочларини силаб-сийпалайди. Бу қандай жувон? Ярим кечада бу ерларда ярим-яланғоч нима қилиб юрибди? Йўловчи ўз кўзларига ишонмайди. Кўзлари адашади. Тикилиб қарайди. Жувоннинг қиёфаси ўзгаради. Яқинроқ келган йўловчининг ҳайрати янаям ошади: сарғиш-кўнғир думларини чиройли ўйнатиб турган тулкини кўради...

Шундай кечада ўша йўллардан мен ҳам от миниб ўтганман. Юқоридаги воқеани эшитганим боис қирдан нигоҳимни узмай отни қичаб ўтганман. Лекин у парини кўрмаганман.

Киш охирлаб қолган кунлар. Қор эриб ерлар юмшаган. Кечкурунлари ер яхлаб, қатқалоқ бўлиб қолган пайтлар. У замонларда қишлоғимизда тўкчироқ (электр) бўлмаган. Шу боис ҳамма уйда ҳам чироқ ёқиладиган, уйқуға ётгунча бутун оила бир уйда битта чироқ остида, сандал атрофида гурунглашиб ўтириларди. Биз ёшлар туннинг бир маҳали оғилхонадаги мол-ҳолдан хабар олиб, ем-хашак солиб келардик. Ўшанда мен оғилхонада эдим. Ташқарига чиққанимда аввалига майин ёғиб бошлаган ёмғир бироз кучайиб, шитир-шитир авжига чиққан эди. Уй томон юриб, чироқ нуридан ёришиб турган пастак дераза ёруғида кимдир деразага қулоқ тутиб турганини кўриб қолдим. Аввалига ажабландим. Ўғрими деган халғла бордим. Сездирмай яқинлашиб ҳайратга тушдим. Чиройли бир тулки деразага қулоқ тутиб, ичкаридан эшитилаётган ёғин-ёғин овозларни худди гап пойлаган одамдек тинглар эди. Яқин боришга ҳаддим сиғмади-ю «Ҳайт!!!» дея қарсақ чалдим. Тулки шу заҳоти шартта қайрилди-ю, ўқдай отилиб одамбўйи девордан осонгина сақраб кўздан ғойиб бўлди.

Воқеани уйдагиларга гапириб берувдим, «Қўғур тулкилар худди тил биладигандай гап пойлайди. Буни сири нимада билмадигу, лекин тулкиларнинг шундай ғалати одати бор», дейишди.

*Олам-олам бўлиб тирик
Неча аср, неча йил
Кўрмаганди бундай тиниқ,
Нур ёғилган кечани.*

*Майин еллар қанотида
Тўлқин-тўлқин оқар нур.
Чигирткалар чирилдоғи
Жаранглайди мисли дур.*

*Маст қилгувчи шувоқ иси
Димоқларни ёради.
Бола Ботир дала йўлда
От ўйнатиб боради.*

*Ногоҳ кўзи тушар, шундоқ
Йўл бўйида бир пари
Имо қилар, тақимини
Ўниб тилло сочлари.*

*Каптар сийна, чумоли бел,
Кўза қўймич, оқбадан.
Кўрсатса шу Лайли дея
Мажнун кечар саҳродан.*

*Чўмич-чўмич мой симирган
Бойбичанинг бой қизи.*

*Бу дунёдан эмас, чиндан
Асли ойнанинг ой қизи.*

*Пишқирар от юрари-ю
Юрмасини билмайин.
Ҳайратидан хониш қилар
Ойга қараб жилмайиб.*

*Отдан тушар Бола Ботир
Ой нурига осилиб.
Ойпарининг сийнасига
Аста қўяр бошини.*

*Эҳтиросдан ихтиёри
Кетар тамом илқидан.
Тангачалик эҳсон тилар
Нозаниннинг мулкидан.*

*“– Бўлди, энди ўзингни тий,
Қўлингни торт, шўх йигит.
Мен тулкиман, бу ишни қўй,
Унут мени, бас, унут”.*

*Ойпарининг нолишлари
Қўлогига кирмайди.
Қаҳ-қаҳ урар Бола Ботир,
Аҳдидан юз бурмайди:*

Бу воқеаларнинг бари олис болалиқда бўлиб ўтган. Дала-даштга ўзгача чирой бахш этувчи ойдин кечаларни яхши кўрганим учун уларни ахён-ахён эслаб юрардим. Шу воқеалар сабаб бўлибми, «Бола ботир» кўнглимда етилди. Парига айланган тулки. Парига ошиқ бола. Ошиқлик туфайли тулкига айланган бола. Қўрбақага айланган маликадай. Йигитга айланган шердай. Бу бўлиши мумкинми? Бу бизнинг то шу пайтгача англаган эътиқодларимизга қанчалик тўғри келади? Одам қиёфасидаги мана бу зот балки ростдан ҳам тулкидир. Тулки қиёфасидаги мана бу жонивор мўъжиза рўй бериб ростданам маликага айланиб қолса-чи?

Ёки бу ҳол ҳақиқатан чин ошиқлар қисматиға хос сиру синоатми? Биз ўзи асли чин ошиқ деганда нимани тушунамиз? Ўзимиздан кеча оламизми? Ишқ учун қўрбон бўла оламизми? Бу чиндан-да сирли. Эҳтимол ишқ ўзи ҳеч қачон ечилмайдиган буюк бир сирдир. Балки шунинг учун ҳам ҳамма бирдек унга интилади. Лекин етолмайди. Етганлар бормикан? Мажнун етганмиди? Фарҳод-чи? Феълимиздаги барча қусурлар бу улуғ мартабага етиша олмайганимиз туфайли мавжуд эмасмикан?

*“– Ҳийла қилиб аврама, бас,
Мендай йигит мардини.
Ишқ тимсоли бўлиб, ўзинг
Билмасмисан шартини.*

*Майли, агар тулки бўлсанг,
Мен ҳам тулки бўлайин.
Гул юзингдан фақат яна
Битта муччи олайн”.*

*“– Бола Ботир, ўзингдан кўр,
Ёш жонингга қасд қилдинг.
Мен тулкиман, ахир, мени
Нега мунча маст қилдинг?”.*

*Битта бўлар еру осмон
Жону тан бир, руҳу қалб.
Ой булоғи тошар ногоҳ
Шаршарадек шарқираб.*

*Сапчиб тушар эгасиз от
Билмай бу ҳол сирини.
Теграсида икки тулки
Қувлашар бир-бирини.*

*...Олам олам бўлиб тирик
Неча аср, неча йил
Кўрмаганди бундай тиниқ
Нур ёғилган кечани!*





ЎКТАМОЙ

Кўклар кетган соғинларим



* * *

Ёстигим бардошидир,
Ёстиқ – сирдошим
Унга чизилгандир
Анвойи гуллар.
Ҳар кеч сугораман
Маъюс гулларни
Кўзларим ёши-ла
Ғунчалар кулар.
Муроса қиламан
Ҳар кун тун билан
Сабри тугаб соғинч
томади чак-чак.
Бу товушдан чўчиб
Гулга қўниб турган
Думбул капалак
кетади учиб.
Ёшим томиб-томиб
бўлар қўлмакча.
Менинг ҳасратимдан
безиган гуллар
Жон деб оқиб кетар
ирмоқчаларда.
Ёстиқда қолмади
бирор-бир шакл.
Ҳамон дарбадарман
Ишқнинг чўлида.
Паймонаси тўлиб
Бир кун мени ҳам
Оқизиб кетмасми
Соғинч селида.

* * *

Хаёлларинг яшашига қўймас,
Соғинч чинқиради кечалар.
Иложсизлик илинжларимни,
Бораяпти бир-бир парчалаб.
Сени ўйлаб, сени соғиниб,
Хаёлларинг ташлайман суриб.
Улар бунча тошқин, бунча сур,
Келаверар қайта бостириб.
Гоҳ бу жангда енгиб, енгилиб,
Ороми йўқ шамолдай ҳордим.
Хаёлларинг суриб турмасам,
Юрагимни чиқарлар ёриб.
У ён-бу ён сурилиб минг бор,
Кетиб қолган ширин таъмлари.
Юрагимга оғир ботмоқда,
Ушалмас орзунинг аламлари.
Хаёлингга зарқ этиб мени,
Ломакондамисан, шаҳризод.
Дардайд оғир бу юмушлардан,
Қачон келиб қиласан озод?

* * *

Уйғониб кетади
намозиомгуллар
Тун кавшининг гирч -гирч
товушларидан.
Ой нурун ютоқиб
ичади гуллар
Туннинг қора
ҳовучларидан.



* * *

Тун лайлируй руҳимда,
Рақс тушар довдираб.
Чопаман ҳар кўчада,
Сени излаб ҳолсираб.
Юрагим оқаёттир,
Ишқнинг тентак сойига.
Кўзларим ботиб кетар,
Соғинчларнинг лойига.
Ҳовучимга тўкилар,
Бўзлаётган бўзларинг.
Лўлининг тўрвасидан,
Тушиб қолган сўзларинг.

ГУЛ ДАРАХТИ

Ҳиндистонда улкан гул
дарахтларини кўрдим.

Нозланади нозанин гуллар,
Қўллар етмас ёноқларига.
Нафасларин кўксимга босиб,
Юзим қўйсам дудоқларига.
Минг йилларки бир Сўз деёлмай,
Туйгулари чиққанмикан тошиб.
Ё бу дарахт ёрин кутавериб,
Сабрлари гуллаган ошиқ.

* * *

Кўклар кетган согинчларимни,
Ўғирчада янчаётур тун.
Атиргулнинг пинжиги кириб,
Япроқлар-ла олгим келар тин.
Жийдаларнинг хушбўй ҳидига,
Арқон солиб учсам ҳалинчак.
Ой нурунинг кокилларини,
Ўргим келаяпти бирдак.
Чўкаяпман дунёларингга,
Хаёлларим сенда тунайди.
Қайда бўлма, сен бор жойда,
Менинг туйғуларим гуллайди.

* * *

Бошимга қилай болиш,
Райҳонлар япрогини.
Райҳонлар билса билсин,
Кўнглимнинг титрогини.
Учаётур муҳаббат,
Қанотлари қарсиллаб.
Келақол, сув сеп, ёмғир,
Юрак ёнар чирсиллаб.
Эшитмайди оҳларим,
Ул дилозор йироқда.
Ташлаб кетди
Ўлжасин,
Илтириб тузоққа.



* * *

Осмон эдим,
Сени деб ер бўлдим.
Майсалар устига чиқиб,
топтадилар бу ерни.
Дарё эдим, сени деб кўл бўлдим,
Итбалиқлар, курбақалар,
Ватан тутди бу ерни.
Дур ундирган тупроқ эдим
Шўр бўлдим
Шўришимдан шўрлаб кетди,
Шўрқўргоннинг деворлари.
Кўкдаги ой эдим, сени деб гўр бўлдим
Гар арзисанг майли эди,
Синиб тушган тирногимга.

* * *

Келдинг кийиб ишқ жандасини,
Куйган қиёфангни бўрттириб.
Мўлтирайди кўзларингга мунг,
Одамнинг раҳмини келтириб.
Бўзлайвердинг, қахрларим ҳам,
Эриб кетди меҳр дудидан.
Беҳишларнинг ҳиди келаётур,
Юрагинг солинган қутидан.
Майсаларинг ибодат қилар,
Ишқ нурлари тушган соямга.
Илинжларинг орзуга дўниб,
Чирмашмоқда мағрур гоямга.
Яширинган парда ортига,
Қай шаклда нағмаи оҳанг.
Кимлигингни кўргим келяпти,
Қачон йиртилади қиёфанг?

* * *

Эсиз, умр сен деб қовжираб,
Ғам тоғлари қотган бўғзимга.
Ҳижронларга итдай талатиб,
Тикон эккан дала-тузингга.
Қисматимда асли афғорлик,
Йиллар сели ювиб кетмади.
Сочларимнинг узун чилвири,
Кўнглимиз боғлашга етмади.
Бевафоликнинг найзалари,
Сабрларнинг кўксини тилар.
Юракларнинг чанқоқларини,
Ишқ сугорар қонлари билан.
Тошлар узра урилган бошни,
Шовқинидан уйғонар фардлар.
Бошдан-оёқ мен бир хатони,
Шоир қилди гуллаган дардлар.

* * *

Юр, севгим, кетамиз бирга,
Хаёл дарёсига кетайлик.
Қулоч отиб тўлқинларида,
Кўнгиларни шодон этайлик.
Бу дарёнинг эпкинларига,
Бошин қўйсин ҳориган юрак.

Кўрар гамгин кўзларимизни,
Ҳақиқатга айланган эртақ.
Бу дарёда шўнгиб қалқсақ-да,
Ҳеч ким бизни этмагай таъқиб.
Тубларида ётар чиганоқ,
Дурларидан қўяди тақиб.
Юрак – кўприк, ўтолмадик биз,
Эритолмас кўз ёш тошларни.
Биз дарёда оқиб кетганда,
Армон бизни излай бошлайди.

ШЎРҚЎРҒОН*

Пешонамга битилган шўрлар,
Бутун вужудимга ёйилиб борар.
Бошдан оёққача ўрмалар.
Оқётган ёшларим ҳам шўр –
Кўзларимнинг аригидаги.
Бу шўрлар, шўришлар
кетмайди чоги,
менга ватан бўлган шўрлар қўргони.
Ана шу гўшада туғилдим, ўсдим.
Бугун мендан қўргон ясаб
яшашни истаган бу шўрларни
қуришиб бўлармикан шўрини.

* * *


Чулдирайди уйгоқ жилғалар,
Тинмай чопар ботганча терга.
Ифорлардан маст-аласт бу тун,
Ётиб олар чалқанча ерга.
Жамбул сиқимдаги мушқларин,
Димоғларга юборар сочиб.
Бетакаллуф киради еллар,
Даричалар кўнгилдай очиб.
Чумолилар учинар яйраб,
Мажнунтолнинг аргимчогида.
Кўкдан тушган олифта нурлар,
Чўмилишар анҳор бағрида.
Тун кўксини ёрган чақмоқнинг,
Араваси келар қалдираб.
Ҳозиргина кўз очган гулни,
Қўрқитади момоқалдироқ.



*Мен туғилган қишлоқ номи



Улуғбек ҲАМДАМ



Суратни Дадахон Баҳодиров чизган

*Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлағай.*

Алишер Навоий

Кўклам келди-ю ҳовлидан бир қушча кетмас бўлди. Авваллари эътибор қилмаган эканми, Ҳусан энди уни кунда кўради: қушча гоҳ у, гоҳ бу дарахтга кўниб олади. Гуллаш пайтида эса бошига оқ рўмол ташлаган ўриқдан негадир айрилмай қолди. Бўшади, дегунча дераза қаршисида михлангандай ўтириб узун-узун хаёллар сурадиган шеригини Ҳасан ўнғай ҳар фурсатда бир яниб олади. Ҳозир ҳам шундай бўлди: “Ҳм-м, тагин кўзгадимидардинг? Ундан кўра мажлисни ўйламайсанми? Шайх Аҳмад Жунайд ҳазратлари билан учрашув ҳаётингда бурилиш ясаши мумкин, Ҳусан! Ҳой, кимга гапиряпман мен? Девордан фарқинг йўғ-а!.. – дея жириллади у. Ле-

МУСУЛМОН

Ҳикоя

кин муҳабобининг парвосиз ўтиргани бадтар жаҳлини чиқарди. – Кўй-э, гўё жаннатга йўлланмаси нақд одамдек тутасан ўзингни?..”

Ҳусан бундай гапларга кўп-да эътибор бермайди. Аммо илгари ҳақ талашарди – эслайди. Бир кун қаттиқ тортишиб ҳам қолишганди. Ўшанда ака-ука нафл намози учун таҳорат олишга чоғланиб туришганда кўшнинг боласи чиқиб, қандайдир юмушга бир зумлик ёрдам сўраганди. Ҳусан шу кетганча кеч қайтганди. “Аввал ибодат, кейин мадад”, деганди Ҳасан қофиясини келиштириб. Ҳусан ҳам недир жавоб айтганди, ўртада жиддий баҳс чиқиб, жўжахўрозлардек тоза жиғиллашиб қолишганди ўшанда.

– Мутаассиб бўлма, ислом – бағри кенг дин. Ҳатто сифиниб ўтирган вақтингда ён-верингда чаён кўриб қолсанг, олдин отиёмонни даф қилиб, сўнг намозга қайтишингга изн беради у, – деганди Ҳусан қизишиб.

– Тўғри-ю, – жавоб қайтарганди Ҳасан, – лекин бундай гаплар кўпинча фарзларни мукамал адо этишга эринадиганларнинг баҳонаси бўлади. – Сўнг у Қуръони каримни олиб, Ҳусаннинг арабчани ўзидан тузукроқ билишига қарамай, сўзма-сўз ўқиб, ҳижжалаб таржима қилган, буям етмай шарҳлашга ўтган, чаҳорёрлару саҳобалар ҳаётдан мисоллар келтириб уқтирган эди.

Хусан ҳам қараб ўтирмай, ўз таврининг ҳимоясига авлиёлар ҳикматларидан далиллар айтиб, муқаддас каломни ҳар ким ўз дунёқарашига яраша тушунади, бутун ер юзиди иймони бир хил кучга эга икки мусулмонни тополмайсан, у кимда қувватли, кимда заиф бўлади, нега сен бошқаларнинг амалини ўз қаричинг билан ўлчамоқчи бўлаверасан, Ҳасан? – дея бўғилганди.

Гоҳо эса мана шунақа мунозаралар чўзилиб кетар ва Ҳусаннинг юраги хунолуд тортиб, ташқарига чиқар, ҳовлидаги дарахтлар остида соатларча кезиниб, баъзан уларга дардини айтиб ҳовуридан тушарди. Кейин... кейин у ана ўша қушчага дуч келиб қолди!.. Дуч келди-ю, негадир Ҳасан билан муноқаша қилишни истамай қўйди, ажаб. Ҳатто у Ҳасанга: “Кечир мен лодонни, билмай таллашиб юрган эканман, дўппини олиб ўйлаб кўрсам, ҳужжатнинг бари сен томонда экан”, дедики, бу иқрор жигаргўшасини кўп тўлқинлантирди, келиб Ҳусанни кучди, «киймонингга ҳамиша мана шундай соҳиб чиқ!», деди кўзлари намланиб. Сўнг улар орасида вулқондек отилиб турадиган оловли мубоҳасалар гўё тинди, Ҳусан дин борасида Ҳасан айтганга кўнди. Кўнди-ю, буни қарангки, ўзгармади: аввал қандай бўлса, шундайлигича қолди. Ҳасан чизган йўлдан юрса ҳам ўз кўнглича яшайверди. Қизиқ-а?..

Қушча баъзан новдада жимгина ўтирарди. Шунда чаппор уриб гуллаган ўрик дарахти баҳайбат кучоғи билан уни гўё яшириб оларди. Лекин қушча ҳар доим ҳам бир жойда тек турмай, пириллаб учиб қолар, шу боис Ҳусан уни тамоша қилишга кўп-да илҳақ бўлмасди. Ҳозир ҳам лип этиб бир шохдан бошқасига ўтди-ю, кўриниш берди. Ҳусан уни кўзлари билан тутволди. Кейин қочириб юбормасликка тиришганидан бутун вужуди кўзга айланди. Қушча ўтирган ўрнида хушхон овоз билан сайрай бошлаганда эса борлиғи қулоққа дўнди. Қушча берилиб, атрофни унутганча яйраб-яйраб хониш қиларди. Бунга сайин Ҳусаннинг завқи ошар, ўтирган ўрнида ташқаридан тошдек қотганга ўхшаса ҳам ичкарида мумдек эрирди. Куйлай-куйлай қушча, ниҳоят, тин олди, бежирим бошчасини у ёқ-бу ёққа тез-тез қаратди, шунда Ҳусан ўйнаб турган, қоп-қора ҳуркак кўзларини кўриб қолди. Назарича, қушчанинг кўзи ҳам ўзига тушди. Тушдики, яна пир этиб дарахтнинг нариги – кўздан йироқроқ томонига қочиб кетди. Ҳусан энди қушчани кўрмас бўлди. Аммо кўп куттирмай қушча яна соҳир овозда хониш қила бошлади...

– Тур-е, қанақа одамсан ўзи? Ҳаётни деразага қараб соб қиласан-ку бунақада? – жеркиди Ҳасан қўлида китоб билан ташқарига – дарахтлар остига чиқиб кетаркан. – Қачон мажлисни ўйлайсан? Унақа-бунақамас, нақ арабистонлик шайх ҳазратлари қатнашадиган йиғин бўлса! Ҳей, ўзимизни кўрсатсак борми, хорижга кетиш йўлланмаси нақ чўнтагимизда деявер.

Шу чоқ Ҳусаннинг қўл телефони жиринглаб қолди ва сўйлашганча нари кетди. Сўнг бирпас ўтиб маъюс бир қиёфада қайтиб келди.

– Отам бетоб эмиш.

Ҳусаннинг диққати бўлинди:

– Нима?..

– Қулоғинг том битганми, отам этиб қопти деяпман, – тутақди Ҳасан, – гаранг!..

– Вой, – деди капалаги учиб Ҳусаннинг, туриб шериги қошига келаркан. – Жиддий эмасканми, ишқилиб?

– Билмадим... Нима қилдик, Ҳусан? Бу ёқда мажлис...

– Нималар деяпсан, Ҳасан?.. Борамиз!..

Эртаси саҳармардонда эгизаклар елкаларига енгил халталар осиб, олис вилоятга отланишди. Уйдан чиқишаркан, Ҳусаннинг эътиборини бир эмас, камида икки қушнинг мунис, дилпазир хонишлари тортди. Бир лаҳза тўхтаб аланглади. Чинданам, дарахт шоҳида бир-бирига қуйиб қўйгандек ўхшаш икки қушча пайдо бўлганди. Қай бири ҳамишаги қушча-ю, қайсиси меҳмон – билиб бўлмасди.

– Қара, Ҳасан, қушчалар ҳам бир жуфт бўп қопти, эгизак дейсан, – ҳайрати ошди Ҳусаннинг.

– Ке, Ҳусан, эрталабдан асабга тегмагин, йўлимиз узок... – шериги ёнидан шитоб билан ўтаркан, танбеҳлади Ҳасан...

Ярим соат ўтар-ўтмас, туғишганлар таксига ўтиришди-ю, ота юртларига жўнаб кетишди. Тахминан уч соатлардан кейин эса улар минган машина йўл четидаги чоғроқ кафе қаршисида тўхтади.

– Овқатланамизми? – Ҳайдовчи ҳаммадан бурун кабобчига қараб йўрғалади. Ортидан эр-хотин йўловчилар эргашди, сизлар-чи, дегандек буларга им қоқиб қўйишди. “Иштаҳам йўқ”, деди Ҳусан. “Юр, намоз ўқиб келамиз”, дея эшикни очди Ҳасан.

Улар келиб тушган жой бағоят хушманзара экан. Тоғ ён бағри айниқса латофатли, ёнгиналарида шарқираб сой оқаяпти, бўйлари унчалик баланд бўлмаган дарахтлар, оддий толми ё мажнунтол – бирданига ажратиш қийин... Шу дарахтлар остидаям зилол сув оқиб ётибди. Ҳусан ариқ лабига чўккалаб, юзига сув урган эди, сесканиб кетди.

– Оҳ, муздек!..

– Тоғники-да, – ҳамдамнинг шундоқ биқинига келиб тиз буқди Ҳасан. – Таҳоратинг борми?

– Борликка бор, лекин уйга яқин қолдик, бемалолроқ ўша ерда ўқирдик...

– Вақтида ўқиш керак. Қоидани беш қўлдек биласану амалга келганда тайсаллайсан-а, Ҳусан. Кеча сен бормаган амримаъруфда яхши гап айтишди, – деди Ҳасан қўлларини кичик сочиқ билан яхшилаб артаркан. – Бир йўловчи аэропортда намоз ўқиб қолиб рейсидан кечикибди. Салдан кейин эса ўша самолёт ҳалокатга учраб, битта ҳам тирик жон қолмагани ҳақида хабар келибди. Қара, намоз қутқарибди уни...

– Бундай мисоллар билан намозни шарафлашга уринмаслик керак, – қизишди Ҳусан, тортишмайман деган қарорини бир лаҳза унутиб. – Самолётда эҳтимол савоби кўпроқ, қалби покроқ инсонлар ҳам бўлган бўлиши мумкин-ку. Ёки норасида, бегуноҳ гўдакларга нима дейсан?.. Бу – қисмат, пешонага ёзилган ёзиқ. Намознинг аҳамиятини бу тарзда бўрттириб кўрсатаман дема, Ҳасан... Истасанг, мен ҳам сенга шунга ўхшаш бир ҳикоя айтиб берай, – жойнамозни ерга тўшаб Ҳасанга юзланди Ҳусан. – Бир ишбилармон йигит хо-

рижга кетадиган бўп қопти-ю, уйда ёлғиз қолаётган она-си зорланибди: “Негадир юрагим ғаш, болам, шу галча бормасанг девдим...” Ўғил бир иши, бир онасининг гап-ини ўйлаб, ахийри кетишга қарор қилиб, аэропортга жўнабди. Лекин улгурмабди: учоққа ўтқазиш якунланиб, эшиклар ёпилгани учун чор-ночор уйга қайтиб, ўз хонасига кириб ётиб олибди. Она бериги хонада телевизор кўриб ўтирган экан, “Хабар”ларда ўғли кечиккан самолётнинг ҳавода портлаб кетгани тўғрисида айтиб қолибди.

Онаизор ҳаяжон билан қўшни хонага – ўғлининг қошига чопибди.

– Қара, болам, айтмабмидим кўнглим ғаш деб, сенинг самолётинг... – Онанинг гаплари бўғзида қотибди: не кўз билан кўрсинки, навқирон йигитнинг жони чиқиб, полда сулайиб ётган экан... Ҳасан, ҳамма гап тақдири азалда. Одамнинг қазоси етган бўлса, осмондами, ердами, фарқи йўқ... Ўша намозхоннинг тирик қолишининг сири намозда эмас, лавҳи маҳфузда яширин.

– Кўчадаги иймонсизнинг гапини гапирма, Ҳусан! – аччиқланди Ҳасан. – Ким айтади сени Ислом университети толиби деб? Дунёда ҳеч бир нарса бежиз содир бўлмайди. Ўша намозхоннинг жони фақат ибодат туйғултиришига тирик қолгани кундек равшан-ку! Ҳаммаси очиқ-ошкор бўлиб тургандай иймон келтирмай, далил кўрсат, деб пайғамбаримизга тихирлик қилган мушрикларга ўхшама!..

– Оллоҳ асрасин де, Ҳасан! – Ҳусан бошқа эътироз билдирмай жойнамозга бориб турди.

– Наузубиллоҳ, укажон, наузубиллоҳ, – дея пичирлади Ҳасан.

Ибодат пайтида туйқус тепаларида вижир-вижир бошланиб қолди. Диққати бўлинган Ҳусан шивирлаб айтаётгани оятлар тилига келмай тутилди. Намоз битиши билан у ўтирган кўйи бошини буриб қушчаларни қидиришга тушди.

– Бу кетишда ё ақлдан озасан ё яна бир балонинг ўқиға йўлиқасан, ношуд! – дея пўнғиллади Ҳасан, жойнамозларни йиғиштириб оларкан. – Ҳар куни беш марта такрорлайдиган оятларниям эсидан чиқарадимми одам! Хаёлинг қаерда ўзи? Шайх Аҳмад Жунайд нима дейди, эслайсанми? Фарзларни адо этишда энг кичкина хато ҳам иймон устунини лиқиллатиб кўяркан. Сен бўлса...

Ҳасан ортиқ гапирмади. Ҳусаннинг паришонлигидан қаттиқ ранжиганидан одатича, бор-э, маъносида қўл силтаб нари кетди.

Ҳасаннинг совуқ сулукотига Ҳусан парво қилмади; унинг фикру зикри қушларга боғланганди. Лекин берилиб изласа-да, паррандалар кўзига дарров илина қолмади. Кейин дарахтдан андак узоқлаб боқди. Ҳайрият, шу ерда эканлар: қушчалар инжа тумшуклари билан бир-бирларининг бошу бўйинларини енгил чўқишар ва яна аллақандай товуш чиқариб ороланишар эди.

– Яна нима бўлди? Баъзан жа-а оширворасан-да, – ўсмоқчилади олисдан буни кузатиб турган Ҳасан.

– Бу ёққа ке, Ҳасан!.. – дея шошиб, ҳаяжон билан гапирди Ҳусан. – Анавиларга қарагин, эрталаб Тошкентда кўрмовдикми?..

– Бе-е! Нималар деяпсан?

Ҳасан қиё ҳам боқмай машинага кириб ўтириб олди. Ҳусан эса қушчаларга яқин борди.

– Нималар деб ғужурлашяпти экан булар, – хаёлидан кечди, – қани энди живилдоқ тилларини билсам. Бормикан ўзи шундайлар? Сулаймон пайғамбарни билган, деб айтади китоблар. Маза бўлса керак қуш тилини билиш...

Кейин эса лоп этиб ёдига даррандаю парранда тилига ишқибоз бўп қолган шўрлик инсон қисмати ҳақидаги ривоят тушди. Унга кўра, ишқибоз пайғамбарнинг олдига келиб, Оллоҳ таолодан менга ҳам ҳайвоноту наботот тилини тушуниш уқувини сўраб бергин, дейди. Пайғамбар уни ҳарчанд бу йўлдан қайтаришга уринмасин, қайсарлик қилиб, айтганида туриб олади. Ниҳоят, орзусига эришган гарданкаш уйига келса, мушуги ва итининг ўзаро суҳбатини эшитиб-тушуниб қолади. Мушук итга “хўжайиннинг товуғи касал, яқинда ўлади, сен билан биз гўштини еб, бир кун маза қиламиз” деяётган экан. Гарданкаш ишқибоз дарров тадбир олиб, товукни бозорга элтиб пуллаб келади. Орадан вақт ўтиб яна ўшандай суҳбат қулоғига чалинади: “Хўжайиннинг сигири касал, яқинда ўлади ва сен билан биз бир ой маишат қиламиз”. Ишқибоз зудлик билан сигирни сотиб даф қилади. Лекин асл бало олдинда экан: кунлардан бир кун у фавқуллода ғалати мубоҳаса устидан чиқади: “Сабр қил, бу сафар хўжайиннинг ўзи бетоб, яқинда ўлади ва биз бир йил базму жамшид қиламиз”. Гарданкаш нима қилишини билмай пайғамбар ҳузурига такрор йўрғалайди. Аллоҳнинг элчисидан: “Кичик синовлар келганда бўйин товламай, сабр қилиш керак эди, энди сенга ёрдам беришнинг иложи йўқ”, деган жавобни олгач, дунё кўзига қоронғи бўлиб ўзини йўқотади. Кўп ўтмай ишқибоз оламдан ўтади-ю, унинг маъракаларида мушук ва ит оғзини мойлайди...

– Инсон боласининг баъзи нарсалардан ғофил юргани тузук экан. Руҳ ҳақида бизларга жудаям оз билим берилганлигида ҳам шундай бир ҳикмат яширинган бўлса, ажабмас, – деди Ҳусан ўз-ўзига пичирлаб. Кейин хаёлини қушларнинг қувноқ овозлари олди. – Нега улар биз билан йўлга чиқди экан? Номинимани буларнинг, қалдирғоч бўлиб қалдирғочмас, булбул бўлиб булбул. Бир афтлари момосовғага ўхшайди, бошқа тарафдан тўрғайни ёдга солади. Беозор мусичаю кумридан ҳам нимадир бордек. Лекин, ажаб, ҳеч бири эмас. Ҳаммасига ўхшасаям барибир бошқа қуш булар! – Ҳусаннинг таажжуби ортадан ортди. – Мунча чоройли бўлишмаса, ғужурларида қандай маъно бор? Бизни тарк этмай таъқиб этаётганларида-чи?!..

Кўп ўтмай эгизаклар манзилга етиб келишди. Оталари уйда ётган экан, дўхтирлар айтишича, қон босими ўйнабди. “Ёши бир жойга бориб қолсам тинчимайди, кетмон кўтариб ҳали томорқага, ҳали боққа жўнаб қолади, мол-ҳолгаям ўзи қараса-да”, койинади кўрқиб кетган оналари. “Ҳа, энди бошқача яшолмасам, меҳнатсиз турулмасам нима қилай”, дейди ўзини оқлаб оталари.

Тароватли кўклам эмасми, ҳайҳотдек ҳовлибоғда чуғурлашган мурғларнинг хилини санаб адоқ қилолмайсан, киши. Отаси соғлиғидан кўнгли тўлган Ҳусан боғ айланиб юришни одат қилди. “Ҳа, нимани

йўқотдинг дарахтларда?” – деб кўярди Ҳасан унга кўзи тушган кезлари. Лекин у парво қилмас, ўша антиқа жуфтликни ихлос билан қидирарди. “Боғ тўла қуш бўлсаям меникилар ҳеч қайсисига ўхшамайди, келган бўлсалар, албатта топаман”, деб ўйларди у. Айтганидек, нажиб қушчалар этакдаги эртагуллар бодомнинг хиёл эгилган новдасида ёнма-ён ўтиришиб олганча бир-биридан ўзиб нола қилишар, махмурланишарди. Ҳасан дарахтга ёвуқ келди, лекин паррандаларни чўчитиб юбормаслик учун масофа сақлаб тўхтади. Бир пас шу кўйи қотди-ю, оёқ остига қараб ўтиргани жой излади. Тўнка бор экан, яхшилаб жойлашиб олгач, қулоғини динг қилди. Ҳовлида турли овозлар ўзига хос тарона ҳосил қилганди. Буни Ҳасан анча муддат ўтгачина туйди. Ҳа, аввал-бошда тартибсиз эшитилган товушлар тинглай бергани сайин ҳайратангиз йўсинга тушди-қолди. Тавба, деди бошини маънодор тебратиб, сўнг ўз қушчаларининг тавалло-сига эътибор қилдики, ушбу улўғвор мусикий уйғунлик аро уларнинг ҳам алоҳида ўрни бўлишини жуда-жуда истарди. Сир бирданига юз очмади, балки аста-аста қалбида аён бўла борди. У шундан иборат эдики, бир жуфт қушнинг сеҳрли хонишлари ҳовлини тутиб кетган ажабтовур таронани бошқариб, йўналтириб турарди. Кутилмаганда улар сукутга толишди ва боғда янграётган умумий қўшиқ чок-чокидан сўкилиб, парокандаликка юз тутди. Худди шуни билгандек қушчалар яна ташаббусни кўлга олиб, бир маромда майин куйлай бошладилар... Ҳасаннинг қалбида ёқимли бир фароғат ва яна аллақандай ризвоний саодат туйғулари қоришиб, улкан, яхлит мазмунга айланди...

Ҳайтовур, икки-уч кун ичида бемор аҳволи яхшиланиб, хешу таборнинг юзи кулди. Таҳсилларидан қолмасин, дея ота Ҳасан-Ҳусанни ёнига чақириб, ҳаммишгаддек тилак билдирди: болалар, ҳаётда кутқулар кўп бўлади, иймонларингга маҳкам бўлинглар!.. – Сўнг бирин-кетин палапонларининг пешонасидан ўпиб хўшлашди...

Ака-укалар ота уйидан чиқишиб, пойтахтга қатнайдиغان уловга ўтиришди ва чошгоҳ бўлмайд до-вонга доришди.

– Тоғликлар нонидан олволайлик, шаҳарда сўраганлар кўп, – таклиф қилди Ҳасан.

Машинадан ҳамма тушди, фақат Ҳусан негадир нон сотиладиган узун раста эмас, нарироқда ғуж ўсган толлар сари юрди.

– Ҳой, нон бу ёқда!.. – қичқирди Ҳасан.

– Ҳозир келаман, сен танлаб тур. – Ҳусаннинг икки кўзи тол шохларида югуриб қолди. – Қани улар? – дер эди дили. Негадир қушчалар йўқ эди ва бу ҳол Ҳусан дилида кўкарган умид дарахти илдизига болта урди. – Намунча уларга ўрганиб қолдим? – ўздан ўпкалай кетди сўнг. – Қуш – парранда, мен эса одам наслидан бўлсам, қаердан пайдо бўлди бу кўринмас ришта? Нега ўзимни у билан бахтли ҳис қила бошладим, нега усиз яшагим келмай қолди?.. – Ҳусан бу ёқда ана шундай хаёлга чўмиб, гир айланиб турганда, у ёқда Ҳасан нон, туршак ва курут харид қилиб, машина юкхонасига жойлаб ҳам бўлди.

– Ҳусан!..

Ҳусан қидирганини тополмай, ноилож машина томон қайтди ва эшикни очар асноси, нақ боши устида чуғур-чуғур янгради-ю, қизиқсиниб кўкка боқди: – Марҳаматингдан ўргилай, Худойим, – хаёлидан ўтди, сўнг ширин бир энтиқди. Қушчалар ўз тилида нималарнидир сўйлашганча ҳавода чарх урарди...

Таҳорат олиб ҳовлидан қайтаётган Ҳасан жавради: – Жумадан кеч қоламиз, қанақа гап уқмас меровсан? Намоздан кейин мажлисга боришимиз керак, унутдингми?

– Ҳозир, мана... – Ҳусан пойгақдаги обдастани кўлига илганча чопиб таҳоратхонага ўтиб кетди.

Хиёл ўтиб эгизаклар йўл бошидаги масжид томон одимлашди. Шу он ўрик шоҳидаги кунда-шундалар сайрашни бас қилганча кўкка талпинишди.

Ҳасан-Ҳусанлар жадал боришаркан, йўл четидаги бозор дарвозаси олдида бир тўда ёш-ялангнинг тўпланиб олиб, ёши қайтганроқ кишини дўппослаётгани устидан чиқиб қолишди.

– Ия, Ҳасан, анавиларга қара, – Ҳусан йўлни шу ёққа олди.

– Ҳусан, эсинг жойидами? Улар бир тўда экан, – норози бўлиб тўнғиллади Ҳасан. Лекин Ҳусанни якка ташлаб кетмади, эргашди.

– Ҳой-ҳой, бу нима қилганларинг, уялмайсизларми? – ҳам югурар, ҳам хитоб қиларди Ҳусан. Ўзлари томон ошиғич келаётган иккита довонгир йигитни кўрган безорилар тирақайлаб қочиб қолишди-ю, жабрдийда бебилиска қутилди.

– Юр энди, – Ҳусаннинг енгидан тортди Ҳасан, – иш осон кўчди.

– Шошма бирпас, – Ҳусан тупроққа беланиб ётган мазлумнинг елкасидан тутиб тикламоққа уринди.

– Қоч нари!.. – халоскорини силтаб ташлади мазлум. Кейин тураман деди-ю, мункиб, юзи билан тупроққа суришиб кетди. Атрофга ароқ, қўлансага айланиб кетган тер ҳиди ва яна аллақандай чиркин, ачиқимтир бўй анқиди.

– Тфуу! – дея бурнини жийирди Ҳасан. – Кетдик, кўрмаяпсанми, иймонини бой берган одам экан бу!

– Дўстим, – дея ялинмоққа тушди бояги одам, энди бутунлай бошқа қиёфага кириб, – уч-тўрт сўм бериб туроласизми... илтимос... – озгин, кир-чир ва титроқ кўлини чўзди.

– Берма!.. Берсанг, ичади... – огоҳлантирди нари борволган Ҳасан.

Ҳусан иккиланиб қолди: берсамми-бермасамми?... Дарҳақиқат, қандай йўл тутса, тўғри бўлади-а? Ўйлаб кўрса, бундай вазиятлар учун тайёр жавоби йўқ экан. Кўнглига қулоқ тутса, “бер, бер” деган майлини туйди ва чўнтагидан шартта пул чиқариб, очилган қўлга тутқазди.

– Аҳмоқ!.. – деди Ҳасан, – Гуноҳига шерик бўлдинг-ку!..

Ҳусан бошини эгиб олганча индамай илдамлаб кетди...

Жомеъ масжидида ваъз эшитаман деб, турли мавзелардан эринмай келадиган шунчалар серобки, андак ҳаялласангиз, ўтиргани бир қарич жой тополмайсиз. Ҳасаннинг ёниб-қуйиб, Ҳусанни шошириб-қисташлари, аслида, шундан. Ҳозир ҳам олд қаторга ошиқшиб, туртинчи сафдан аранг жой олишди, шулар билан деярли бир пайтда кириб келган чўққисоқол ёшулли эгизаклар ўртасига тушиб қолди. Ҳаммалари индамай ўтиришди-да, бутун вужудлари қулоққа айланиб тинглай бошлашди...

Имом ширадор, вазмин овозда намоз тўғрисида бир текис гапирар эди: Биродарлар, ҳамиша ёдда тутмоғимиз керакки, намоз диннинг устунидир. Устун бўлмаса нима бўлади? Иморат қулайдими?.. Ҳеч қандай важ-бахона намозни тарк этишимизга сабаб бўлолмайди. Ривоят қиладиларки, Ҳазрати Умарнинг Боғи эрамдек муҳташам боғи бор экан. Кунлардан бир кун у боғнинг тароватига маҳлиё бўлганча аср намозини унутибди. Эсига тушган вақтда эса жамоа билан намоз қилишга кечиккани аён бўлибди. Ҳазрати Умар иймон эгаси эди, ҳап сеними, дебдию боғни мискину бенаволарга ҳадя қилибди. Қаранг, қанча оғир бўлмасин, у намозга элтувчи йўлдаги ғовни бартараф этмоқда. Мусулмонлар, айтишга осон-у, аслида бундай иш тутиш жудаям қийин. Сизу биз пайти келса, ҳашамдор боғ у ёқда турсин, битта дарахтдан маҳрум бўлсак, ичимиздан ойлаб қиринди ўтиб юради. Ҳазрати Умар-чи, иймонига соя ташлаб турган сабабнинг илдиз-пилдизи билан кўпориб ташламоқда. Фикр қилгувчи инсон бўлсангиз, ўйлаб кўринг, жамоа...

Шу чоғ масжид дарчасидан пир этиб бир жуфт қуш учиб кирди-ю, Ҳусаннинг хаёли бўлинди. Қушчалар шифтда бир-бировини қувлашиб учишар ва жонолғучи овозлари билан бийрон сайрашарди. “Тавба, бу қандай қушлар бўлдикин?.. – ўйлади тағин Ҳусан. – Уларда бир сир бор-ов. Йўқса, биз билган бирон қуш зотидан бўлиб чиқарди. Ўзини тутишлари, сайрашлари, учишлари – ҳамма-ҳаммаси бошқача...” Лекин Ҳусандан ўзга ҳеч кимнинг қушчалар билан иши йўқ эди, ҳамманинг диққат-эътибори имомга қаратилганди. Ҳасан ҳам жон қулоғи билан имом оғзидан учиб чиқаётган ҳикматларни тинглар ва гўё ёд айларди.

– Бошқа бир саҳоба хуфтон намозини ўқиш учун масжидга йўл олибди, – сўзларди ҳамон имом, – етиб келиб қараса, жамоа тарқаб кетаётган экан. Кечикибман дея, шошиб нарироқдаги масжидга чопибди – у ерда ҳам шундай аҳвол устидан чиқибди. Шу янглиғ теварақдаги бутун масжидларни зиёрат қилибди, на чора, биронтасида ҳам жамоа билан ибодат қилишга улгурмабди. Шунда чор-ночор уйига равона бўларкан, ўйлабди: жамоа билан масжидда намоз ўқишнинг савоби уйда ёлғиз ўқишга кўра йигирма етти марта кўпроқ эди, савобни қўлдан чиқармаслик учун намозимни ўшанча ўқийман, деб аҳд қилибди. Етиб келиб аҳдини адо ҳам этибди. Кечаси эса туш кўрибди. Тушида отини қичанглаб олдинда бораётган бир гуруҳ отлиқларни қувиб бораётган эмиш. Сафга қўшилаёй дея, бедовини шу қистасаям ортга қолиб кетаверибди. Алҳол, кимдир орқасига ўгирилиб, “овора бўлма, ҳаргиз уринсанг-да, барибир етолмайсан, чунки биз намозни жамоа бўлиб ўқиганлармиз”, дебди.

Биродарлар, тушнинг мағзини чақдинларми, – хитоб қилди имом. Сўнг ўзи шарҳлай кетди. – Ахир, олдинда бораётган отлиқлар бу – намозни масжидда

биргалиқда адо этган жамоа-ку. Орқада бир ўзи от қўйиб кетаётган зот намозни уйда, танҳо ўқиган ўша саҳоба. Кўринг, намозни биргалиқда – масжидда ўқиш билан, уйда ёлғиз адо этишнинг фарқини билинг, жамоа...

Ака-укалар ўртасида бир хил вазиятда ўтираверган қариянинг оёқлари толиб уюшиб қолди, шекилли, дам сайин қўзғалиб қўя бошлади. Яна анчагача шу зайилда вақт кечириб, ахийри, тагига йиғилган озгин оёқларига дам бериш мақсадида рўпарасига узатди-ю, енгил тортиб “шукур” деди. Аммо худди шуни кутиб тургандек тепадан бир кучоқ нарса узатган оёғи устига тап этиб тушди... Кучли оғриқдан оҳлаб юборди. Тушган нарса бино шипига безак учун ёпиштирилган ганж бўлиб, ўз оғирлигини кўтаролмаганиданми ё наридан бери ёпиштирилганиданми, ҳар ҳолда вақт-соати келган эканки, кўчибди. Бир пасда ғала-ғовур бошланди.

– Нима бўлди? – дея шу томонга бўйнини чўзди имом.

– Тепадан ганч тушди, – дейишди яқин-верида ўтирганлар бирваракайига.

– Ҳеч кимга зиён етмадими?, – яна сўради воиз.

– Айтарли ҳеч гап йўқ, – деди овозини баланд қўйиб Ҳасан, худди лат еди деса, амримаъруф тўхтаб, ҳамма уй-уйига тарқайдигандек.

– Нега ундай дейсан, Ҳасан, қарегин, оёғи синганга ўхшайди, – деди бўлиб ўтган воқеадан таъсирланиб, шошиб қолган Ҳусан.

– Мени ташқарига обчиқиб қўясизларми йигитлар, – ўзини қўлга олишга тиришиб илтимос қилди ёшулли.

– Албатта, – Ҳусан ўрнидан қўпаркан, қариянинг қўлтиғидан тутди. – Сен ҳам у томондан кўмаклаш, – деди Ҳасанга. Тизилиб ўтирган одамларнинг олддагилари эгилиб, орқадагилари тисарилиб йўл беришди.

– Анави жойда дарахт бор экан... – ёшулли қўлини кўтариб ишора қилди.

Қарияни ариқ ёқасида ўсган ўрик дарахти пойига авайлаб ётқизишди.

– Вой-бўй! – хитоб қилиб юборди Ҳасан узатилганда ён томонга икки буклам бўп қолган оёққа кўзи тушиб. – Ёмон синибди-ю!..

– Майли, йигитлар, сизлар масжидга қайтаверинглар, барака топинглар, – қария узалиб, синиб қийшайган оёғини тўғрилаб қўйди. Бу билан гўё ўтган-кетганнинг кўзи тушиб кўрқмасин демоқчи эди.

– Нималар деяпсиз, амаки, бу аҳволда сизни ташлаб кетиб бўладими? – Ҳусан олазарак йўлга боқди.

– Йўқ, болам, мени деб намоздан қолманглар, синган синди энди, қайтариб бўлмайди, – дедию ёшуллинг ранги ўчиб, лаблари гезарди-да, аста бошини ажриққа қўйди.

Ҳавода азон саслари янгради...

– Юр, Ҳусан, намоз бошланиб қолди, – яна ҳов боягидек шеригининг енгидан масжид томон тортди Ҳасан. – Ҳали мажлисга бориш керак. Амакига бошқалар ёрдам берар энди, а?

– Ўйлаб гапиряпсанми? Кўряпсанми ҳолини, хушидан кетиб боряпти, машина тўс, касалхонага тез етказиш керак... – Ҳусан ариқдаги бўтана сувга дастрўмолини хўллаб ёшуллинг юзига босди. – Ҳозир, амаки, ҳозир, озгина сабр қилинг...

Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар...

Ашҳаду анла илаҳа иллаллоҳ, ашҳаду анна Муҳаммадар Расулulloҳ...

– Намоз бошланиб қолди, Ҳусан! – тоқатсизланди Ҳасан. – Намооз!..

– Ҳасан, қара амакини... ҳушини йўқотди...

– Намоз деяпман мен сенга, Ҳуссаан! – бақирди Ҳасан, – Иймонингни бой берма!..

– Агар ўламан деб ётган шу кишига ҳозир ёрдам бермасам, иймонимни аниқ бой бераман, Ҳасан!.. – овозини кўтарди Ҳусан ҳам. – Ўзингни ўтга, чўққа урганинг билан иймон Аллоҳдан! У берса, бор, бермаса, йўқ экан, тушундингми!..

– Кофир бўлма! Юр намозга! Иймонимизни сақлаб қолайлик!..

– Ўзинг кофир бўлма! Юр, анави кишининг жонини сақлаб қолайлик!..

– Шайх ҳазратлари айтадики... – сўзлари оғзида қолди Ҳасаннинг.

– Шайх ҳазратларини кўй, Ҳусан, сен ўзинг нима дейсан, шуни гапир! Қачон сен Ҳасаннинг гапини айтасан?!.. – бўғилди Ҳусан. – Бировнинг иймони билан яшаш мумкинми?.. Тавба... қараб турсам, сенинг муслмонлигинг масжиднинг ичидагина бор, дарвоза ҳатлаб ташқарига чиқишинг билан кимлигингни билиб бўлмайди, Ҳасан!..

– Оғзинга қараб гапир, Ҳусан!.. – асабий қичқирди Ҳасан...

Шу чоқ ҳаждан қайтаётган ҳожидек эҳром – оқ либосга бурканган ўрик дарахти тепасида икки қушча пайдо бўлди-ю, безовта бир оҳангда вижирлай бошлади. Улар дам чарх уриб масжид томонга бориб келар, дам кўча бошига довури учиб, тагин ёшуллинг олдига қайтарди. На бир дам қанотлари тинарди, на тиллари: пир-пир, вижир-вижир...

Ҳасан-Ҳусанлар кўкдаги қушчаларга лол-ҳайрон қараб кўйишди ва жавдираган кўзларини яна амакига олишди.

Ҳамон муаззин овози жарангларди:

Ҳаййа ʼалас-солаааааааах...

(Намозга келинглар),

Ҳаййа ʼалал-фалааааааааах...

(Нажотга келинглар),

Қод қоматис солаҳ...

(Намоз бошланиб қолди).

Ҳасан бир сулайиб ётган чолга, бир азон саслари келаётган масжиднинг ланг очик дарвозасига қараб доводирарди. Шунинг баробарида гоҳ масжид томонга икки-уч одим босар, гоҳ чолга қараб интилар эди. Аини дамда қушчаларнинг бири боши устида увало солиб айланар, чуғурлашида ҳам аллабир хавотир, норозилик бордек эди. Ногоҳ “Сафларни текисланг”, деган огоҳ-лантириш янгради-ю, Ҳасан шитоб билан масжидга қараб юрди. Шунда... шунда, э воҳ, қушча пастроққа тушиб, гўё йўлини тўсмоқчи бўлгандек ҳаракат қилди: ғалати, чийиллашга ўхшаган товуш чиқариб, нақтумшуғи остигача париллаб келди. Ҳасан кўлини зарда билан силтади: кишт-э!.. Бармоқлари қушчанинг қаеригадир тегиб ўтди. Жонивор зарбдан учиб ерга кулади, икки-уч момиқ пати эса ҳавода ҳилпираб қолди...

Ҳасан чопиб ичкарига кириб кетди...

Ҳусан бўлса бу орада машина тўхтадиб, ҳушини батамом йўқотган ёшулдини ниҳоят азза-базза қучоқлаб, орқа ўриндиғига ётқизди, ўзи бўлса шошиб ҳайдовчи ёнига чўқди.

– Илтимос ака, тезроқ ҳайданг... Оппоқ машина шитоб билан кўзгалди.

Боядан бери масжид, қийғос гуллаган ўрик ва шовқинли кўча устида чарх уриб айланаётган қушча яна вижир-вижир қилди. Ҳавода “Оллоҳу акбар” деган сас янграганда гумбазли бино тепасига борди-да, бир чарх уриб, сўнг енгил ҳаракат билан бояги байзо машина кетган ёққа елди...

Масжид дарвозаси ёнида кўриқчи аскарлардек қаққайиб турган тиланчи аёл ва қопқора болакайнинг ерда чаллак-паллак бўлиб ётган иккинчи қушчани кўриб қолиб, тутиш учун қилган астойдил ҳаракатлари зое кетди. Ўзи томон бостириб келаётган хавф-хатарга кўзи тушган қушча бир силтаниб ўнгланди, сўнг қанотларини текислаганча ҳаволанди... Учиб бориб эса ўрик шохига кўниб олди...

Бир маҳал ибодат тугаб, намозхонлар қофила-қофила бўлиб масжидни тарк эта беришди. Улар билан Ҳасан ҳам чиқиб келиб, ўрикнинг остида бир баҳя оёқ илди. Дам касалхона томонга, дам эса қарши томонга тараддуд ичида боқди. “Мажлис бор эди-ку, Ҳусан!” – дея пичирлади афсус билан. Сўнг шайх Аҳмад Жунайд билан бўлажак учрашув сурури қалбини бир энтиктирди ва шу энтикиш тўлқинига ўзини топширди...

Аини дамда боятдан бери жимгина ўтирган қушча пир этиб ҳавога кўтарилганди, титроқ новдалардан дувиллаб ўрик гуллари тўкилди. Сўнг қушча шитоб билан юриб кетаётган Ҳасаннинг боши устига учиб борганча ғалати сиёқда чарх ура бошлади. Кўрган киши “Нимасини йўқотди экан бу қушча?”, деб ўйлаши тайин эди. Лекин Ҳасан нечундир қушчани кўрмади. Эҳтимол, кўчадан виз-виз ўтаётган машиналар шовқини ёки йигит қалбида жўш ураётган орзулар ғалаёни халақит бергандир. Нима бўлгандаям, қушча яна бир муддат ўша кўйда учиб, чунон безовталиқ ичра чуғурлади-да, бирдан ҳеч қандай парранда зотига хос бўлмаган шиддат ила кўкка тик парвоз қилди... Кўп ўтмай мовий рангларга сингиб, ғойиб бўлди...

Дарвоқе, қушча учганда титраб қолган шохга кўшилиб энди бутун дарахт гулларини тўкишга киришди, афтидан, бу ишни новдаларида битта ҳам чечак қолмай, батамом шип-шийдам бўлгунча давом эттиргудек алфозда эди...





Амрулло КАРИМ

Бурун кўкка айтдим пилактаримни

* * *

Бу ҳаёт – дилбар бирам,
Қайданам кўрдим сани.
Муҳаббат осмонида,
Кучганим ҳижрон мани.

Оҳ дедим, бир тўкилдим,
Жон деган жоним қани?
Соғинчлар соясида,
Эркалар армон мани.

Қўл узатдим, сиз томон,
Ким яхшию, ким ёмон.
Шу гумонлар бир куни,
Ўлдиран осон мани.

Дард титкилар танамни,
Ким жўнатди санамни.
Ул санамнинг бағрида,
Қолганим ёлгон мани.

Фафлат босиб кўзимни,
Баҳи этибман ўзимни.
Сен санаган хатолар,
Асрарми омон мани.

Қанот боғлаб учайми,
Ё баридан кечайми.
Кўкни қучар манзилдан,
Ташлагай осмон мани.

Мен ҳам ожиз бир банда,
Севгим чин Яратганда.

Хиёнат шарпасидан,
Асрагай имон мани.

Бу ҳаёт – дилбар бирам,
Қайданам кўрдим сани.
Муҳаббат осмонида,
Кучганим ҳижрон мани.

Оҳ дедим, бир тикилдим,
Жон дедим, жоним сани.
Қўлингда Гулим дея,
Ўлмогим аён мани.

ХУЛОСА

Ойим мени хафа қилди,
Жовдирайди кўзчалари.
Коптогимни олиб қўйди,
Намиқибди юзчалари.

Копток эмас, энди, болам,
Қўлга китоб олиш керак.
Ойишоннинг айтганларин,
Билсанг, сўзсиз қилиш керак.

Йиллар ўтди, копток қолди,
Китоб бўлди менга ҳамроҳ.
Илм излаб узоқ кетдим,
Онам қолди чекиб оҳ-воҳ.

Мана, бугун телефонда,
Ҳол сўрадим, омонмисиз.
Онам эса яхшиман дер,



Аmmo мени...
Қамраб олди қандайдир ҳис.

Ким ойимни хафа қилди,
Овозлари бунча хомуш.
Ўйлаб-ўйлаб ухлаб қолдим,
Наҳорда ҳам дил фаромуш.

Китоб ўқиб узоқларда,
Тўплаганим ақл экан.
Борида ҳол сўролмасам,
Тўп тепганим маъқул экан.

* * *

Ортга юрмас соат миллари,
Пасту баланд ҳаёт йўллари.
Ўтиб борар умр йиллари,
Улгурайлик раҳмат демоққа.

Таранглашса асаблар бугун,
Дил ранжитиб яшамоқ нечун?
Вақт топайлик ширин сўз учун,
Улгурайлик раҳмат демоққа.

Қувват олар одамдан одам,
Муҳаббатга ташина бу олам.
Яхшиликка фурсат жуда кам,
Улгурайлик раҳмат демоққа.

Одамийлик азалдан мерос,
Ташвишларга кўмилдик бироз.
Бу ҳам битта баҳона холос,
Улгурайлик раҳмат демоққа.





АСҚАРТОҒ ЧҶҚҚИСИГА ЙЎЛ

Таниқли ёзувчи Аҳмад Аъзамнинг ўтган асрнинг саксонинчи йилларида ўқувчиларга тақдим этган “Асқартоғ томонларда” қиссаси ўзининг ички кечинмалари, кўнгил изтироблари, инсон руҳияти тадқиқи билан ажралиб туради. Шундай асарлар бўладики, йиллар ўтган сайин қадри ошиб бораверади. Йиллар ўтган сайин ўзинг учун улардан куч-қувват, завқ-шавқ олаверасан. Асар қаҳрамонлари билан узоқ йиллар ҳамдард бўлиб яшайсан.

Аҳмад Аъзамнинг “Асқартоғ томонларда” қиссасини ҳар гал кўлимга олиб, қайта ўқиш жараёнида асарнинг янги-янги қирраларини, фикрлар силсиласини мушоҳада қиламан. Қиссада инсоннинг кўнгил кечинмалари ёрқин бадиий бўёқларда акс эттирилади.

Асар бош қаҳрамони Маҳди Ашрапов Баҳри муҳитга кетишга уринади. Унинг кўнгли ниманидир истайди. Унинг кўнглидаги фикрлар зиддияти шиддатли кечади. Қиссадаги рассом Исрофил образи, Шоди ака образлари асар сюжетини бойитишда катта вазифани бажаради. Маҳди Ашраповнинг курсдош дўстлари Тангир, Ҳасанбой, Сувон, Ҳақберди образлари асар композицияси тузилишида муҳим ўрин эгаллайди. Қисса бош қаҳрамони Маҳди Ашрапов бу образларни мушоҳада қилиб боради. Қиссадаги ҳар бир персонаж маълум бир юкни кўтариб юради. Асар бош қаҳрамони Маҳди Ашрапов тилидан ҳикоя қилинган воқеа-ҳодисалар инсоннинг мураккаб ички дунёсини очиб беради. Қиссадаги Шоди ака ҳикоя қилган ривоят асар руҳиятини очиб беришда етакчи рол ўйнайди.

Қиссадаги Ҳақбердининг анкета сўрови ўтказиш машмашаси ва унинг негизидаги олам-олам муаммолар гирдоби китобхонни жиддий мулоҳазага, фикрлашга ундайди. Қиссани ўқиган китобхон бу асарнинг ўқомирида инсон руҳиятининг нозик кечинмалари, унинг эврилишларини кўради. Қисса композицияси ва сюжети ўша турғунлик даврида яратилган асарлардан кескин ажралиб туради. Асар кўпроқ инсон ички туйғуларини

ифодалашга қаратилган. Асар бош қаҳрамони Маҳди Ашрапов ўз ҳаётини тафтиш қилиш жараёнида ўзи ҳам шу воқеа-ҳодисалар борасида фалсафий мушоҳадалар юритади. Ўз ҳаётининг қандайдир сирли, жумбоқли воқеа-ҳодисаларига нигоҳ ташлайди. Шу воқеа-ҳодисаларни мушоҳада қилиш жараёнида қисса қаҳрамони Маҳди Ашрапов улғая боради.

Қиссадаги ҳар бир персонаж ҳақида Маҳдининг ўй-мулоҳазалари асар ғоясини очишда катта вазифани бажаради. Қисса бош қаҳрамони Маҳди Ашраповнинг асардаги бошқа образлар билан суҳбатлари, тортишувларида инсоннинг ҳаётдаги ўрни, яшашдан мақсади ҳақида турли фикр-мулоҳазалар билдирилади. У ўзи ҳикоя қилаётган инсоннинг ютуқ ва камчиликларини мушоҳада қилади. Кўнгил деган нозик хилқатнинг ҳаёт гирдобидаги кечинмаларини ҳис қила бошлайди. Қиссадаги инсон тақдирлари, кўплаб образлар талқинида тафтиш қилиш орқали инсоннинг мураккаб қиёфасини кўрсатишга уринади. Бу қиссадаги ҳар бир образ бутун бошли бир қўриқдай очиб берилади. Қисса қаҳрамони Маҳди Ашрапов бошқа персонажлар ҳаётига нигоҳ ташлаб инсон руҳиятининг нозик қирраларини очиб беришга уринади. Асардаги воқеа-ҳодисалар ва ривоятлар орқали инсоннинг яхшилиқ ва ёмонлик ҳақидаги тасаввурлари бойитиб борилади. Қиссадаги ҳар бир образ ўз ҳолича бутун бир олам. Ёзувчи Аҳмад Аъзам бу қиссасида инсоннинг кўнгил кенгликларига интилишини кенг мушоҳада қилади.

Хулоса қилиб айтганда, бу қисса инсон эврилишини, унинг кўнгил тубидаги нозик кечинмаларини тасвирлаб бериши билан қимматлидир. Қиссани ўқиган нозик дидли китобхон бу асардан ўзи учун катта маънавий руҳ топади. Асардаги кўплаб воқеа-ҳодисалар сизни ҳаётга жиддий қарашга ундайди.


Рустам МАННОПОВ,
тадқиқотчи.



Носиржон ЖҰРАЕВ

НОЯБР КҮЙИ

Қисса



Дадахон Баҳодиров чизган сурат.

Олам ичра вужуд...
Вужуд ичра кўнги...
Кўнги ичра хотира...
Хотира ичра эса ҳеч нарса қолмади...

**Уч кунда куз келди. Дунё қариди...
Иқбол МИРЗО**

1

Ёшидан тўхтадим-у бошимни илкис кўтардим. Кўз олдим қоронғилашиб, бир муддат хонани, ундаги буюмларни идрок қилолмай қолдим. Эҳтимол, яна қон босимим пасайиб кетгандир. Пича ўзимга келгач, қоғоз-қаламни йиғиштириб, даҳлизга ўтдим. Аёлимни чақирдим – қуоқроқ қора чой дамлаб берса яхши бўларди. У ёқ-бу ёққа чиққанми, ҳадеганда овози келавермади.

Ҳовлида гувраниб эсаётган кечки шамол деразаларга қопланган сувқоғозни шопиллатиб ойналарга уради, чоғроқ экинзордаги уюм-уюм хазонларни шопиради. Кўчага қулоқ солдим – на бирон бир қадам товуши, на бир шарпа эшитилади. Бундай рутубатда кўча кешиш кимга ёқади? Даҳлизга қайтиб кираётганимда, ичкари уйда қолган қўл телефонимнинг жириглагани эшитилди.

– Алў, эшитаман, алў-ў.

У ёқдан ҳеч кимнинг овози келмади, аксинча, ёмғир ёғишиними, кўчага сув сепилишиними эслатувчи сас қулоғимга урилди. Тўртбурчак хонтахта ёнига чўқдим, телефонни елкам билан чап қулоғимга қисганча эшитиб ўтиравердим – нарёғда эса ҳануз шигирлаган сас-садо. «Унга шу иши завқ берармикин?» дея ўйладим. Лекин миямга урилган бошқа бир ўйдан ўзим ҳам алланечук бўлиб кетдим – «Менга-чи, менгаям завқ берадими?!». Рост, унинг бу тахлит йўқлашларига йиллар давомида кўникиб бўлганман. Буни кундалик эҳтиёж, деса, қулгили бўлар-у, аммо мен унинг бундай кўнғироғини ҳар куну кутаман. Гарчи бир оғиз гапирмаса ҳам.

Газхонага ўтиб чой кўйдим, ширинтаъма бўлиб музлаткични очдим. Нонуштадан қолган беҳили мураббо бор эди, шуни чойга қўшиб ичсамми... Аммо ниятим ўзгарди, мураббони қайтариб жойига қўйиб, хонамга ўтдим, портфелимда бир бўлак шоколад қолганди, шуни еяқолай, дедим. Чой қайнашини кутиб, шоколаддан кичкина-кичкина синдириб оғзимга соларканман, ташқарига назар солдим. Ёмғир томчилаяпти, бояги рутубат бироз юмшаган, эгри-бугри дарахтлар, уларнинг остидаги моғор босган барг-хазонлар, чилпчилп лой бўлиб қолган тупроқ йўлакчадан худди куй таралаётгандек – кузнинг эзгин куйи.

Унинг боягина қилган кўнғироғи ёдимга тушди, демак улар тарафда ёмғир ёға бошлаган экан-да. Менга ёмғирнинг овозини илинибди-да. Балки, бу сокин фаслнинг сеҳрли-сирли кўшиғини бирга тингламоқчи бўлгандир? Мен-чи, менинг хаёлимга келган бўлармиди бу фикр? Эҳтимол, бундай эслаш, яхши нарсаларни унга илиниш сира хаёлимга келмаслигини билгани учун ҳам вақтида йўқлагандир, кўнғироғимни кутиб, аммо уни шу тобда эсламаганим учун мендан хафа бўлиб қолмасликка уриниб қилгандир бу ишни? Хуллас, унинг ичи менга қоронқу, сирлигича қолиб келаяпти.

Ҳовлидаги тақир-туқирдан хаёлим йиқиштирилди. Хотиним тарновлар тагига челақ кўяётди. Унинг ёмғирда қолган ул-бул нарсаларни йиғиб-саранжомлаб даҳлизга киришини кутдим. Бу орада чой қайнади.

– Қаерларда қолдинг?

– Шундоқ ўзим. Сизга халақит қилмай деб янги кўшнаникига чиқувдим. Қайтганимча ёмғир куйиб юборди.

Аёлимнинг гапидан кейин ҳовлига яна бир қараб олдим. Энди ёмғир шитоблаган, ҳалидан бери қулоғимда айланаётган маҳзун оҳангдан асар ҳам қолмаганди. Ҳамма нарса ёмғирнинг шаштига кўниккандек мўминқобилгина бўлиб турибди.

«Чой ичасизми?» сўради хотиним. «Ҳа, дамлаб берақол». Мен унга бош ирғаётиб, кўзларини кўриб қолдим. Доимгидек ўйчан ва ҳадикка тўла, хижолат бўлиб кетдим. Мен бу аҳволга кўп бора тушганман, унинг нигоҳларида биргина савол бор – уни ҳам биламан, аммо ана шу саволга жавоб беришни ҳаммиша орқага ташлаб келаяпман. Бу менинг «кузнинг куйи»дан-да оғирроқ, маъюсроқ куйим. Бу куй ҳар куну уйимда жаранглайди, уни қулоғим тугул юзим, кўзу қошларим билан ҳам тинглай оламан. Ва мана шу оҳанг сунги кунимгача қўлимдан тутиб етаклайдиган чорлов эканига имон келтирганман. Бу куйнинг ҳар бир пардасига, сокинлигию авжига мутлоқ тушунаман ва мен бир умрга шу куйга ҳукм қилинганман. Бу – ёлғизлик куйи, бу – кимсасизликнинг ғамгин мусиқаси.

«Болаларни боғчага ташлаб ўтасизми?». Хотиним кичкина қизимнинг нимчасини кийдираётиб, менга зимдан қараб қўйганини сездим. «Дадаси, шимингизнинг тахи бузилибдими, ўлсин, кеча эътибор қилмабман. Алмаштириб олақолинг».

У менинг бошқатдан ечиниби-кийинишга азалдан ҳафсалам йўқлигини билади, шундай бўлса-да, айтади-кўяди. Бошқаларда қандай – билмадим-у, аммо биз итғажиш бўлиб уришган кунларимиз ҳам салом-аликни, ишга жўнаш олдидан хайр-хўшни канда қилмаймиз. Эҳтимол, шунчаки ўрганишдир, балки ички бир адолатимиз йўл бермас, нима бўлганда ҳам, кечкурун ҳарқанча жанжаллашмайлик, эрталаб, ишга кетиш олдидан худди роботлардек дағал ва ҳиссиз овозда хайрлашамиз: «Яхши бориб келинг». «Ўзинг ҳам».

Лекин бугун ундай эмас, ҳартугул кайфиятимиз яхши. Эр-хотин суҳбатлашиб нонушта қилдик, болаларга иссиқ кийим-кечак олиш ҳақида гаплашдик. У менинг қалпоғим, ўзининг этиги бироз ўнгиганини эслатди. Мана энди иш олдидан... ўша гап: «Яхши бориб келинг». «Ўзинг ҳам».

Иккала қизимни машинанинг орқа ўриндиғига ўтирғизиб, камарларни танғидим. Йўлда ҳадеб савол беравермасликларини, фикрим чалғиши мумкинлигини одатдагидек тушунтирдим. Улар бу танбехимни эшитавериш ёдлаб олишган, гапим тугамасиданок, «хўп бўлади, хўп бўлади», дея машинани тезроқ юргизишимни кутишади.

Жиблажибонларимни боғча опасига топшириб, машинага бензин куйиб, ишхонага ўн беш дақиқа кечикиб келдим. Кабинетим эшигига калит солишим билан котиба қиз югургилаб келиб, бироз олдин мени

директор йўқлаганини айтди. «Яхши, ҳозир», дедим-у, кабинетга кириб ёмғирпўшимни қозикқа илдим. Хона совуқ, ҳали қишки иситиш тизими уланмаган, чироқни ёқсам ҳам ташқаридаги булутли ҳавонинг таъсирида ичкари унчалик ёришмади. «Нима гапи бор экан директорнинг?», котибанинг эслатмасини ўйлай бошладим. «Тунов кунги гап тагин кўзгалармикан? Ахир капкатта раҳбар бўлса, бу ишни нима учун ўзи ҳал қилиб кўя қолмаяпти, нега ҳадеб менинг фикримни билишга қизиқаяпти? Хўп, ўша йигитга ёрдам бериш керак экан, берсин. Қўлэзманинг пешанасига гажақдор имзосини қўйиб берса, бўлди, вассалом». Шу хаёллар билан хонадан чиқаётгандим, кўққисдан эшигим очилди – «Кофе қайнатаётувдим, сизга ҳам олиб кирайми?», сўради кўшни хонада ишлайдиган янги ходима. «Яхши бўларди, раҳмат. Бокалим ювилган».

Директор одатдагидан кўра яхшироқ кайфиятда эди, салом-алиги ҳам қуяроқ бўлди, ҳатто телевизорнинг овозини пастлатаётиб «Сизга шовқин ёқмаслигини биламиз, оғайни», деб қўйди. Доимо шундай, у мени ҳамшиша «оғайни» деб чақиради, эҳтимол унга шу қулайроқдир. Инсоф билан айтганда, у яхши одам, ғамхўр раҳбар, аммо бир нарса – пулни отасидан ҳам азиз кўриши унинг афт-ангорига ҳам уриб кетган. Чувак юзида ҳамшиша совуққонлик туради, ҳадеганда кулавермайди.

– Оғайни, яна ўша гап. Эҳтимол, бир-икки кун ичида фикрингиз ўзгаргандир. Ўша йигитни бир қўллаворсак, шу билан изига тушиб кетар?

Директор бу гапларни кўзимга қарамай сўзлади, чехрасида ғалати ифодалар ўзгариб турарди. Хижолат чекапти деб ўйлаганим учун у гапини яқунлаб, савол назари билан қараши ҳамона мен ҳам кўзимни олиб қочдим. Лекин бу масалани яна чувалашган ҳолда қолдириш керак эмас, ё директор, ё мен тезроқ ён беришимиз керак эди.

– Мўмин ака, сизга ўша куни ҳам айтдим, – иложи борича хотиржам гапиришга уриндим мен, – дейлик, ўша йигитнинг китобига қўл қўйиб берайлик, босишга топширайлик ҳам. Лекин бундан кимга фойда? Туппа-тузук жойда ишларкан, топиш-тутиши ҳам ёмонга ўхшамайди, нима қилади ўзининг ҳам, бизнинг ҳам бошимизни қотириб? Эртага китоби ялтир-юлтир муқовада нашр қилинади, пештахталарга чиройли қилиб териб қўйилади, бироқ бу асарни биров кўлига олиб қарайдими-йўқми, буёғи сизга ҳам қоронғу.

Директор авзойини ўзгартирмади, фақат юзимга тикилганча бир алпозда тураверди. Мен қизишиб кетиб унинг кўнглига тегадиган гап гапириб қўймадимми, деб ўзимни таҳлил қила бошладим. Лекин ичимдагини айтганимдан енгил тортган эдим, ана, столим устида дуппа-дуруст бир асар мана шу директорнинг рухсатини кутиб ётибди, ўзим неча бор шу хонага кўтариб кириб, бир-биридан ғалати баҳоналарни эшитиб чиққанман. Ахир одамлар нимани ўқишни яхши билади, биз зўрлаб тиқиштиролмаймиз.

Директор сокин овозда мурожаат қилди:

– Энди мундоқ, оғайни, гапнинг пўсткалласини айтсам, у бизга керакли одам. Ҳмм, нима демоқчиман, мен аслида бир оғиз гап билан бир ойга қолдирмай чиқариб берардим ўша китобни. Лекин гап бошқа ёқда, биз гаплашаётган йигитнинг ниятигина мени ушлаб турибди. Ўша укамиз биринчи китобига айнан сиз

муҳаррир бўлиб беришингизни истаяпти. Энди тушунгандирсиз нега сизнинг оғзингизни пойлаётганимни?

Донг қотиб қолдим, унинг охири гаплари мен учун тамоман ҳайратланарли эди. Ахир азбаройи асарнинг савиясизлиги учун ҳам унинг чоп қилинишига қарши эдим, нашриётнинг обрўйини йўқотмаслик учун раҳбарнинг таклифидан бўйин товлаётгандим-ку. Қандай қилиб ўзинг хом-хатала, бир пулга қиммат деб турган қўлэзмага муҳаррирлик қилиш мумкин? Фикрларимни жамлаб, директорга юзландим.

– Сиз айтаётган ўша «насихатнома»га муҳаррирлик қилишдан кўра, уни бошқатдан ёзиш осонроқ. Бир жумлани тўғри ёзолмайдиган савдогардан нега ёзувчи ясапмиз?! Ёзганлари, кечирасиз-у, мактабда ёзиладиган иншодан ҳам баттар!

Мен энди анчайин қизишиб кетгандим. Қўлларим титрай бошлаган, қулоқларимгача қизиб кетганди. Аммо раҳбарим ҳеч бир ўзгаришсиз, кўзларини менга қадаганча ўтираверди. Тавба, нега у миқ этмай эшитиб турибди, бошқа одам бўлса, мени қуюшқондан чиққанликда айбларди, ҳеч бўлмаганда ҳурматини пеш қиларди. Директор эса, биз худди яхши гаплардан гаплашаётгандек ним табассум билан пинагини ҳам бузмасди. Балки шунақа босиқлиги учун ҳам раҳбар бўлиб ўтиргандир, бу фазилатига қойил қолиш керак.

Унинг олдида ўзимни ноқулай сезиб, «Менга рухсат» дея кўзгалдим, ушбу гапим билан бу мавзудаги суҳбатимиз ҳам тамом бўлганини билдирмоқчи эдим. Директор мени эшик олдида кузатди ва «Сизнинг истеъдодингизни жуда қадрлайман, сиз яхши ижодкорсиз. Аммо билиб қўйинг, ўша китоб барибир нашр этилади», деди.

Мен одамлардаги истак-майллар нега бу қадар ҳўрланиши ҳақида жуда кўп бош қотираман, уларнинг ҳис-туйғулари нималар эвазига бой берилишини, нега инсон боласи кўзлаган мақсадларига эришгани сайин дағаллашиб, қалби хира тортиб боришини таҳлил қилишга уринаман. Юракларни кўринмас ип сингари боғлаб-чирмаб турган ришталар, покиза ҳаяжонлар, ҳайратлар нега бунчалик жонсизланиб бораётганини ҳеч тушунолмайман. Энг аянчлиси, улар шу тахлит ҳаётни тобора афзал кўришаётгандек туюлади менга. Ҳар куни уйдан ишга, ишдан уйга бир маромда келиб-кетувчи одамлар ташқаридан қараганда жуда тартибли, сипо кўринишади. Бунинг устига, ҳар бир сўзни чертиб, орқа-ўнгига қараб гапирдилар. Фаслларнинг алмашиши, майсалар униши, хазон тўкилиши, бундай нарсалар аллақачон уларнинг эътиборидан четда қолган. Ҳеч ким минглаб машиналар остида эзилиб ётган асфальт йўлларнинг ёмғир ёғаётганда ажойиб бир ранга киришини кузатмайди. Бу жозиб манзараларга бир фурсатгина вақт ажратган одам ўзини ҳаётдан орқада қолган, чорасиз ва мискин сезади. Ва, алал-оқибат, вақт билан чопиша-чопиша кунларни, йилларни қурбон қилиб юборишади.

Нега буларни ўйлаяпман, ўзим ҳам ҳайронман.

Шом қоронғусида машинамни шаҳар четидаги «Пикко» кафеси олдида тўхтатдим. Ичкарига кираётиб бир қути тамаки сотиб олдим, шу пайт беихтиёр эътибор қилибман – дўкон дарчасидан тушаётган ёғдуда қор учкунляпти. Бу қанақаси бўлди, ҳали эрта эди-ку,

ҳаво ҳам унчалик совуқ эмас. Бугун тўққизинчими, тавба, ҳали қишга бир ойча вақт бор, бу йил совуқ қаттиқ бўларкан-да.

Столга ўтиришим билан хизматчи қиз етиб келди. У жойлашиб олишимни кутиб, сўнгра одоб билан сўради:

- Нима ичасиз?
- Шафтоли шарбати, қуюқроқ бўлсин.
- А, юз грамни-чи, кейинроқми?

Нима дейишни билмай қолдим, ҳозир «Мен ичмайман» десам кулгили бўлса керак-а! Шундай расо эркак ичмайман деса, ишонишармикан, эҳтимол «Шарбатингни уйингга бориб ичсанг ҳам бўлади», деган хаёл ўтар бу қизларнинг бошидан.

– Мен ичмайман, – дедим ниҳоят.

Хизматчи қиз табассум билан «Яна нима буюрасиз?» дея сўради. Мен икки хил овқат айтдим, нарироққа борганда эса кулдонни ҳам тайинладим. Қиз кетгач, унинг табассуми ҳақида ўйлай бошладим. Бундай жилмайиш уларга одатмикан ёки истехзо қилдим, балки ичмаслигимни эшитиб қувонгандир ҳам. Қизиқ, одамнинг ҳатто кулгисини ҳам тўлалигича тушуниб бўлмайди. Ахир ҳеч жаҳонда кулаётган инсон «Мен шу сабаб билан кулаяман», демайди-ку. Қайтиб келганда ўзидан сўраб кўрайми? Нима дерди – шунчаки ўзим, дейди-қўяди-да, қўшимчасига энсасини қотиради. Айтаямман-ку, кулган одам шу-шу сабабдан кулаяман, деб шарҳлаб ўтирмайди.

Атрофимни кузата бошладим, кимлар кулган, кимлар бошини бошига тираб гаплашиб ўтирибди, яна ким иштаҳа билан овқатланяпти. Кафенинг хилватроқ бурчакларида ёшлар. Мана сенга шунча сабаб. Шу чоққина бино ичида қанча қайғу, қанча соғинч, муаммолар, шодликлар, эҳтиросли суҳбатлар. Хўш, мен ўзим нима учун бу ерга келдим, тамадди қилганими – уйда овқатлансам ҳам бўларди, қолаверса, ҳар куни бу ерга келиб нонушта ёки кечлик қилаётган жойим йўқ. Нега иш туғаш билан уйга кетмадим? Дам олишим, кизалоқларим билан ўйнашим ёки бир-иккита китоб титишим мумкин эди-ку. Хўш, нега? Чунки мен қандайдир туйғу – ёлғиз қолишганим, бирор нарсани хотиржам ўйлаб олишганим ўхшаш, хуллас, уйдан ҳам, ишхонадан ҳам топиб бўлмайдиган таскин излаб келганман бу ерга. Бу ерда одам кўп, аммо шунга қарамай, сен бемалол ёлғиз, кишилар эътиборидан холи қолишинг мумкин. Кафеда ўтирганларнинг аксарияти ҳам аслида шу сингари сабаблар билан келишган.

Овқатни еб бўлиб, графиндаги охириги шарбатни қуяётганимда телефоним жиринглади, қулоғимга тутдим. У томонда шу қадар жимлик эдики, беихтиёр энтикиб кетдим. Унинг қулоғига қандай шовқин-сурон бораётганини ҳис қилиб, хижолат чекдим. Балки у уйимдаги осуда ҳаётни, қақажонларимнинг тўс-тўполонини, ё жимгина китоб варақлаб ўтирганимни эштаман, деб ўйлагандир. Нархлар ёзилган қоғоз ва пулни хизматчи қизга имо билан кўрсатдим-да, ташқарига шошдим. Телефонда эса, ҳамон жимлик. Аммо машинага ўтириб, эшикни ёпишим биланоқ, аппаратдан қисқа-қисқа гудок кела бошлади – у машинага ўтирганимга ишонч ҳосил қилганди. Бу орада дарахт шохларини, йўл четлари ва тунука томларни юпқа ва нафис қор қоплаб улгурганди.

Автомобиллар ғилдираги қолдираётган излардан мен ҳам ўтиб борарканман, тагин одамлар, турмушнинг ғимир-ғимирлари орасида мана бу асфальт йўл устида бир сониягина аввал борлиги энди эсдан чиқаётган қор парчаларидек изсиз йўқолаётган минглаб ҳис-туғёнлар ҳақида ўйлай бошладим. Бу хил мулоҳазалар ўзимга бетайин, тутуриқсиз туюлаётган бўлса-да, аммо кўнглимнинг аллақеригадир хуш ёқаётганди. Балки, чиндан ҳам нималарнидир ўйлашга эҳтиёжим бордир. Мана шу сон-саноксиз, бир-бирини кесиб-узиб ташлаган излардан минглаб машиналар ўтган, хўш, улар қаёққа кетади? Ўзимни олай, ҳозир уйга, эртага яна шу йўлдан ишга қайтаман. Нега энди хаёлимга келган заҳоти рулни хоҳлаган бир кўчага буриб юборолмайман. Мени нима ушлаб-жиловлаб туради? Оиламга садоқатми, ишхонамга хурматми, миллионлаб одамлар назаридаги тартибли ҳаётга муносиб бўлишликми – нима? Тасаввур қиламан, ҳозир уйга эмас, дуч келган бирор ёққа, масалан, дарё бўйига бориб, совуқда дилдираб ўтирсам, аммо шунинг эвазига тип-тиниқ осмонни, ойни, изғирин кўчаларни томоша қилсам, эртага нима ўзгаради? Бирор киши бундан зиён-заҳмат чекадимми? Хотиним ва болаларим хавотир олиши мумкин, туни билан мижжа қоқмай чиқади, бироқ эртасига мени соғ-омон кўргач, ўша заҳотиёқ кечаги хавотирларни унутди, яна ҳаёт ўз йўлида давом этаверади. Лекин мен шу нарсани билган ҳолда, рулни ҳеч қачон, ҳатто бир марта бўлса ҳам манзили номаълум йўлга бура олмайман. Бошқалар эса эҳтимол бу ҳақда ўйлаб ҳам кўришмас. Чунки бу тахлит «эркинлик»нинг оқибатини ўзгалардан эшитишган, вақтни бундай совуришга уларнинг кўзи қиймайди, уйда ағанаб ётса-ётадики, бундай дайдишларга хуши келмайди.

Дарвоқе, қор анча тезлашибди, энди қанча машина ўтмасин, йўлни шиддат билан қоплаб борапти. Лекин менга қор унчалик ёқмайди. Ёмғирнинг йўриғи бошқа – у инсон кўнгли билан ҳисоблашади, сочларингиз орасига, бўйин ва билакларингизга эркаланиб сингади, ёғиши ҳам чиройли, шаффоф томчилар кўзингизга кўриниб-кўринмай, худди осмондан ерга тортилган миллионлаб иплар бўйлаб оқаётгандек, ажиб сукунат билан ёғади. Ёмғирнинг яна бир муҳим томони шундаки, у ҳар қанча ёғмасин, нигоҳимиз тушиб турган бирор рангни кўмиб юборишга уринмайди, аксинча, аслиятни янада равшанроқ кўрсатади. Қор эса, қип-қизил, ям-яшил тунука томларни ҳам, кўнғир йўлларни ҳам, қоп-қора тоғларни ҳам фақат оққа бўяйди. Ахир одам деганнинг кўзи тиниб кетади-ку! Ерни ҳам, кўкни ҳам, одамлару машиналарни ҳам фақат бир рангда кўриш, бу – адолатсизлик эмасми?!

Менинг бу фикрларимни у ҳамиша оддийгина, гўё бирор ёқтирган мусиқасини тинглаётган одамдек хотиржам қабул қиларди, балки бу тентакман гапларимга қарши бўлса ҳам, индамай қўя қолармиди? Ёки айнан шу нарсаларга нисбатан ўз қарашларининг пинҳон-сирлигича қолишини истармиди, ҳарқалай, доимо жимгина тингларди, холос. Чамамда, уни бошқа нарсалар қизиқтирарди. Масалан, одамзоднинг ўзини ўзи хурмат қилишими, касал-қусал бўлмай, ҳамма нарсани ўрни-ўрнида, ўз вақтида бажаришими, шунга ўхшаш нарсаларни кўп гапирарди. Эсимда, бир

куни поликлиникага борганимни айтиб қўйдим. Мен ҳар қанча тўсқинлик қилмай, у касаллик варақасини, буюрилган дори-дармонларни, яна алламбало майда-чуйда қоғозларни шоша-пиша, аммо синчиклаб ўқиб чиқди. Сўнг хавотирли кўзларини юзимга қадаб, яхшигина шамоллаганимни айтди. Очиғи, кулиб юбордим, тўғри-да, нимаси хавотирли бунинг. Шамоллаганлар камми?

Энди ўйласам, айнан унинг ҳадигу хавотирлари сабаб мен ўзимга ишониб юрар эканман. Атрофингизда сизга меҳрибон одам қанча кўп бўлса, сиз шунча талтаясиз, эркаликлар қилгингиз келади, мана буни е, мана буни ич, дейдиган одам бўлса, сиз айнан ўша кишига нисбатан ноз-финоқ қиласиз. Нега биз кўчада, ишхонада ёки меҳмондорчиликда ўзимизни сипо, бамаъни тутамиз-у, уйимизда сал нарсага бақир-чақир қиладиган, жиззаки, ҳовлиқма бўлиб қоламиз? Етти ёт аёлларнинг ҳурматини жойига қўйиб олқиш оламиз-у, онамизни силтаб-силтаб ташлаймиз. Ишхонада бирор сабаб билан тушлик бир-икки соатга чўзилса чидаймиз-у, чойи вақтида қайнамагани учун уйдагиларни гизиллатамиз. Бу одамликка хос тушунчалар, одаларми – нима бу?

Аслида, унинг меҳрибончиликлари ҳам мени алал-оқибат такабурликка олиб бораётганди. Ва борган сари димоғдорлик мени маҳв этарди. Энди мен унинг ғамхўрликларидан азобланаётганим учун ҳам айнан унга нисбатан кибр сақлардим, худди ўзимни бекаму-кўст одамдек тутишга тиришардим.

* * *

Тонгда ҳовлига чиққанимда, ҳаво тозарган, аммо анчайин намчил-намхуш эди. Мен билган кузнинг куйига яна бир оҳанг қўшилган – «чак-чик, чак-чик» қилаётган бир маромдаги овозлар қулоқ-қулоқларгача сингиб, асабларни пармалашга атайлаб уринаётгандек, бутун ҳовлини тутиб кетганди. Кеча оқшом бошланган илк қор ернинг, ҳали чиримаган ҳазонларнинг тафтига дош беролмай эриётганди, қор эрияпти-ю деворлар, йўлаклар устидан, дарахтларнинг шир яланғоч шохларидан ҳовур кўтарилаяпти. Худди уйнинг ҳамма бурчагида митти-митти вулқонлар бору, ўшалар биқирлаб қайнаб ётгандек. Тамаки тутатдим, ичимга тутун билан муздек ҳаво ҳам тортдим, бадан-баданним сесканиб кетди. Шу алпозда, шу эзгинликда ўйга толдим. Тўғриси, табиатни кузата туриб, ташқи қиёфалар гўзаллиги ёки бунинг акси ҳақида тасаввур қила бошладим. Нега биз кўхлик, кўркам қизларга қайта-қайта қараймиз. Уларнинг жозибаси нимада, нимаси маҳлиё қилади бизни? «Чиройли экан», деймиз, нимасига қараб баҳо берамиз? «Мутаносиблик» деган сўз келди хаёлимга. Рост-да, кўзу қоши, ранги-ю қомати, юзи-ю сочи бир-бирига уйғун қиёфалар кўзимизни олар, эҳтимол. Шу уйғунликни ўзимиз ҳам бузгимиз келмайди, дейлик бирорта чиройли қиз ҳақида ўйлаганимизда уни ноҳўя, хунук ишлар қилиб турганини, масалан, тупураётганимни, бетамизларча қичқираётганимни хаёл қилишдан ҳарчанд тийиламиз, бундай хаёлдан ўзимизни олиб қочгимиз келади. Аксинча, истарасиз ва ахлоқсиз аёлларга боғлиқ ёқимли таассуротларимиз ҳам унчалик кўп эмас. Агар бирор эркашода, нафосатдан узоқ қиз ҳақида гапиратиб, унинг назокат билан музқаймоқ ейишиними, гулзорларда сайр

қилиб юришиними айтсак, аксарият одамларнинг афти буришади. Чунки уларнинг кўнгли бундай тескари тасаввурларга тайёр бўлмайди, кўп ҳолларда буни хоҳлашмайди ҳам.

Ҳозирги манзара ҳам шундай тескари тасаввур уйғотарди кишида. Осмонга қарасанг, кўм-кўк яланликда парча-парча булут қийқимлари, куёшнинг кучсиз нурлари ерга осойишта оқиб турибди. Ерда эса... уюму юм қорайган ҳазонлар, мунғайган уйлар, кўнжигача лойга ботган оёқ кийимлари, хуллас шунақа чалкашликлар. Йўқ, булар ҳеч қандай чалкашлик эмас, аслида қандай бўлиши керак бўлса, шундай алпозда турипти. Фақат менинг кўзларим бу акс манзараларга кўника олмаётган бўлиши мумкин. Кўрдингми, дейман ўзимга ўзим, осмонга, оёғинг остидаги ерга бир лаҳза тикилиб, шунча изтироб чекаяпсан. Бошқалар ҳам ўзларини худди шундай ортиқ қийнамаслик учун бунақа нарсалардан, ўй-хаёллардан кўз юмиб-қулоқ ёпиб ўтишади, вассалом. Уларнинг наздида, сенинг бу каби ҳамма нарсадан азият чекишинг бемаънилиқ, жинниликдан бўлак нарса эмас! Бунинг ўрнига улар уйларига печка қуришади, ўтин ғамлашади, тешик-туйнуқларни беркитишади ва шу тахлит тадбир-тадориклар билан ҳар қандай фаслни, ҳар қандай қулай-ноқулай шароитларни ҳам хотиржам, ортиқча ҳиссиётларга берилмай, баъзан эса беписандлик билан кутиб олаверишади.

Аслида, менинг энг катта йўқотишим ҳам мана шундай изтиробдан қочиш эвазига юз берганди, унинг кўзларига бир лаҳза бўлсин қараш, денгиз сатҳидаги улкан бир кемадек чайқалиб-тўлқинланиб ётган қалбиди ҳар битта титраш-силкинишни тинглаш, тушуниш азобидан кўрқиб мени ундан узоқлаштирганди. Кузги япроқлардек омонат, мажолсиз ва сокин муҳаббатининг юки эзиб қўйганди, кўзларидидаги тубсизниҳоясиз умид, илинжнинг оғирлиги менинг бечоралигимни тобора юзага олиб чиқарди. Аммо мен, ана шу юк-заҳматлар орасида янчилик-топталик кетаётганимга қарамай, улғаяётган эдим, унинг муҳабвати улғайтираётганди. Мен қанча қочганим, ўзимни ожиз сезганим сари бу чеки-чегараси йўқ қочқинларнинг, чорасизликларнинг моҳиятини англашга маҳкум бўлиб борардим. Унинг севгиси шу қадар шафқатсиз эдики, мени бир сония, бир нафас бўлсин аямасди, таъқиб қилишдан чарчамасди ҳам. Муҳаббат менинг икки елкамдан тутиб, шундай қаттиқ силкирдик, иложсиз равишда қайтадан ўнгланишга, унинг бир нафасидан пардек тўзғиб кетган борлигимни янгитдан тиклашга мажбур бўлардим. У шундай шафқатсиз севги эдики, менинг ҳар бир сўзим унинг учун қонун билан баробар эди, у фақат менинг борлигимни тан оларди холос ва шу йўл билан, яъни мени камситмасликка уриниб азобларди. Бу худди совуқда музлаётган одамни иситаман деб гуриллаб ёнаётган оловга отишдек гап эди. Бу – минг-минглаб хужайраларингни, томирларингни, сезгиларингни дўзахдан дўзахга солиб ўйнашдир. Мен бу адоқсиз хўрланишларга ҳукм қилинган, унинг сассиз-сассиз, маъсум ва сокин муҳабвати эса, шубҳасиз, ҳукмфармо эди. Мен уни ҳамиша қучгим, бағримга маҳкам босиб, бераётган уқубатлари учун ўч олгим, қучоғимда туриб қандай йиғлашини ҳузур билан томоша қилгим келарди. Бироқ бу ишларим унинг кўнглига қандай янги тўфонлар солишини яхши англадим, бу ўч-оловдан кейин ҳозирги азобу кўрғиликларим ўн

чандон, юз чандон ортишини ўйлаб, яна қуниш тортардим. Менинг ҳатто шунга ҳам имконим етмасди.

2

Агар куз ижозат берганида, уни бундай ғуссали куйларга эмас, шодумон, инсон кўнглига барча томирларидан оқиб кирувчи, агар бир кун тингламас, дунёдаги жамики қалблар илҳақ-интизор бўлиб кутгувчи қувонч оҳангларига тўлдириб ташлаган бўлардим. Аммо хазонлар фасли оламнинг кўҳна қоидаларидан чекинмади, Тангри ва Замин ўртасидаги азалий меҳвардан бир лаҳзага бўлса ҳам узила олмади. Мен эса, бутун борлигим билан қайтадан яралгандек бўлдим, ҳеч нарса кўрмагандек, ҳеч қайси ҳиссиётларни танимаган билмагандек янгитдан яшай бошладим. Ва шундай уни йўқотдим, ва шундай одамлар кўз ўнгида аста-секин йўқола бошладим. Энди мени аввалги дунёим билан фақат биргина кўнғироқ боғлаб қолди, ана шу кўнғироқдан бошқа ҳаммаси мен учун тамомила янглик эди.

Аммо бу янги ҳаётимда ўзимни ҳеч кимга тушунтира олмадим. Оилам учун ўша-ўша оғир феъл-атворли, кўча-кўйда эса такаббур қиёфали одам сифатида қолавердим. Аянчлиси, бирор кишига бўлсин, «Мен аслида мана бундай одамман», дея ўзимни изоҳлай олмадим. Энди, агар ишхонада бирор ҳамкасбимнинг сўзи кўнглимга оғир ботса, уни олдимга ўтирғизиб, керак бўлса соатлаб гаплашишни, уни ҳам, ўзимни ҳам виждон азобидан қутқаришни ўйлайман. Бироқ бу кўлимдан келмайди, аксинча, ё ичимга ютиб индамай кетаман, ё унинг ҳам дилини оғритаман. Ёки кўча-кўйда бирор нотаниш одамнинг нега изтироб чекаётганининг, нимадан қийналаётганининг сабабини билгим келади, мен унинг ҳаётига ўзимни жавобгар ёки тегишли деб ҳис этаман. Бироқ ҳеч қачон у билан гаплашмайман, аксинча, ўша одамнинг қаршисида жуда ҳам ортиқча сезаман ўзимни. Минг афсуски, бу тахлит ечимларнинг ҳаммаси иродамининг кучсизлигини намоян қилиб кўяди. Мен энди аввалги қиёфамдан ҳам баттароқ шамойилда эдим, тобора ўзим кўмилиб-ўралиб борардим. Ундан, унинг меҳридан воз кечган кунимдан эътиборан шаклсиз ҳаётнинг оддий – минглаб одамлар қаторидаги жўн кишисига айлангандим. Бу менинг чинакам фожиам бўлди.

Бўйинбоғимни тақаётиб, хотинимнинг саволомуз нигоҳи эътиборимни жалб этди. У қўлида тутиб турган костюмни олиб, диван четига омонат қўйдим-да, дилимдан кечаётган ажиб туйғулар билан хотинимни бағримга тортдим. Сочларидан силаб, илк бор рўйирост нигоҳ билан кўзларига тикилдим. Мен бугун аёлнинг кўнглидан ўтаётган барча ҳисларни, андуҳлар овозини норизоликлар нидосини тингламоқчиман, қўлларидидаги дағалликлар, юзидаги ҳорғинлик, вужудининг ич-ичларида яшаб келаётган, қачондир улкан ва кўрқинчли вулқондек портлаб чиқувчи аламларининг акс садосига жимгина, хайрихоҳлик ва мойиллик билан қулқ тутмоқчиман. Ва, эҳтимолки, менинг ҳаётимдаги чигалликлар, руҳимдаги сиққиклик, гуррос-гуррос оломон орасида ҳам ёлғиз-кимсасиз умр кечириётганимнинг сабабларини у билар.

«Ақалли бир марта бўлса ҳам тан олиб айтинг, сиз ҳаётдан бунчалик куюниб яшашингизнинг боиси нимада? Нега одамлар нигоҳидан узоқ бўлишга

уринасиз? Аслида, уларни ўз ғам-ташвишингиздан ҳимоя қилгингиз, яқинларингизнинг кўнглига бевақт хавотир солиб қўймасликка тиришасиз. Лекин шу ишингизнинг ўзиёқ жигарларингизни ташвишга солади. Эслаб кўринг, қачон ота-онангиз билан ёзилиб, чин дилдан гаплашгансиз? Қачон опангиз ёки акангиз қаршисида қимтинмай дардлашгансиз? Бирон жойингиз оғриётганини улар қачон ўз тилингиздан эшитишган? Бу билан гўёки уларни бемаврид сиқилишлардан, сизни деб хавотир олишларидан асрагандек бўласиз. Ўзингизни улар қаршисида бекаму кўст, бой-бадавлат, хотиржам тутишга уринасиз. Яқинларингиз учун худди тоғдек суянч эканингизни ўқтирасиз. Аммо сиз кетишингиз биланоқ ўзингиз ҳамиша ҳадиксираб юрадиган, юз беришидан чўчиб яшайдиган воқеалар бўй кўрсатади. Яъни сизнинг ортингиздан яқинларингиз доимо юраги хижил бўлиб қолади. На бирор дардингиз, на бирор ташвишингиздан хабардор бўла олмай, айна пайтда, сизга ёрдам беролмасликларини ўйлаб, адои тамом бўлишади. Сиз эса ҳамиша ўзингиздан қочасиз. Ишдан келиб наридан-бери овқатланасиз, қизларингизнинг раъйига қараб, улар билан пича ўйнаган бўласиз, китоб варақлайсиз, аммо буларнинг бирортаси ҳам сизнинг ботинингиздаги бесаранжомлик, алағдалик, паришонликнинг юзига парда тўса олмайди. Ва, аксинча, бу қийноқлар, ичингиздаги иккилашиллар заҳар-заққумдек сизни емириб бораёпти».

Бу хотиним айтган айна ҳақиқатлар эди. У шу қадар ишонч билан гапирардики, мен то хотинимнинг гапи тугамагунча ўзимни оқлашга ҳам, уни тўхтатишга ҳам интилмадим, ҳеч нарса дея олмадим. Негадир унинг бу ачиқ ҳақиқатлари юрагимнинг туб-тубларига сингиб, ҳузур бағишлаётганди. Сўнг эса уни яна ҳам қаттиқроқ бағримга босиб, имкон қадар кўзларимни яширишга уриндим.

Машинамни гараждан олиб чиқмадим – бугун ишхонагача бўлган ўн чақиримча йўлни пиёда босиб ўтмоқчиман. Худди машхур китобларда ёзилганидек, мана шу йўл давомида ўзимни ўзим бир англаб кўрмоқчиман, қарийб беш йилдан буён илмиллик кечаётган умримнинг барча сўқмоқларини хаёлан кезиб чиқмоқчиман. Лекин, ҳалитдан кўрқаяпманки, бунга менинг куч-мадорим етмайди. Чунки, ўтмишга қайтиш мен учун ҳазил гап эмас, қачонки чексиз сабот билан, эслаганларимнинг бирортаси мени тушкунликка туширмайди, деган хулосага кела олсамгина, бу ишга қўл урганим яхши. Бироқ, бугун шунга жазм қилдим.

Кўчада ҳамишадагидек қаерларгадир кетаётган йўловчилар. Ўзимнинг кўчамдан то катта йўлга чиққунимча бир-икки таниш одам бош силкиб ўтди, лекин сезиб турибманки, улар саломлашиб ўтибоқ ортига қайрилаяпти – нега машинасиз йўлга чиққаним уларга қизиқ туюлаяпти. Уларга эътибор бермай, ўз ҳаёлларим билан банд бўлишга уринаман, пальтомнинг ёқасини кўтарганча лойгарчиликдан исқирт кўринишга келиб қолган йўлкаларга тикилиб бораман.

Ҳаёт мен ўйлаганчалик осон кечмаслигини ўшанда, унинг мендаги чидаб бўлмас тушкунликни инкор этувчи, кучининг борича сочимдан тирноғимгача силтаб-қоқиб, ҳамма қатори оддий ҳаётга қайтаришга ундовчи сўзларини тинглаганимда илк бор тушунган

эдим. Хаёлотимнинг ҳамма нуқтасини бир-бир кўздан кечириб, кечинмаларим ва орзу-истакларимни бор-йўғи икки оғиз гап билан чиппака чиқаргунча бўлган ҳаёт – менинг ҳаётим бўлмай қолди. У мени шундай инкор қилдики, на ўзим, на орзу-майллариمنى бирор нарсага арзишини англаб етдим. Унинг қаршисида тамаки тутатиб турарканман, ҳатто ана шу сигарет чекишимда ҳам кибр борлигини ҳис қилдим. «Сиз кучсиз одамсиз, – деганди ўшанда у, – на ўзингизни, на ҳаётингизни идора қила биласиз. Бир нарсани тушунинг, бу ҳаёт сизнинг қурбон қилаётган умрингизга, ўзлингиздан кечиб топаётган нималарингизгадир арзитайди. Атрофга имкон борича оддий одам бўлиб қаранг, бу боришингизда ҳамма яқинларингиз сизни ташлаб кетади».

Бу гапларнинг тўғрилигига биринчи бор унингсиз қолган кунимда иқрор бўлгандим. Ва ўшандан бери шу беаёв иқрор билан ҳар куни юзма-юз бўламан. Менинг ақлга сиғмас такаббурлигим, кўтариб бўлмас инжиқликларим алап-оқибат, у айтгандек, бирин-кетин кўп ришталарни чирт-чирт узиб ташлади. Кейинроқ билдимки, инсон ҳар қанча яхши бўлмасин, агар ундан зеркикшса, аяб ўтирмайдилар. Чунки у одамнинг атрофдагиларни қизиқтирадиган ҳеч нарсаси қолмайди. Унинг борлиги ҳам, яшаётгани ҳам исзиснишонсиз бўлиб қолади. У энди худди осмондан тушиб қолгандек ҳис қилади ўзини, чунки у ҳамма жойда инкор этилади. Бошқаларни менсимагани, ўз қаторида кўрмагани, инсонийлик андозаларидан четга чиқиб кетгани учун у тан олинмайди. Бу – ҳаёт ҳаёт бўлибдики, амал қилиб келинаётган буюк қоида.

Эрталаб аёлим айтган эътирозлар ҳам шу қоиданинг бир кўриниши эканини бехос англаб қолдим. Мен боя зеркикш ҳақида ўйладим, мана энди хотиним ҳам секин-секин ўша жараёнга етиб келаяпти, бугун кўнглимга тегмайдиган қилиб гапирган бўлса, эртага энсаси қотиб сўзлайди ва учинчи куни гапириш фойдасиз эканини фаҳмлагач, у мени бутунлай эътиборсиз қолдиради. Ва, афсуски, агар шундай давом этсам, ҳаётнинг бояги ёқимсиз ва қатъий қоидасига бош эгишимга тўғри келади.

Чорраҳани кесиб ўтаётганимда, телефоним жиринглади, юрагим ҳаққириб кетди. Худди менинг ичимдан ўтаётган туйғуларни билиб тургандек қилинган кўнгирак эди бу. Йўлакчага ўтиб яшил тугмачани босдим, у ёқда жим-житлик. Мен йигирма қадамлар юриб боргунимча, оёқ товушларимни тинглаб турди, кейин қисқа-қисқа гудок. Ё алҳазар, бунинг боиси нимада, у қандай қилиб сезаяпти, бутун йўл бўйи ўйлаб келаётган кечинмаларим унинг кўнглига қандай етиб бора-япти. Эҳтимол, у нонуштадан кейин хотиним билан бўлган суҳбатдан ҳам хабари бордир. Нега у ҳаммиша тушкунликка тушган, икки ўт орасида қолган кезларимда йўқлайди, у шу йўл билан мени юпатмоқчи, ўзи айтган теп-текис ҳаётга қайтармоқчи бўладими? Лекин бу ҳолатимни қаёқдан билади?

Ишхонага кириб келганимда ҳамма нарса ўрни-ўрнида, ходимлар ўз ишларини бошламоқда эдилар. «Тузукмисиз?», дея сўради менга биринчи дуч келган котиба қиз ранги-рўйимга эътибор қилиб. Мен унга бош ирғаб жилмайдим-да, шу билан «Ҳаммаси жойида», дегандек бўлдим. «Хонангизга киргандик», деди у авзойимни чамалашга уриниб, «У киши айтгандилар».

Котиба бош бармоғи билан раҳбарнинг хонасига ишора қилди. Мен елка қисиб, кабинетимга кирдим. Одатдагидек, бугунги режадаги ишларимни ажратар эканман, раҳбар тиқилинч қилаётган йигитнинг қўлзма жилди йўқлиги эътиборимни тортди. Айланма курсига чўкиб, бу жилд нега, нима сабабдан олинганини тахмин қила бошладим, балки қайтариб берилгандир ёки Мўмин ака унинг айтганини қилмаслигимга кўзи етиб, ҳафсаласи пир бўлгандир. Нима бўлганда ҳам, ўша жилднинг столим устидан кетгани мени анча енгил торттирди. Тамаки тутатаётиб, беихтиёр бошқа қоғозларга ҳам разм солдим, қолганлари жойида эди.

Тушга яқин ҳаво совиб кетди. Ёзиб ўтирган жойимда жунжика бошладим. Эшик орқасидаги қозикдан пальтомни олиб елкамга ташлаётганимда кимдир киришга ижозат сўради ва жавоб беришимни кутмаёқ, хонамда янги ходима пайдо бўлди. У мени курсида ўтирган деб ўйлаган шекилли, кирибоқ бир-икки қадам ташлаб, сўнг ортга ўгирилди. Мен эса худди ҳеч нарса бўлмагандек жойимга қайтдим. Менинг бу бепарволигимни кўриб хафа бўлдими ёки шошилинч кирганига хижолат тортдими, негадир аста томоқ қириб қўйди. Қоғоз-қаламимни йиғиштирар эканман, «Хўш?» деган маънода унга қарадим. Ходима бироз тараддудланиб, «Бирон ёққа кетаяпсизми?», дея сўради.

– Ҳарқалай, шуни сўрагани кирмагандирсиз!

– Мўмин ака ҳамма ходимларга тайинланг, бугун тушликни жамоа билан қиламиз дегандилар, шуни айтиб кўяй деб...

Янги ходиманинг шошиб-пишиб айтаётган гаплари менинг кулгимни қистатди. «Келишдик», дедим унинг гапи тугагач ҳам туриб қолганини кўриб.

Мен хонамни қулфлаб коридор тўридаги залга бораётганимда ишхонамиз рўпарасидаги Марказий майдондаги соат ўн икки марта бонг урди. Залнинг ойнаванд эшигидан ичкари шундоқ кўриниб турарди – дабдабали безатилган стол, ўттизга яқин одам қолган кири-икки кишининг келишини кутиб турарди. Ичкари кириб сездимки, Мўмин аканинг жойи бўш эди. Мен қаерга ўтиришга иккиланиб турганимда бояги ходима илтифот қилди: «Келинг, кўшни, ёнимдаги стул бўш». Индамай кўрсатилган ўриндиққа чўқдим. Тавба, дедим ёнимдагиларни кузатарканман, битта идорада шунча одам ишларканмиз-у, салом-алиқдан нарига ўтмас эканмиз-да. Эрталаб ҳамма хонасига шўнғийди, кечкурун соат олтида ҳамма уйига жўнайди. Бунақа тартиб-интизом ҳозирги шароитда анча қийин масала. Рўзгор ташвиши ҳамма нарсдан ошиб тушаётган бир пайтда бундай фидойилик билан хизмат қилиш чинакам эътиборли иш.

Бирдан ҳамма сергакланиб, ўтирганлар раҳбарнинг ҳурматига бир-икки қимирлаб қўйишди. Мўмин ака ёнида бир йигит билан кириб келди. У ҳаммага бир-бир қараркан, баралла овозда «Бу йигит бизда чоп этилаётган «Замон кўшиғи» китобининг муаллифи. Бугун ана шу китобнинг тасдиқдан ўтгани муносабати билан бизни меҳмон қилмоқчи!» деди дастурхонга ишора қилиб. Раҳбарнинг гапини эшитиб, баданимга тиг теккандек сескандим. Худди ҳамма менга тикилаётгандек, Мўмин ака билан ўртамиздаги суҳбатдан бутун жамоа хабардордек ўзимни ноқулай сеза бош-

ладим. Раҳбар эса менга истеҳзоли нигоҳ ташларкан, ҳаммани дастурхонга таклиф қилди. Мен икки ўт орасида қолган эдим – ўзимга қолса, шартта туриб чиқиб кетгим келарди, бу дастурхондан ҳам, жамоамдан ҳам тезроқ узилиб, холироқ жойга боришни, енгил нафас олишни хоҳлардим. Аммо, айна дамда, шунча одамни беҳурмат қилиб хонани тарк этиш ҳам мушкул эди.

Шу пайтда раҳбар ҳамманинг эътиборини қаратиб, менга «Шоир, сизга қанақасидан қуяй?!» деб қолди. Аъзойи баданимга ғазаб югурар экан, унга кескин эътироз билдириш учун илкис бошимни кўтарган чоғимда телефоним жиринглаб қолди. Бу ўша эди. Бир дам тарадудланиб тургач, ташқарига йўналдим. Ўзимнинг хонамга етганимда бироз ўйландим-да, хонага кирмай, пастга – аччиқ қаҳва ичгани тушиб кетдим.

Буфетчи қизга қаҳва ва бутерброд буюраётганимда ҳам, мўъжаз тамаддихонанинг энг бурчагидаги жойга ўтираётганимда ҳам ҳозиргина юз берган мулзамликни, йўқ, жирканч ҳодисани хаёлимдан чиқара олмасдим. Бу нима дегани, ош-нон билан тилингни қисқа қилиб қўйишса, кейин нима десалар, ғинг демай бажарсанг! Ким ўйлаб топган бундай маданиятли савдо-сотикни, ўша ишбилармонларми ёки ўзимизнинг Мўмин акаларми! Ким бўлганда ҳам жуда паст ўйлаган экан!

Қаҳвани қошиқча билан аралаштирар эканман, кўнғирокни эсладим. Унинг жуда зарур пайтда бўлганини ўйладим, лекин шу заҳотиёқ хаёлимга келган фикр мени гангитиб-довдираб қўйди – ахир у шунча йиллардан буён бир кунда икки марта кўнғирок қилмаган эди.

Ишхона фойесининг кенг деразаларидан ташқарига термулиб, кўчани томоша қила бошладим. Ҳовлига тўп-тўп одамлар тушлик қилиш учун чиқиб-шайпти, кимлардир тамаки тутатаяпти. Менинг ҳам хуморим тутди, сигарет ёндирдим. Аммо бояги кўнғирок хаёлимдан чиқиб кетмасди, энди унутаман десам, ёнимда ўтирган кимнингдир телефони жиринглайди – яна ёдимга тушади. Мен то қаҳвани ичиб бўлгунимча, ишчилар тушлиқдан қайта бошлади. Шундагина бироздан сўнг тагин кабинетимга қайтишимни, бояги одамларни кўришимни ўйлаб юрагим хижил тортди. Буфетчи қиз ҳисоб-китоб қилгандан кейин ўрнимдан оғир кўзгалдим. Аммо ичимдаги бир товуш мени яна пича ўтиришга ундарди, оёғим ишга тортмасди. Мен яна унинг йўқловини эсладим. Ахир унга нима фойда? Шу биргина кўнғирок энди унинг ҳаётига нима мазмун беради?! «Шошма!» дейман ўзимга ўзим, «Ахир шу кўнғирок ҳозиргина сени бир синовдан асраб қолди, эҳтимол у сени чалғитмаганида, бу имтиҳондан ўта олмасдинг. Энг мушкул паллада ўша даврадан сени юлиб олиб, сенга қанчалик ёрдам бера олишини кўрсатди». Мен энди тушуна бошлаган эдимки, бу кўнғирок менинг чинакам халоскорим эди. Неча бор тушкунликка тушган, тўғри йўл топишга қийналган кезларим у мени ўзимга келтирган эмасмиди? Мана, бугун менинг шундай ноқулай аҳволда қолишимни у туш кўрмаган, бироқ ҳис этганини, энг муҳими, унинг керак пайтда кўнғирок қилганини инкор эта олмайман. Уни йўқотганимдан кейин бир марта бўлса ҳам қайта учратмадим, тасодифан бўлсин йўлиқиб қолмадик ҳам. Лекин у менинг ҳар бир кунимда яшади, яшаганда ҳам ростакамига, дардларимга қулоқ тутиб, беминнат яшади. Балки гўшак орқали бирон марта «Алло!» деганида, унинг

барча ҳисларини тушуниб қолган ва қадрламай қўйган бўлишим мумкин эди. У эса бунинг ўрнига ҳаммиша ўн битта рақам, менга ёдаки бўлиб кетган ўн битта рақам билан мурожаат қиларди, холос.

Мен дадил қадамлар билан хонамга йўналдим, чунки энди ўзимни жуда ҳам енгил, ғам-ташвишсиз сезаётан, бундан буёғига одамларнинг ҳар турли қиёфасига хотиржам қарай олишимга ишонаётган эдим. Мен шунча йиллардан бери кўнглимни қиймалаб келаётган кўнғирокнинг оғоҳлик кўнғироғи, ҳаёт кўнғироғи эканини фаҳмлаган эдим.

Ҳали тонг ёришмасиданоқ хотиним туртиб уйғотди. Унинг бутун баданини тер босган, оғир-оғир нафас оларди. У шунча азобда ҳам юз-кўлимни ювиб келгунимча чидаб ётди ва ўрнимдан кўзгаларкан жилмайганча “Вақти бўлди шекилли” деди, сўнгра “Қизлар уйғонса кўрқашмасмикан”, дея улар ётган хонага хавотирли қараб қўйди.

Биз туғруқхонага етиб келганимизда тонг бўзарган, аммо осмон булутли эди. Йўлларда қатнов кам, унда бунда фаррошлар кўча супуришарди. “Ўн олтинчи палата”, деди хотинимни жойлаштириб чиққан ҳамшира ва кийимлар солинган халта билан кўлимга бир парча қоғоз тутқазди, “Керакли нарсалар, тезроқ олиб келарсиз”. Кўча эшик ёнида машинани тўхтатишим билан катта қизим чоғиб чиқди, кўзларида ёш. Мен уни опичлаганча уйга йўналдим, хайриятки, кичкинаси ҳали уйғонмаган экан.

Товага тухум чаққан пайтимда телефоним жиринглаб қолди, хаёлимга “У бўлса керак, хурсандлигимни сезибди-да”, деган фикр келди. Катта қизим телефонни олиб келар экан, “Дада, тоғам”, деди. Чиндан ҳам хотинимнинг укаси йўқлаган экан, унга бугунги янгиликни, ўзгариш бўлса телефон қилишимни айтдим. Нонушта қилиб бўлгач, иккала қизимни кийинтиришга тутиндим. Ниятим уларни онасининг ёнига олиб бориб, бирров кўрсатиб келиш эди. Боғчасига олиб бормайман, агар улар ҳам қуни бўйи уйда бўлмаса, зерикиб қолишдан кўрқардим. Ишдан эса ҳафсалам пир бўлганди.

Шарфимни боғлаётиб хаёлимга антиқа бир фикр келди: унга ўзим телефон қилиб айтсам-чи, ахир у ҳам хурсанд бўлади. Лекин шу заҳотиёқ фикримдан қайтдим. Ўтган тўрт йил ичида у бир марта бўлсин гапирмади, энди мен дабдурустдан кўнғирок қилиб, “Хотинимни туғруқхонага жойлаштирдим, суюнчи бер”, дейманми? Анча иккиланишдан кейин телефондаги унинг рақамини босдим, бир оз жимликдан сўнг узун-узун гудок кетди. Ва шу пайт... Аввалига эътибор қилмадим, аммо пича муддат тинглаб тургач, жиринглаган овоз шу уйдан, аллақайси бурчақдан келаётганини фаҳмлаб қолдим. Бир зумга тахтадек қоғиб, ҳушимни йўқотаёзим. Жиринглаган овоз тошойнак ғаладонидаги пардоз қутчасининг ичидан таралаётганди...


Менинг шунча йиллардан бери минг-минглаб ришталар, азобли хотиралар орқали боғланиб келаётган яхлит кечмишим шу лаҳзаларда митти-митти парчаларга бўлиниб, тобора кўздан йўқолаётган эди.

2008 йил.



Муҳаббат САФОЕВА

Юрагимни умид гулғади такрор



* * *

Атрофим чулғаган қўшиғу алёр,
Ҳамма шоддир бунда, битта мен бемор.
Соғинч, қувончларим осайтган дор,
У дорнинг тагига йиқилма, жоним.

Ёлғизлик бағрида енгил тортаман,
Томирда бўғилиб боради қоним.
Ўзим ҳам билмаган нелар қутаман,
Манзилим олисми, қайда маконим?

Бир мағрур, бир қайсар руҳим исёни,
Дунёда малолсиз, сўзсиз кечади.
Жонидан тўйдирган дардларни қўмсаб,
Сўнг яна яшаиш-чун қайтади.

* * *

Сизни қачон кўраримни билолмадим,
Ҳолингизни бориб бир бор сўролмадим.
Ғамга шоҳман, қувончга қул, кулолмадим,
Тунлар осмон дардларимга бўлар ҳамроҳ,
Ўзингиз осмонлардан ҳам яқинроқ.

Муҳаббатми, садоқатми, кўнгил сўроқ,
Нима ўзи бу дунёда муқаддасроқ?
Аламлардан, юпанчлардан Сиз буюқроқ,
Ўртамизда қонлар ютиб йиғлар фироқ,
Фироғингиз висоллардан ёқимлироқ.



Хавотирим бу оламда кетди тўзиб,
Хавотирим йўлларини келинг тўсиб.
Юрагимни тиканлар босди эзиб,
Ҳижронларнинг ҳасратлари қочсин йироқ.
Дийдорингиз ҳаммасидан кераклироқ.

* * *

Ёнимда Сиз йўқсиз, маъюсман,
Янги йил эшигим қоқмоқда.
Мажолим етмайди тақвимнинг,
Охирги варагин йиртмоққа.

Муҳаббатнинг соғинч ёшлари,
Булутлардан тўкилар аста.
Қорайиб кўринган теварак,
Ёришиб кетади бир пасда.

Янги йилга фурсат бор ҳали,
Асрдек чўзилган лаҳза бор.
Ана... эшик қоқди аллаким,
Юрагимни умид чулғади такрор.

* * *

Деразангиз тоқчасидаги,
Бир тувак гул бўлиб қолсайдим.
Тунлар ором бўлиб, саҳарда,
Кўзингизда гуллай бошлардим.

Кўзларингиз қароқларида,
Умр кўрсам эди кўп узоқ.
Бўйнингиздан, нафасингиздан,
Юрагимга тўкилар титроқ.



Бедор бўлиб, беабон бўлиб,
Илдизимга ботади ишқим.
Сизни бахтли кўрмоқлик учун,
Токчангизда ўлишим мумкин!..

* * *

Сен кўзимдан оққан соғинчсан,
Сўзларимдан оққан изтироб.
Минг бора такрорлар исмингни тилим,
Ичимни кемириб емоқда азоб.

Нетарди бир бора сен ёмон бўлсанг,
Сени севмоқликдан тонсам нетарди?
Бир кун жодугарлар чиқиб йўлимдан,
Севгимни ялмамай ютса нетарди?..

Лек ҳамон кўзимдан оққан соғинчсан,
Сўзларимдан оққан изтироб...

* * *

Сенга атаб на шеър ёзишга,
На каломга келар бардошим.
Дам кўксимни эзади озор,
Оғирлашаверади лошим.

Ҳар дақиқа, ҳар бир нуқтада,
Кўзларингнинг акси яшайди.
Кўзларингда кўзларим акси,
Кўзларинг қалбимга ўхшайди.

Гарчи сенга изҳорларим йўқ,
Гарчи сен ҳам бир сўз демайсан.
Юрагимда бир таскин, бир чўғ,
Мендан бошқасини севмайсан...

* * *

Ғам сени қошига чорлайверади,
Юракни нишонга олиб ҳар сафар.
Кўзим кўзёшларин ичаверади,
Сабримнинг сочлари оқариб борар.

Сизни унутмоққа неча чоғландим,
Сизни унутмоқдан чарчадим ҳатто.
Бу ерларга ўзи нечун боғландим,
Ё сендан мурувват кутдимми, дунё?

Кўзларингиз олиб кетинг кўзимдан,
Бас, улар йўлимга бўлмасин тузоқ.
Осмон, кўланкангни йиққин устимдан,
Ўз дардим ўзимдан энди улканроқ.

Қачон ёнмоқликдан тўхтайсан, дилим,
Ичимнинг ичинда исён бўзлайди.
Сизни унутмоқнинг топмай чорасин,
Сўнг яна бошқатдан сева бошлайди.

* * *

Кунларимни сизга атамай қўйдим,
Айирдим уларни дард тўлгоғидан.
Соғинса ўяман кўзларимни ҳам,
Тўйдим шу ўзимга вафосизимдан.

Ҳатто ўйларимни бермайман ортиқ,
Қисмат, этагимга осилаверма.
Юрагимни олсам басдир қутқариб,
Осмон, юзларингни мендан ўғирма.

Гумонларга рангим олдириб қўйдим,
Чўзилди умримнинг гадир йўллари.
Наҳотки, сен мени кўндириб бўлдинг,
Муҳаббат, етмади менга қўлларинг.

Дунё, кўзларингда қалқиб турибман,
Сўнгги умидларим тўкилаётир.
Борлигинг кўрсатиб юборгин, Тангрим,
Яшагим, яшагим ҳеч келмаётир.

* * *

Кўникмогим керак сизсиз яшашга,
Тўкилиб бормоқда бир ҳовуч умр.
Озорларга қўйдимми сизни шунча?
Ўзимдан ўзимни ҳайдайман охир.

Бори гурбат бўлган дардчил юрагим,
Кўрмайсиз, уни ҳеч кўрмайсиз энди.
Йиғласа йиғласин майли, кўзларим,
Кўзимнинг ёшига чўмилгим келди.

Таширфларингиздан ёғилсин нурлар,
Кетингиз, ортга ҳеч қайрилмай, кетинг.
Йўлингизда чорлаб турсинлар ҳурлар,
Азизим, лаоқал сиз бахтли бўлинг,
Бизга озор қолсин, сиздан зор қолсин..

Хоразм.





Зулфия ҚУРОЛБОЙ қизи

ЁЛҒИЗЛИК ҚУРБОНИ



Хикоя

Улфат аканинг ўлимидан кейин Тамара хола ёлғизланиб қолди...

Гарчи бефарзанд бўлсалар-да, қирқ йиллик турмушлари давомда эри билан ёмон яшашмаганди. Фарзанд бўлмаганидан кейин эр-хотин бир-бирига суяниб қоларкан-да. Бундай эр-хотинларнинг қай бири аввалроқ оламдан ўтса, бева қолганининг машъум айрилиққа кўникиши осон кечмас экан.

Тамара хола ҳам эрининг ўлимидан кейин авваллари тўтиқуш сақланадиган каталакдай тор қафас бўлиб туюладиган, айти замонда ҳайҳотдай хувиллаб қолган икки хоналик уйда ёлғиз ўзи сўппайиб қолди. Қариндош-уруғлар ҳам ўз йўлига экан, ҳаммаси тирикчилик ташвишлари билан андармон бўлиб Тамара хола ҳақида ўйлашмасди, фақат бегим кунлардагина эрталаб ишга ёки у ёқ-буёққа кетишлари олдидан бирровгина кириб ўтишади. Бу ҳол Улфат аканинг қирқи ўтгунча давом этди холос. Кейин уларнинг қадамлари тийилди. Бутунлай ёлғиз қолган аёл ҳақида эса ҳеч бири ташвишланмасди. “Унинг ўзини ўйлашдан бошқа ташвиши йўқ, дейишса керак-да”, деб қўярди Тамара хола қариндошларининг беъэтиборлиги эсига тушиб, ич-ичидан улардан домангир бўла бошлаганида.

Бундан тўрт-беш йил муқаддам эрининг кўп болали синглиси балоғатга етиб қолган ўғилларидан бирини



фарзандликка бермоқчи бўлганида Тамара хола буни рад этганди. Чунки болажон сингил шарт қўйганди: “Ўғлимни ўзингиз ўқитиб, ўзингиз уйли-жойли қиласиз!” Бу гап Тамара холага ёқмади. Ахир эри заводда оддий ишчи бўлса, топгани у ойдан бу ойга базўр етиб турган бўлса, қандай қилиб бола боқади, ўқитади, уйлантиради? Акасининг ғамини еган сингил хайр қилса бутун қилмайдими, яъни ўғлини ўқитиб, олий маълумотли қилиб, уйлантириб, кейин фарзандликка бермайдими?

– Йўқ! – кескин жавоб берди ўшанда Тамара хола эрига. – Дилора битта бўлсаям ташвишни бошидан соқит қилиш учун ўғлини бизга бермоқчи бўлаётганини жуда яхши тушуниб турибман. Шунинг учун ҳам ўғлини фарзандликка олмаймиз!

Раҳматли эри очикчасига бир сўз демаса-да, анчайин ғамгин бўлиб қолди. Шўрлик ўзича аллақандай ёқимли хомхаёлларга бориб юрган эканми, бирдан тарвузи қўлтиғидан тушиб, маҳзун тортди. Тамара хола буни сезди, лекин ён бергиси келмади.

– Майли, Дилоранинг ўғлини фарзандликка олдик ҳам дейлик, – дея ўзининг ҳақлигини исботлашга тушди Тамара хола ўшанда. – Лекин биз уни қандай боқамиз? Сўлоқмондай йигит-а? Бир марта уйларига борганда кўрганман, ўша бола иккита патир нонни пок-покиза тушириб олиб, ҳеч нарса кўрмагандай онасидан: “Яна нима бор ейишга?” деб сўраганини. Иккита патирга тўймаган болани биз қандай тўйдирамиз? Тўймасни тўйдириб бўладими?

– Балки бу ҳам Худонинг иноятидир, – деди Улфат ака охиста. – Ахир ким ҳам ўз фарзандини бировга берарди, агар Худо кўнглига солмаса? Гап қийинчиликда эмасдир балки? Ўйлаб кўришимиз керакдир... Балки Худо...

– Мен ўйлаб бўлдим! Агар Худо бор бўлса, аввало ўзимизга берарди-да! Қолганини ўзингиз ўзингизга сўрайверинг, – деди Тамара хола шартта эрининг гапини кесиб.

Улфат ака жим бўлди. Бошқа гапирмади. Аммо ҳар доимгидай чала қолган гапининг давомини ичида охирига етказди: “Балки Худо ўз марҳаматини бошқалар орқали бизга юбораётгандир?..”

Тамара холанинг назарида, раҳматли эри ўшанда ич-ичидан хафа бўлгандир, аммо миқ этиб бошқа эътироз билдирмади, ҳатто гапни давом эттиришга, нимадир дейишга уринмади ҳам. Тамара хола эрининг феълени яхши биларди, бундай ваҳимали гапдан кейин Улфат ака ҳар қандай ҳузур-ҳаловатли орзусидан воз кечиб кўя қолади. Чунки ўзига ишонмайди. Ва яна арзимаган маошидан бошқа ортиқча даромади бўлмаса! Бошқа иш кўлидан келмаса! Неча йиллардан буён фақат икки киши учун ишлаб, икки кишилик харажат учун бош қотириб ўрганиб қолганлари ҳам уларга панд берди ўшанда. Улар фақат ўзларини ўйлаб яшашга кўниккан эдилар. Учинчи бир одамнинг ғамини ейиш, ташвишини қилиш улар учун улкан, ҳал этилиши қийин бўлган муаммодай туюларди. Баъзиларга ўхшаб ҳолига қарамасдан таваккал қилишга юраклари бетламасди.

Айниқса, қайинсинглиси Дилоранинг орқа-олдини ўйламасдан йилма-йил туғиб ташлайверганини Тамара хола ҳеч ҳам ҳазм қила олмасди. Ахир тўққизта болани боқиб, катта қилишнинг ўзи бўладими? Катта қилгандан кейин ҳам болаларнинг ташвиши тугамайди. Энди улар-

нинг келажагини ўйлаш масаласи кўндаланг туради. Бундай шароитда одам ўзи учун бир дақиқа ҳам яшай олмайди-ку!

Дилора ўшанда таклифини рад этганлари учун акаси билан янгасидан хафа бўлгандир, лекин буни сиртига чиқармади, аксинча, сал тепадан келгандай бўлди:

– Сизларга ачинганимдан ўғлимни берақолай дегандим. Майли, ўзингиз биласиз. Менинг кўчада қолган болам йўқ!

Ҳа, у худди шундай деди. Эътибор берилса, мана шу гапларининг ўзиданоқ Дилоранинг хафа бўлгани англашилиб турибди-ку! Тамара холанинг роса тили қичиди, “Эплаб боқолмай қолганингдан кейин ўзинг болангни бермоқчи бўляпсан-ку!” деб қайинсинглисини узиб олмоқчи бўлди-ю, охири дақиқада ўзини тийиб қолди. “Майли, эримнинг ҳаққи-ҳурмати уни аядим”, – дея ўзини тинчлантирди у.

Шундан кейин Дилора фарзанд ҳақида умуман оғиз очмайдиган, уйларига ҳам онда-сонда келадиган бўлди.

Улфат ака икки-уч кун ўйчан бўлиб юрди-да, ахирги Тамара холага юрагини ёрди:

– Дилоранинг ўғлини фарзандликка олмай тўғри қилибмиз. Болани яхши едиrolмасак, яхши кийинтиrolмасак уволига қолардик! Ахир бола – бегуноҳ фаришта, унинг орзуларини, талабларини рўёбга чиқара олмаслик – гуноҳ!

Эр-хотиннинг бир-бирларига ўхшаб кетадиган томонлари мана шунда эди. Томоқ берган Худо насибасини ҳам берар-да, дея аллақандай саробдан умидвор бўла олишмасди. Аммо қандайдир бир мўъжиза юз беришини орзу қилиш ва кутишдан чарчашмасди. Орзулари ушалай деганда эса... кўрқув журъатларини сўндиради.

Раҳматли Улфат ака камгап, ичимдагини топ дейдиган одамлар тоифасидан бўлгани учун қирқ йил бирга яшаган бўлсалар-да, Тамара хола эрининг кўнглидан нелар кечаётганини англай олмаган. Фақат баъзи масалалар бўйича фикрлари бир ердан чиққани туфайли: “Эримнинг қандай одам эканлигини яхши биламан”, деган хулосага келган, ҳатто қазоси етган тақдирда Улфат ака ўлими олдидан нима дейишига қадар биларди: “Биз яхши ва мазмунли яшадик, Тамара. Бунинг учун сендан миннатдорман!..” Бироқ кутилмаганда бунинг мутлақо тескариси содир бўлди...

Улфат ака нафақага чиқиш ҳаракатида керакли ҳужжатларни тўғрилаб юрган кунларнинг бирида тўсатдан тоби қочиб ётиб қолди. Тумов деса тумовга ўхшамасди, шамоллаш деса шамоллашга; оз-моз иситмаси чиқардию тушарди.

Касалхонага боришга Улфат ака кўнмади. Тамара хола бу ҳақда гапирганида эшитишни истамагандек тескари қаради. Фақат жон берадиган куни эрталаб Тамара хола қайноққина сут олиб келганида Улфат аканинг пешонасига муштлаганча, унсиз йиғлаётганини кўрди...

Тамара хола ғалати бўлиб кетди, лекин барибир шифокор чақиртирди. Дўхтир келиб беморни эмлаб кетди, аммо тайинли бир нима демади; холанинг саволига жавобан ғўлдираб қўйди холос.

Шу куни Улфат ака тинчланганидан кейин ярим коса сут ичди-да, ухлаш учун кўзларини юмдию, қайтиб очмади.

Мурдани дафн этиш учун справка берган дўхтирнинг айтишича, Улфат ака юрак хуружидан вафот этганмиш.

Бу гапни эшитган Тамара холанинг жон-пони чиқиб кетди. Унинг фикрича, дўхтир ташхис қўйишда янглишган. Ҳозирги дўхтирлар ҳам дўхтирми? Миненгит билан мигреннинг фарқига боришмайди!

Улфат аканинг юрак хуружига учраши, яъни инфаркт бўлиши мумкин эмас. Ахир, раҳматли бирор марта ҳам юрагидан шикоят қилмаган. Қолаверса, нега энди Улфат ака инфаркт бўлиши керак? Ўзи ва хотинининг ташвиш-ни қилишдан, бош қотиришдан ўзга муаммоси бўлмаган одамнинг бундай оғир дардга йўлиқиши мумкин эмас! Ана, Дилоранинг эрини айтса бўлади “ҳадемай инфаркт бўлиб ўлиб кетади!” деб. Тўққизта бола-я! Дилора шўрлик шунинг учун ҳам битта кўйлакни беш йиллаб кияди-да! Уй-жойига қараб бўлмайди. Бунақа уйда тўй қилиш тугул иккита меҳмон чақиришга ҳам уялади одам. Дилора билан эри эртаю кеч бош кўтармай ишлашади, қўлларига илинган нарсани чумолидай уйларига ташмалайди, лекин барибир ҳеч ҳам бирлари икки бўлмайди. Шу ҳам яшаш бўлди-ми? Шўрлик Дилора тўққизта боласининг юзидан бошқа нимани ҳам кўрди? Пешоб ҳидидан бошқа ҳидни билмас ҳам керак. “Мен ҳам яшайман!” деб ўйласа ажабмас юраги ғурурга тўлиб.

Тамара хола эса бундай ҳаётни, турмуш тарзини ҳеч қачон ўзига раво кўрмайди. Тўғри, фарзанддан юз ўғирмасди, лекин, очиги, ҳеч қачон бола сонини тўққизтага етказмасди. Бир ўғил ва бир қиз. Етади. Бундан ортиги керакмас. Бу дунёда ҳар бандадан битта ёки иккита нишона қолса бўлди-да. Сони кўп, сифати йўқ “маҳсулот”нинг кимга кераги бор?!

Раҳматли эрининг Ортиқали деган бир оғайниси бўларди. Шу кишининг тўртта ўғли бор эди. Аммо тўртталаси ҳам ногирон эди. Аравачада бири букчайиб, бири энгашиб ўтирган қинғир-қийшиқ (астағфурулло!) болаларни кўрганида Тамара холанинг юраги орқага тортиб кетарди. Тангри таоло кўзингни куйдириб, юрагингни ўртайдиган бундай фарзандларни берганидан кўра... йиғиб-териб олиб қўйгани яхши эмасми?.. Тамара хола даҳрий ҳам, ҳудожўй ҳам эмасди, лекин бундай нохуш манзарага дуч келганида Худого шак келтираётганини сезмай қоларди. Пировардида, сезиб қолган тақдирида ҳам бундан пушаймон қилмасди. Берилган инъом кўзинг ва қалбингни қувонтирмай, йиғлатса... бундай инъомнинг нима кераги бор? Кутилмаганда курсоғида бола пайдо бўлса ва дўхтирларнинг ақл-заковати билан бу боланинг ногирон бўлиб туғилиши аниқланса, Тамара хола ўша заҳотиёқ, ҳеч иккиланмасдан боладан воз кечарди. Тўғрида, ногирон боланинг юзига термулиб кунда минг марта ўлиб-тирилганидан кўра бир марта куйгани яхши!

Ана, шўрлик Ортиқали ака уч-тўрт йил аввал шаҳар марказидаги данғиллама ҳолвасини сотиб, қишлоғига кўчиб кетишга мажбур бўлди. Хотини юрак касалига мубтало бўлган экан, шаҳар ҳавоси соғлиғига тўғри келмай қолибди. Мана ногирон фарзандларни дунёга келтиришнинг оқибати! Оғайнисининг қишлоққа кўчиб кетаётганини эшитган Улфат ака ҳам шунга яқин гап айтганди. Кейин елкасини учуриб:

– Бу одамларни сира тушуна олмадим-олмадим-да, – деб қўйганди.

Айни замонда Тамара холанинг ҳам тил учуда шу сўзлар турганди. Ана энди янада яққолроқ англагандирсиз эр-хотиннинг феъл-атворидаги ўхшаш жиҳатларни?

Сизнинг тасаввурингизда ҳам “Булар бир-бири учун яратилган”, деган фикр пайдо бўлди-ми? Эҳтимол, Тамара холанинг мана бу сўзлари фикрингизга янада ойдинлик киритар: “Биз таркиби бир хил бўлган маҳсулотга ўхшаймиз. Фақат иккита идишга солиб қўйилганмиз-да!..” Энди англагандирсиз? Ҳа, майли, балки бу сўзлар сизнинг назарингизда аллақандай мавҳум тушунчадек туюлаётгандир, бироқ Тамара хола учун мутлоқ ҳақиқат эди. То эрининг ўлимига қадар...

Дарвоқе, оддий мигрен билан миненгитнинг фарқига бормайдиган ҳозирги табибларнинг вакили бўлган ўша ташхисчи дўхтир яна бир гап айтгандики, буни эшитган Тамара холанинг эсхонаси чиқаёзди: “Улфат аканинг тилдан қолганига икки кун бўлган...” Бунисига нима дейсиз? Йўқ, бу гапга ишониб бўлмайди. Дўхтир одамларнинг юрагига ваҳима солишни хуш кўрадиганлар тоифасидан чоғи, кутилмаган зарбадан эсанкираб қолган шўрлик бандани янада довдиратиш учун айтди бу гапни! Эри икки кун бурун тилдан қолади-ю, буни Тамара хола сезмайдими? Йўқ, бўлиши мумкин эмас! Агар Улфат ака ҳақиқатан ҳам тилдан қолган бўлганида имо-ишора қилиб бўлса-да Тамара хола билан гаплашарди, фикрини уқтирарди. Лекин у бундай қилмади. Энг ёмони, ҳар икки ҳолатда ҳам Улфат ака хотинини ғафлатда қолдирди. Ўзидан кейин қадди дол бўлувчи хотинига тиргакликка ярайдиган сўнги сўзларни ўзи билан олиб кетди. “Биз яхши ва мазмунли яшадик, Тамара. Бунинг учун сендан миннатдорман!..” дейиш шунчалик қийинми?! Имо-ишора қилса ҳам Тамара хола дарҳол илғаб оларди-ку. Наҳотки Улфат ака энг сўнги лаҳзаларда Тамара хола билан ўтказган қирқ йиллик ҳаётидан пушаймон бўлиб, надомат чеккан бўлса? Айтишади-ку, кўнгил афсус-надоматга тўлсагина кўздан ёш оқади деб. Акс ҳолда нима учун пешонасига муштлади, нима учун унсиз кўз ёши тўқди?..

Тамара холани ларзага солиб, туну кун беҳаловат қилиб қўйган нарса мана шу савол эди. “Нега? Нима учун у бундай қилди? Нимадан афсусланди?” дея ўйлайвериб Тамара хола адоий тамом бўлаёзди. “Мана, мен соғлом аёл бўлатуриб бепушт эркак билан ёш умримни хазон қилганимга ҳеч қачон пушаймон бўлмадим-ку! – деганча ярим кечасими, тонг олдидами ўрнидан туриб кетади у. – Дўхтирлардан: “Эрингиз ҳеч қачон фарзандлик бўлолмайди, умид қилманг”, деган гапни эшитганимда йигирма етти ёшда эдим. Шартта ажрашиб кетсам бўларди. Аммо бундай қилмадим. Лаънати кўркув панд берди. Иккинчи эрим Улфат акамдек меҳрибон, садоқатли бўладими-йўқми, деган хавотирдан кўрққаним туфайли ҳам у кишидан ажралгим келмади. Рост-да, қамчисидан қон томадиган эркакка йўлиқиб қолсам нима бўларди? Улфат акам учун менинг сўзим қонун эди. Мен шунга, шундай муомалага ўрганиб қолгандим. Улфат акам шунчалар меҳрибон ва ширинсўз эдики, мен бундай одам дунёда ягона деб ўйлардим, бунга қаттиқ ишонардим. Кимдир хотинини урибди деб эшитиб қолсам юрагим шувиллаб кетарди. Назаримда Улфат акамдан бошқа ҳамма эркак ўта бераҳм, баджаҳл, хотин зотини одам ўрнида кўрмайдиган тошюрак бўлиб туюларди. Тўғри, бизнинг уйда ҳам ора-чора жанжал бўлиб қоларди, лекин бундай дақиқаларда менинг овозим баланд чиқарди, Улфат акам бечора мени тинчлантириш учун қаҳва тайёрлаш билан андармон бўларди. Ўзиям аччиқ қаҳвадан ҳўпласам бас,

дарров жаҳдан тушардим-да... Маошини бир сўм ҳам олиб қолмасдан кўлимга тутарди. “Менам ишлайин”, десам баъзи эркакларга ўхшаб дарров жаҳлига эрк бермасди. “Топиб келганимга қаноат қилиб уйда ўтир!” деб бўқирмасди, лекин хафа бўлиб қоларди. Астойдил хафа бўларди. “Сизга текканимдан буён уйда ўтираман. Бирор ерга ишга кирсам баҳонада ҳунарлиям бўлиб қолардим. Сиз ташлаб кетсангиз, қандай кунимни кўраман?” дея қулиб, кўнглига оғир ботмайдиган қилиб гапирардим. Шунда бечора эрим: “Сени ҳеч қачон ташлаб кетмайман. Кетишга тўғри келиб қолса, бирга кетамиз!” деб жавоб берарди. Мен унинг шу сўзларига ишонибман. У киши алдаган экан-у... Мана, ёлғиз ўзимни ташлаб кетди-ку! Тагин тушуниксиз, сирли бир тарзда... Тавба қилдим, ўйлаб ҳеч ўйимнинг тагига етолмаялман, эрим ўлими олдидам нимадан бунча афсусланди? Ёшлик чоғимизда, қаршимизда имкониятлар эшиги ланг очиқ турганида ажралиб кетмаганимизгами?.. Ёки болалар уйдан чақалоқ олишни маслаҳат бериб, бу ишда ёрдам беришни ўз бўйнига олган танишимизнинг таклифини рад этгани учунми?.. Виждонан айтганда, икки кишидан иборат кичик мамлакатнинг эрка маликаси бўлсам-да, ўша вақтда бу таклифга қарши чиқмаганман. Аммо эрим журъат қилолмади. “Бировнинг боласи бизга чин фарзанд бўладими-йўқми?” деган шубҳали ўй унинг бир фикрга келишига тўсқинлик қилди. Бу гап менинг ҳам кўнглимни безовта қилиб турганди. Ахир ўзингиз ўйланг, не-не заҳматлар чекиб, оромингиздан, ҳаловатингиздан кечиб бир парча гўштни одам қилсангиз-да, бор куч-қувватингизни йўқотиб, ёрдамга муҳтож бўлиб қолганингизда фарзандингиз сизни ота-она сифатида тан олмаса ёки қонига тортиб, ўғри ё пиёниста бўлиб кетса! “Ген” деган нарса бор-ку. Қолаверса, яхши одам ҳеч қачон яхши фарзандини етимхонага бермайди, қабилдаги ҳар хил ўйлар тинчлик бермаётганди. Бунинг устига айни ўша кунлари асранди бир бола улғайғач, вос-вос касалига йўлиқиб, ўзини боқиб катта қилган ота-онасини болта билан чопиб ташлаганлиги ҳақидаги видеофильм телевизорда намоёйиш қилинаётганди. Сур-сурлардан кейин маълум бўладики, ўша боланинг ҳақиқий онаси руҳий касал бўлган. Унга ўз туққан боласи аллақандай махлуқ қиёфасида кўринаверганидан кўлига олди дегунча чақалоқни ўлдиришга ҳаракат қилиб қолгани учун суд томонидан оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган бўлади. Ишқилиб, жуда даҳшатли фильм эди. Уни кўрганидан кейин ҳар қандай одам асранди боласига гумонсираб қарай бошласа керак. Эрим ишда бўлгани учун бу кинони кўра олмаганди. Мен унга қисқача мазмунини айтиб бердим холос. Аммо шунга қарамасдан, етимхонадан бола олишга жон-жон деб рози эдим. Афсуски, эрим кўнмади. Тўғри, бошида сал-пал унагандай бўлувди, лекин нима учундир бирдан айниб қолди. Менимча, ўша даҳшатли кино панд берди. Кино ҳақида эримга гапирмасам бўларкан ўшанда... Эримнинг ланжлиги менинг ҳам шаштимни қайтарди. Битта болани вояга етказиш, тарбиялаш биз учун жуда ҳам улкан, йиқиб бўлмас тоғдек муаммо бўлиб туюларди. Эплай олмаганимиздан, уқувимиз келмаганидан бировнинг боласини касал қилиб қўйишимиз, Худо кўрсатмасин, умрига зомин бўлиб қолишимиз мумкинлиги ҳақидаги хавотир қуши иккаламизнинг ҳам миямизда ин қуриб олгани учун ҳам биз бир тўхтамакча кела олмасдик. Хуллас, етимхонадан бола олиш

борасида эримнинг менам домангир бўлишга ҳаққи йўқ! Озми-кўпми ҳаётимиз давомида эримга ҳурматсизлик қилмадим, хиёнат қилмадим, ҳаммасини ўйлаб, тарозуга солиб, назардан қочирмай яшадим! Биргина Дилоранинг ўғлини фарзандликка олиш масаласида эримга қарши чиққаным рост. Эрим шунинг учун афсус-надомат чекиб, кўз ёши тўқдимикин? Вой бошим! Бунақада жинни бўлиб қолиш ҳеч гапмас...”

Бироқ ўйлмасликнинг ҳам иложи йўқ. Туну кун ёлғиз ўзи бўлганидан кейин... Дардлашиш учун ҳатто ит ҳам йўқ. Қўни-қўшнилардан умид қилмаса ҳам бўлади. Улар яшаётган беш қаватли уй кичик оилалар учун мўлжаллангани учун ҳам бор-йўғи бир ва икки хоналик квартиралардан иборат эди. Бундай квартираларда кўпинча кичик оилалар ўзларини ростлаб олгунча, вақтинча яшашади. Кейин каттароқ уй ёки ҳовлига кўчиб кетишади. Бу «дом»да фақат Улфат ака билан Тамара холагина муқим яшаб қолишди. Бошқалар келишади, кетишади, келишади, кетишади. Шунинг учунми Тамара хола баъзи кўшнилари билан кўча-кўйда шунчаки салом-алик қилгани билан бошқаларини ҳатто танимайди ҳам. Улфат аканинг оламдан ўтганини кўшнилари билмай ҳам қолишди чамаси. Фотиҳага ҳам чиқишмади-да. Ким билсин, балки янги келганлар бўлса, танишмасдан туриб, фотиҳага киришга тортинишгандир? Балки Тамара хола улар билан кирди-чиқди қилмагани учун, улар ҳам ўзларини тортишгандир? Тўғри, Тамара холанинг кўшнилари билан кирди-чиқди қилмаслиги рост. Ёлғизликдан юраги торс ёрилгудай бўлса ҳам хола бироррта кўшнисининг эшигидан бош сукмайди. Чунки у бир марта қадам ранжида қилиб, йўл очиб берса, тамом, баъзи кўшнилари кейин уйдан чиқариб бўпти! Йўқ, улар Тамара холадан ҳол сўрагани киришмайди. Агар аҳамият берган бўлсангиз, доим бировлардан қарз сўраб яшайдиган одамлар тоифаси бўлади. “Тўртта картошка бериб туринг!” “Бир қути гугурт бериб туринг!” Тавба, бир қути гугурт ҳам гапми? Тамара хола ҳам эрининг маоши эвазига яшайди. Ортиқча даромадлари йўқ. Лекин шу ёшга кириб ҳали ҳеч кимдан бир сўм сўрамаган! Кўшнилари яхши билгани учун ҳам Тамара хола уларни кўп ҳам хушлайвермайди. Бундай одамлар билан ҳамсуҳбат бўлганидан кўра ёлғиз ўтиришни афзал билади. Аммо барибир одам тафтини кўмсайди. Зина пиллапояларидан гоҳ тепага кўтарилаётган, гоҳ пастга тушаётган қадам товушларига қулоқ тутуди... Булар ярим кечаси ишдан, ўқишдан ёки... бошқа бир ерлардан уйига қайтаётган кишиларнинг қадам товушлари. Улар бошқаларни безовта қилмаслик учун мана шундай, эҳтиёткорлик билан зиналардан чиқиб кетишади. Улар жуда баодоб кишилар. Холага айнан мана шундай кишилар билан кўшничилик қилиш ва ҳамсуҳбат бўлиш ёқди. Лекин улар Тамара холанинг борлигини билмасмаса ҳам керак. Кейин нима ҳам қиларди? Ноилож газета-китоб ўқийди. Кўп ўқийди. Аммо эрининг ўлимидан кейин мутолаани ҳам бас қилди. Қўли ишга бормаиди, фақат ўй ўйлайди. Сукунатга қулоқ тутуди. Аммо ҳеч нарсани илғай олмайди. Фақат жимлик, гунг сукунат...

Аммо тунда ертўлада чийиллаётган каламушларнинггина овози эшитилиб қолади. Ва яна... эшик ортида писиб турган ажал тафтини ҳис қилади. Эҳ, қанийди, ўша ялмоғиз тезроқ кириб кела қолсайди...

Тамара холанинг безовта кўнглини секин-аста муд-ҳиш ўйлар чулғай бошлади. Унинг яшагиси ҳам келмай

қолганди. “Ажалнинг кириб келишини кутиб ўтираманми? Уни ўзим чақириб қўя қолсам-чи? Бу дунёда қиладиган ишим қолмади ҳисоб. Очиқ мазордек хувиллаб ётган уйга тириклай кўмилгандай яшашнинг кимга кераги бор? Эртароқ ёнига борсам балки эрим хурсанд бўлармиди...”

Сўнгги ўй нима учундир Тамара холанинг дийдасини юмшатди. Мижжалари намланди. Раҳматли эрига қанчалар боғланиб қолганини мана энди, уни йўқотганидан кейин аввалгидан-да чуқурроқ англади. Худди чўққиға чиқиб, атрофига назар солган одамдай бирдан юрагини кўрқув чулғади. Чунки атрофида ҳеч ким йўқ эди-да! Бу аҳволда яшаш оғир эди. Азоб эди. Азобки, чеки-чегараси йўқ... Ёлғизлик, қайғу-алам, армон – ҳаммаси жамланиб, бир бутун тошга айланиб юрагини шундай эзадик... “Дод” солиб ҳайқирганча аллақайларга бош олиб кетгиси келади. Бироқ қаёққаям борарди?

Бир куни Тамара хола ўзи сезмаган ҳолда тез таъсир қиладиган заҳар ҳақида ўйлаётганини пайқаб қолдию... гўё кўрқинчли туш кўриб, чўчиб уйғонгандек қаттиқ кўрқиб кетди. Яхшиямки уйда бундай оғунинг йўқлиги...

Бошқа бир оқшом эса ким биландир гурунглашиш истагига дош бера олмай ертўлада чийиллашаётган каламушларга бақириб юборди:

– Ҳой ноинсофлар, подвалда турволиб чийиллай-вермасдан бу ёққа чиқсаларинг-чи! Сал чалғирмидим... Кўпчиликмисизлар ўзи? Сасиб ётган подвалда яшаб нима барака топардиларинг?..

Гўё унинг овозини эшитишгандек, каламушлар бирдан жимиб қолишди.

– Ҳа-а, нега овозларинг ўчиб қолди? – дея гапида давом этди Тамара хола. – Хувиллаб ётган катаалда одам зотининг уруғи қуриди, деб уйлаганмидиларинг? Мен борман ҳали, яшаяпман! Фақат жуда зерикаяпман... юрагим сиқилаяпти... Илгарилари зериккан вақтларимда китоб ўқирдим, кўчаларни айланардим. Энди бўлса буларнинг ҳеч бирига ҳушим йўқ. Эҳ, ҳозир...

Бирдан Тамара хола ўз овозидан чўчиб кетди, ҳушини жамлашга уринди. Аммо энди янада ваҳимали ўй юрагига тифдек қадалди: “Нима бало, ақлдан озаяпманми?..”

Тамара хола телба бўлиб қолишдан кўрқарди. Шунинг учун ҳам ўйлай-ўйлай қайинсинглиси Дилоранинг уйига боришга аҳд қилди. “Агар рўйхўшлик беришса бутунлай кўчиб ўта қоламан, – деган илинжи ҳам йўқ эмасди. – Фақат уй ҳақида оғиз очишмасе бас!”

Ўн бир кишидан иборат оила аъзолари кутилмаган меҳмонни ҳар қалай очиқ чехра билан кутиб олишди. Айниқса Дилоранинг иккита тўнғичидан ташқари еттита бири-биридан шўх, қувноқ болаларининг бошлари осмонга етганди. Хурсандликларидан болаларнинг бири Тамара холани ташқарига судраса, яна бири тиззасига ўтирволиб: “Эртақ айтиб беринг, амма!” дея тикилинч қиларди.

Тамара хола бир пиёла чойини ҳам тинчгина ича олмаётганидан асабийлашаётган бўлса-да, зўр-базўр ўзини босди ва болаларни оқлашга уринди: “Анчадан буён кўрмаганлари учун бечоралар қувониб кетишяпти. Икки-уч кундан кейин “пуф, сассиқ” бўлиб қоламан. Ана ундан кейин тайёр ош-нонни еб-ичиб, маза қилиб ётаман, бировининг мен билан иши бўлмайди!” дея ўзига таскин берди.

Дилоранинг бўлса парвойи фалак эди. Тамара хола билан ҳол-аҳвол сўрашиб, олдига дастурхон ёзди-ю, кейин меҳмонни бутунлай нутган каби шумшайиб

ўтирган эри билан аллақандай ер можаросини ҳал қилишга киришиб кетди.

– Мен кўп болалиман, ерни энг аввал бизга беришингиз керак, демадингизми раисга? – дея сиқувга оларди эрини Дилора. – Биз турганда Мусабекка ўхшаганларга йўл бўлсин! Биздиям болалар бор-йўғи тўртта бўлганида ўйнаб-ўйнаб боқардик, ер-пери билан ишимиз бўлмасди!..

– Айтдим, ҳаммасини худди сен айтгандай қилиб айтдим, – дерди икки юзи қип-қизариб кетган тепакал эр. – Қулоқ солмади-да, нима қилай?

– Эртага идорага ўзим бораман!

– Майли, борақол, – деди эр енгил тортгандек бўлиб.

– Аввал-бошданок бу иш билан ўзинг шуғуллансанг бўларкан. Мен гапга нўноқман, биласан-ку.

– А-ҳа, кўлингиздан бир иш келмаслигини охири тан оларкансиз-ку, – Дилоранинг овози тантанали жаранглади. – Шуни аввалроқ бўйнингизга олганингизда бунчалик сарсон бўлиб юрмасдингиз!

Юзи офтоб тиғида қорайган, бужмайган, пешонасини қат-қат ажин қоплаган, кўкрак қафаси ёш боланикидай бир тутам бўлган жиккаккина эрининг бутунлай акси ўлароқ Дилоранинг юзи тирсиллайди, чертсанг қон отиладигандай; елкалари кенг; ҳар бир кўкраги ҳандалақдай, билаклари келисопдай. Бир мушт туширса анча-мунча эркакни ер тишлатадигандек куч ва ғайратга эга бўлган бу аёл тинмай меҳнат қилишу пул топишдан бошқа нарсани билмайдиганлар тоифасидан эди. Нима учундир бу ерга келганига афсуслана бошлаган хола: “Яхшиям бутунлай келдим, энди сизлар билан яшайман деб айтиб қўймаган эканман”, деган ўйни хаёлидан ўтказди.

– Мана, сиз яхши кўрадиган куёвингизнинг аҳволи, кўриб қўйинг! – деб қолди бир маҳал Дилора Тамара холага қараб. – Қўлидан кетмон чопишу ўт юлишдан бошқа иш келмайди. Биров билан муроса қилишни билмайди. Бошқа эркаклардай ўзини ўтга-чўққа уриб бўлсаям ҳақини ажратиб ополмайди. Қачон қарасангиз балонинг ўқиға мени рўпара қилади.

Тамара хола дабдурустан нима дейишни билмай қолди. Дилора турмушга чиққанидан буён бирор марта ҳам эридан ёки болаларидан шикоят қилмаганди-да.

– Нима гап ўзи, тушунмаяпман, – деб сўради Тамара хола шунчаки жим турмаслик учун. – Қанақа ер ҳақида гапираяпсизлар?

– Нега тушунмайсиз? – деди Дилора ҳайрон қолгандек бўлиб. – Боядан бери можаро қилиб ётибмиз-ку!

Қайинсинглисининг гап оҳанги Тамара холага оғир ботди. “Унга нима бўлди? Боя йўқ ердаги гапни ёқамга ёпиштирганди: “...сиз яхши кўрган куёвингиз!” деб. Мен ҳеч қачон бундай демаганман. Акаси ёнимда бўлганида бундай муомала қилолмасди...”

Тамара хола киприклари пирпираганча ерга боқди.

Дилора ниманидир фаҳмлади чоғи, бирдан гап оҳангини ўзгартирди:

– Бизда кўп болали оилаларга ер берилаётган экан, – дея ҳижжалаб тушунтира бошлади у. – Агар ҳақиқат деган нарса бўлса, ер энг аввал бизга берилиши керак, тўғрими? Лекин куёвингизнинг бўшанглигидан оғзимиздаги ошни олдириб ўтирибмиз-да! Ҳар доимгидай асли ўзим аралашсам бўларкан. Аёл бошим билан ҳадеб эркаклар билан жиқиллашавераманми, деб ўйлабман-да...

– Идорага югурган бир сен эмас, – орага гап кўшди эр. – Ана, Мусабек билан Эгамбердининг хотинлариниям ҳар куни идоранинг олдида кўраман. Ҳозир хотинларнинг гапи ўтадиган замон бўлиб қолган. Бурунги замон бўлганида сен паранжинга ўрани-иб уйда ўтирардинг. Кўча-кўйда мана биз кўкрагимизни кериб юрардик...

“Суюкли куёв” ёқимсиз ишшайди. Тамара хола беихтиёр бурнини жийирди. “Эркак бўлмай ўл, шу маҳал топган гапингни қара!” дея ичида ижирғаниб кўйди.

– Сизникига ўхшаш кўкрак билан...

Дилора эрини боплаб чақиб олиш қасдида ошкора мазах билан гап бошлаган ҳам эдики, дастурхоннинг қоқ ўртасига бир пой калиш “шалоп” этиб тушди.

Тамара хола сесканиб кетиб, жон ҳолатда ўзини орқага тортди. Зеро, бу кийилавериби абжағи чиқиб кетган, бунинг устига чанг-тупроққа, ҳаттоки лойга беланган эски калиш эди.

Суюкли куёв пинак бузмай ўтираверди.

– Ҳе, уруғинга қирғин келсин сенларнинг!

Дилора шундай дея қарганганча калишни дастурхондан олди ва елкаси оша ортига улоқтирди.

Даҳлизда шовқин-сурон кўтариб ўйнаётган болалардан бири ҳиринг-ҳиринг кулган кўйи келиб калишни олиб кетди.

Дилора ҳеч нарса бўлмагандек Тамара холага юзланди.

– Агар сизларникига ўхшаш... – дея аёл яна гапини давом эттиришга киришган ҳам эдики, даҳлиздан бирдан гурсиллаган овоз, унинг кетидан ёш боланинг хунуқдан-хунуқ, кўпол, ариллаган йиғи овози эшитилди.

Тамара хола бу сафар қаттиқ чўчиб тушди, беихтиёр ёқасига туфлаб кўйди. «Суюкли куёв» эса оёқларини Тамара хола томон бемалол узатиб, ёнбошлаб ётган жойида чойнакни сириқтириб пиёласига чой қуярди.

Дилоранинг авзойида ҳам ҳеч қандай ўзгариш сезилмади. У эри узатган бўш чойнакни қўлига олди ва эшик томонга қараб:

– Абсамат, – деб кўйди.

Остонада сочлари тўзғиган, худди зўр бир иш қилиб кўйганидан мамнундай кўзлари ўйнаб турган ўн беш ёшлар чамасидаги ўсмир пайдо бўлди.

– Ма, ичидаги шамасини тўкиб ташла, кейин яхшилаб чайиб ташлаб, янги чой дамлаб кел.

Бурнини бир тортиб олган ўсмир зипиллаб келиб чойнакни олди ва шундай шошқин тарзда ташқарига чиқиб кетди.

Тамара хола ҳамон анг-танг, нафасини ичига ютиб ўтирарди.

Дилора гапини бошидан бошлади:

– Агар сизларникига ўхшаш шаҳар чеккасида бўлсаям биттагина “дом”им бўлганида бунчалик куйиб-ёнмасдим...

Бўриққанидан Тамара холанинг юзидан иссиғи чиқиб кетди. “Ҳеч бўлмаса мен ўлганимча шу ҳақда гапирмай турсанг-чи, – дея хаёлан қайинсинглисига мурожаат қилди у. – Кейин уй барибир ўзингга қолади-ку!”

– Мана, – деган дўриллаган овоз эшитилди. Дилоранинг ўғли чойнакни дастурхон четига қўймоқда эди. – Газ пасайиб қолган экан, зўрға қайнатдим.

– Ҳа, бўпти, бўпти, бир чойнак чойингниям миннат қилма, – жеркиб берди Дилора ўғлини. – Энди тўртта картишка билан иккита пиёз артиб қўй.

– Э, ҳадеб менга иш буюраверасизми? – тўнғиллади йигитча норози бўлиб. – Қизларингизга айтинг.

– Ўлиб қолмайсан, бор, дедим сенга!

Афти буришиб кетган йигитча бир нималарни тўнғиллаганча хонадан чиқди. Тамара холанинг назарида у: “Ошхона-пошхонани ёқиб юборсам қутуламанми?..” дегандай бўлди. Янглишмаса, Дилора ҳам, унинг эри ҳам бу гапни эшитишди. Лекин улар пинак ҳам бузишмади.

Тамара холанинг юраги орқага тортиб кетди. Йигитча чиндан ҳам жаҳл устида ошхонани ёқиб юборадигандек безовталаниб қолди. “Болалари бунчалик тартибсиз, бебош эканликларини билмаган эканман, – ўйлади Тамара хола. – Дилоранинг беғамлиги-чи! Анов бола чинданам ошхонага ўт кўйиб юборса нима бўлади? Ё ўғлининг бундай қилмаслигини билармикан? Лекин авзойидан бола ҳеч нарсадан тап тортмайдиганга ўхшайди. Бунақалар ёқса ёқиб ҳам юборади. Кейин ўтиришади... оловиға исини-иб...”

Бу манзарани тасаввур қилган меҳмоннинг эти жунжикиб кетди.

– Пиёлангизни узатинг чалқайиб ётавермасдан! – зарда билан эрига қаради Дилора.

– Ма, – пиёлани узатди эр. – Лекин чойни қайтарма. Иккинчи чойнакни қайтармасдан қуйиш керак.

Дилоранинг кўзлари ғазабдан қисилиб кетса-да, эрини мазахлаб гапиришга ўзида куч топа олди:

– Хўп, эшон бова, хўп!

Жувон пиёла тагидаги шама қолдиғини ўзининг пиёласига куйди. Сўнг чойнақдан чой қуйишга киришган маҳал...

“Ғирқ” этганга ўхшаш овоз эшитилдию, чойнак жўмрагидан бир парча лой отилиб пиёлага тушди.

– Вой, ўлсин! Абсаматингизнинг ишини қаранг, – Дилора ёйилиб кулганча Тамара холага юзланди. – Чойнакни лой билан ювиб тозаламоқчи бўлган шекилли. Эркак боланинг қилган иши шу-да.

Тамара холанинг энди росмана жаҳли чиқди. Бу ахир меҳмонга нисбатан ҳурматсизлик эмасми? Нима, бу ерга у оч қолганидан келиптими? Ҳеч курса она-бола даҳанаки жанглари меҳмонга эшиттирмасдан, ошхонада қилсаям бўларди-ку. Аммо қаршисида ўтирган мана-ви “жигаргўшалари” уни меҳмон сифатида кўришмаяпти чоғи...

Дилора ўтирган ерида яна эшик томонга қараб бақирди:

– Абтикарим, ҳов Абтикарим, ма, чойнакни опкет! Ичини яхшилаб чайиб ташлаб, янги чой дамлаб кел, болам!

Тамара холанинг миясига қон тепди. Шартта ўрнидан туриб, қайинсинглисининг қўлидан чойнакни юлқиб олгиси келди. Бироқ... Гарчанд жигарлари Тамара холани кўноқ сифатида кўришмаётган бўлсалар-да, бирдан холанинг ўзи меҳмон эканлигини эслаб қолди. “Меҳмон эса иззатини билиши керак!”. Хола тишини тишига босди.

Ярим соатлардан сўнг ўша чинни чойнакни лой билан ювишни яхши кўрадиган Абсамат буғи чиқиб турган каттагина сопол лаганни кўтариб кириб келди. Таом оддийгина – қовурилган картошка. Бунинг устига озгина қайнаган сув ҳам қўшилганидан, картошкалари эзилгандек.

Ҳамон ғазаби тарқамган Тамара хола “Бунгаям лой қўшилмаганикан?” деган хавотирда овқатдан бир татиб

қўйиш билан кифояланмоқчи эди, аммо оғзига бир лўқма солганини билади...

Ҳа, тан олиш керак, Тамара хола умри бино бўлиб бунчалик хушхўр овқат емаганди! Еган сайин егинг келди. Бўлмаса на гўшт бор унда, на думба. Ҳаттоки оддийгина зира ҳам йўқ. Аммо... жуда мазали...

– Янга, мен идорага кетаяпман, – деб қолди Дилора эрталаб. – Ҳозир бормасам, кейин раисни тутиб бўлмайди – далага кетиб қолади. Сиз болаларга бош бўлиб, кўнглингиз тортган нарсаларни еб-ичиб ўтираверинг.

– Тез қайтасизми? – деб сўради Тамара хола шоша-пиша.

– Ярим соатда келаман.

Тамара хола мижғов куёв ҳам Дилора билан бирга кетса керак, деб ўйлаганди. Лекин унинг ҳовлида тенгсалиб юрганини кўриб, энсаси қотди. Ўзича қайинсинглисидан хафа бўлди: “Ўзи билан олиб кетса бўларди. Энди униси келгунча бунисининг бетига термулиб ўтираманми?”

Тамара холанинг асаби баттар бузилди. Ҳали нонушта ҳам қилмаган бўлса-да, аразлаган бола каби ката-лақдай хонадан чиқмай ўтираверди.

Бир маҳал эшик ғийқиллаб қия очилдию, хонага бўйлаган мижғов куёвнинг тиришган юзи кўринди.

– Эмаса мен бир далага бориб келайин, – деди у шу туришида, ичкарига киришни, ҳеч бўлмаса “Яхши ётиб турдингизми?” деб қўйишни хаёлига ҳам келтирмай. – Бир-икки соат айланиб келаман. Иш бўлмаса, тушликка қайтаман.

– Майли, бемалол, бемалол, – деди Тамара хола шоша-пиша.

Эшик журъатсизлик билан ёпилди.

Тамара хола чуқур хўрсинди. Қизиқ, бу ерга келганига атиги бир кун бўлдию, шунга қарамасдан, ўзининг балки зерикарлироқ, лекин хотиржам ҳаётини соғинаётганини ҳис қилди. Ўзи учун азиз бўлиб қолган гуллари, қимматбаҳо вазалари кўзига кўришиб кетди. Уйдаги ҳар бир буюм азиз ва қадрдон... Ҳар бирининг ўзгача тафти бор... Ҳар қанча эсласа арзийди... Тунлари чийиллаб, ўзларининг борликларини билдириб турадиган каламушларни ҳам эслади ҳатто...

“Бу ерда қийналиб қоладиганга ўхшайман”, деган фикр Тамара холанинг миясига урилди. Кетгиси келди. Ўзини бу тарзда кутиб олишлари мумкинлиги хаёлига ҳам келмаганди-да. Инсон сифатида обрўси бўлмаса ҳеч курса... ўзидан кейин... шуларга қоладиган уйнинг ҳурмати йўқмиди... Бир мушфиқ бандани иззат этмоқ учун арзигулик мулк эмасми бутун бошли уй деганлари?..

Қолаверса, қанчалик ҳаракат қилмасин, барибир қайинсинглисининг оддий турмуш ташвишлари қоришмасидангина иборат ҳаётини сира тушуна олмаётганди, ҳазм қилолмаётганди. Дейлик, Дилоранинг ўрнида бўлганида ўзи болалар тарбиясига кўпроқ эътибор қаратарди. Дарвоқе, тарбияни энг аввало... телса тебранмас эридан бошларди. “Эркакмисан, ўзингни ҳақиқий эркакдай тут! Рўзгорнинг оғир томонини ўз гарданингга ол!” деган бўларди эрига. Болаларини эса кечагига ўхшаш қилиқлари учун бошлаб адабини бериб қўярди...

Кимдир елкасидан туртгандек бўлди. Тамара хола илкис бош кўтарди. Рўпарасида Дилоранинг беш ёшлардаги кенжатои Асадбек турарди.

– Нимадир дедингми, ўғлим? – меҳрибонлик билан сўради Тамара хола.

– Қорним очди, амма, – ғингшиди болакай.

– Ҳали нонушта қилмадингларми?

– Аям билан дадам далага кетишди.

Тамара хола ҳайрон бўлди:

– Далага кетишса кетишар, аммо аввал сизларнинг қорнингизни тўйдирмадимми?

– Аям тез келаман дедди.

Тамара хола соатига қаради.

– Тез келиши шу бўлса... Қани, юр-чи. – Тамара хола Асадбекнинг қўлидан тутиб ташқарига йўл оларкан, жиянчасини саволга тутди: – Акаларинг, опаларинг мактабга кетишдимми?

– Ҳа.

– Ёлғиз ўзинг қолдингми? Сен боғчага бормайсанми?

– Ёлғиз ўзим қолганим йўқ.

Тамара хола айвонда кўринган заҳоти ҳовлида ўйнаб юрган тўртта бола югуриб келиб унинг атрофини ўраб олишди:

– Сут пишириб беринг, амма!.. Сут... Каша...

– Сут? Сутни қаердан оламан? – деди ошхонага кириб, бу ердаги тартибсизликлардан таъби хира бўлган Тамара хола.

– Сутни сигирдан соғиб оласиз-да! Шуниям билмайсизми? – деди болалардан бири.

Юрагига ўқдек қадалган бу таъна Тамара холанинг бутун вужудини титратиб юборди. Асадбекдан каттароқ, чамаси саккиз-тўққиз ёшлардаги бола кўзига балодек кўринди. Ҳозирданоқ тили шунчалик заҳар бўлган бу бола улғайганида Дилорани бир пулга олмай қўймадимми? Кўзларини чақчайтиришини-чи! Йўқ, Дилора буларга уммун тарбия бермаган. Болаларни дунёга келтирган, едирган-ичирган, кийинтирган, вассалом. Ибтидоий жамоа даврида одамлар шундай яшашган бўлсалар керак. Тарбия кўрмаган болалардан меҳр-оқибат кутиб бўладими? Тавба, минг бор тавба!..

– Ҳеч бўлмаса шакарчой берарсиз!

Тамара хола ялт этиб яна ўша тили ёшига ярашмаган тарзда заҳарга тўла болакайга қаради. Қовоғини солди. Хола бундай очиқ-ошкор ҳурматсизликни кўтаролмасди. Бир қулоғидан чўзиб, болакайнинг адабини бериб қўйгиси ҳам келди. Лекин ўзини босди. Ахир у бу хонадонда меҳмон. Ҳа, майли, бир кунга хўкиз ўлмас...

– Қани, ҳаммаларинг сўрига чиқинглар, – дея буйруқ берди Тамара хола болаларга. – Сутни аянгиз келганидан кейин ичасиз. Нега деганда мен сигир соғишни билмайман. Лекин шакарчой қилиб бера оламан.

Болалар гуриллаганча сўри томон югуришди.

Ярим соатда қайтаман, деб кетган Дилорадан чошгоҳда ҳам хабар бўлмади. Вақт тушликка яқинлашди, аммо ҳамон ундан дарак йўқ. Пешинга бориб Тамара хола боши оғриб ётиб қолди. Эрталабдан буён болаларнинг қорнини тўйдириш ташвишлари, идиш-товоқларни йиғиб, ювиб-тозалаш холани анча толиқтириб қўйганди.

Барибир Дилорадан дарак бўлавермагач, Тамара хола уйга кирдию, ўзини тўшақка ташлади. У бошининг лўқиллаб оғриётганига чидай олмаётганди.

Бир маҳал кимдир пешонасини оҳиста силаётгандай бўлдию, Тамара хола сесканиб кўзлари очди.

– Сен...

– Бошингизнинг қайси томони оғрияпти? – деб сўради Асадбек меҳрибонлик билан.

Тамара хола чурқ этмасдан унга тикилиб қолди.

– Агар бошингизнинг мана бу ери оғриётган бўлса, дори ичсангиз ҳам таъсир қилмайди. Яхшиси ухлаганингиз маъқул, мен уқалаб ўтираман. – Болакай жажжи кўлчалари билан аммасининг бошини силай бошлади. – Агар мана бу ерингиз оғриётган бўлса, унда дори ичишингиз керак. Аям шундай қиладилар...

Тамара холанинг тили лол эди.

– Сиз бемалол ухлайверинг, мен бошингизни уқалаб ўтираман, – дея таклиф қилди болакай.

Тамара хола “майли” дегандай кўзларини юмиб очди.

Бироздан кейин хола:

– Бошим энди оғримай қолди, – деди болакайга. – Энди сен борақол.

Дарҳақиқат, Тамара хола анча енгил тортганди.

Бироқ болакай бош чайқади:

– Ўйнагим келмаяпти. Яхшиси, сизни пашшалардан кўриб ўтираман.

Тамара холанинг кўзлари ғилтиллади.

“Нима бўлса бўлди, шу ерда қоламан! – деган қарорга келди хола. – Уйимни Дилоранинг номига ўтказаман. Жон-жон деб турибди, оғзимдан чиқмасидан кўнади...” Ниҳоят у ўз журатсизлиги, қўрқув ва инжиқликларини енгди.

Бироқ...

Афсуски, мазкур фикр айни дақиқада қанчалик қатъий ва иштибоҳсиз туюлмасин, унинг умри узоқ бўлмади.

Зеро, кечкурун шу хонадонда юз берган бир воқеа Тамара холанинг эсхонасини чиқариб юбораёзди.

Дилоранинг ўртанчаси Абдукарим ўзи билан хат ёзишиб юрган қизга севги изҳор қилгани учун Нурмат деган синфдошини уриб, оғзи-бурнини қонга ботирибди. Бу ҳам камлик қилгандай, севги изҳор қилгани учун Нурматни ўша қизнинг олдида тиз чўқдириб, уриб-сўкиб бўлса ҳамки кечирим сўрашга мажбур этибди.

Бўлди тўполон...

Нурмат деганларининг онаси шаллақироқ, қўли югурик хотинлардан экан, бечора Дилорани юмдалаб ташлади. Қўшнилари ўртага тушибгина шўрликни меҳрибон онанинг темир чангалларидан зўр-базўр ажратиб олишди.

Бу ёқалашувни ўз кўзи билан кўриб турган Тамара холанинг ҳуши бошидан учди. Зеро хола бундай талотўпларни, жанжал-тўполонларни азалдан кўтара олмасди. Бундай можароларни томоша қилишга ҳам тайёр эмас эди. Агар Дилоранинг ўрнида бўлганида, бошига шундай кўргуликларни солгани учун Абдукаримини ҳеч қачон кечирмаган бўларди. Тўғри-да она шўрлик бу бола деган жониворни тўққиз ой қорнида кўтариб юради, нақ ажалга рўпара келиб, чақалоғи билан бир амаллаб бу дунёга қайтади. Кейин бир парча этни минг қийинчилигу азоблар ила вояга еткисин-да... Оқибати эса мундоқ бўлиб турса! Бундай ҳаётнинг, бундай яшашнинг нима қизиғи бор? Фарзандни умрнинг давомчиси, дейишади. Йўқ, холанинг назарида, бу хато фикр, аслида фарзанд – ота-она ўла-йита не-не азобларда бунёд қилган меросга, мол-мулкка эгалик қилиб олувчи текинтомоқ!..

Дилора-ку, оддий, ўқимаган бир аёл, кўпчилиكنинг биттаси. Лекин дунёга донғи кетган не-не улуғ зотларнинг баъзилари ҳам умрларининг сўнггида фар-

зандларидан оқибат кўрмай ўтганлари рост-ку! Мирзо Улуғбекдай ҳам олим, ҳам подшоҳнинг умр шамчироғини ким бевақт сўндирди? Ўз пуштикамаридан бўлган фарзанди эмасми?

“Шундай экан, ғам-аламга на ҳожат, Тамара?! – дея ўзини ўзи овута бошлади хола. – Вақт-соатинг битгунча тинчгина яшаб юравер-чи. Азроил йўлда жонингни оладими, уйингга бостириб кириб келадими – нима фарқи бор? У ёғининг ташвишини чекмай кўя қол. Ҳаммаси оппалосон... Кўз очиб-юмгунча содир бўлади-кўяди... Балки каравотингда, иссиққина тўшагингда хотиржам ётиб, охириг нафасингни чиқарасан, тамом-вассалом. Ожизгина “пуф” этган овозни ўзинг ҳам эшитарсан, эҳтимол? Шу билан ҳаммасидан қутуласан-кўясан!..”

Фикрлари ўзига жўяли туюлди. Бу ерда қайинсинглисининг бошидаги ғурбатга шерик бўлиб, юраги қонга тўлиб ўтирганидан кўра ўзининг иссиққина уйида тинчгина яшагани беҳроқ эмасми? “Жигаргўшаларим қуршовида роҳат-фароғатда яшайман, деб ўйлаб чучварани хом санаган эканман. Яхшиям Дилорага уйимни хатлаб бериб қўймаганим. Акс ҳолда ҳозир ҳам тайёр бошпанадан, ҳам осойишта ҳаётимдан бирдай айрилиб қоларканман...” Тамара хола уй масаласида эҳтиёткорлик қилгани учун ўзига ўзи ичида таҳсин ўқиб қўйди, ўзидан мамнун бўлди. Ҳар доимгидай...

Эртаси куни эрталабдан кечаги тўполон, жанжал-суронларни мутлақо эсидан чиқаргандай ўғли билан апоқ-чапоқ бўлиб ўтирган Дилорани кўрган Тамара хола ҳеч нарсага тушуна олмай таажужланиб қолди.

Дилора буни сизди чоғи, ичи сарғайиб кетган пиёлада чой узатаркан:

– Ҳайрон бўлаяпсизми, янга? – дея гап қотди.

Тамара хола жавоб бермади, чуқур хўрсиниб қўйди, холос.

– Биззи кўрган кунимиз шу. Эътибор берманг, кўникиб кетасиз.

Ерга қараб олган Тамара холага бу гап ёқмади. “Мени бутунлай келди деб ўйлаяпти шекилли... ғамхўрлигинг учун раҳмат, қайинсингилжон, лекин уйинг ўзингга буюрсин!” – дегандек қошларини чимириб қўйди. Сўнг қайинсинглисига юзланди:

– Мен энди уйимга кетақолай. Шунча меҳмон бўлдим. Ҳаммаларингни кўрдим, меҳрларингга тўйдим, анча кўнглим ёзилди...

Туз ҳаққи, хола самимий гапиришга уринди, бироқ овозидаги оҳанг кайфиятидаги ўзгаришни фош қилиб қўйди.

Дилора ҳам гапни чўзиб ўтирмади.

– Қолмайсизми яна бир-икки кунга? – деб сўраган бўлди, холос. Буям тил учиди.

Тамара хола бош чайқади.

Тамара холанинг бирдан-бир умиди Дилоранинг уйидангина иборат эмасди. Яна бир борар манзили бор эди. Бу уй холанинг ўз синглисиники эди. Тўғри, синглиси ҳозир бу ёруғ оламда йўқ, умри қисқа экан, ўн саккиз йил муқаддам вафот этган, ундан биргина ёдгор бўлиб Ясмина исмли қизалоқ қолганди. Шу қиз турмуш қуриб, янглишмаса икки-учта фарзандли бўлиб, ота-онасининг чироғини ёқиб ўтирибди. Лекин Тамара хола яккаю ёлғиз жиянининг олдида бош эгиб боролмайди. Раҳматли синглиси тириклик пайтларидаёқ ораларидан ола мушук

ўтган. Асли шу Ясмина сабаб опа-сингил қаттиқ уришиб қолишганди.

Ўша вақтларда Ясмина саккиз-тўққиз ёшларда эди. Қизалоқ таътил кунларини Тамара холаникида ўтказарди. Ёлғиз қиз бўлишига қарамасдан жуда одобли, камтарин эди.

Бир куни шу Ясмина Тамара холанинг вазасини бехос қўлидан тушириб юбориб, синдириб қўйди. Тамара холанинг жон-пони чиқиб кетди, ахир ваза жуда ҳам қимматбаҳо эди. Эр-хотин нақ икки йил пул йиғиб сотиб олишганди-да; шундай бебаҳо нарса чил-чил бўлиб, ерда сочилиб ётса, ҳар қандай одамгаям алам қилади, ахир; энди уни бутлаб бўлмасла!..

Хуллас, Тамара хола аввалига қизни роса уришди, кейин бу камлик қилгандай қўлидаги пашша ўлдирадиган билан Ясминанинг елкасига туширди. Бир эмас, бир неча марта урди. Пашша ўлдирадиган оддий қуруқ шохга шапалоқдай резина ўрнатилган оддийгина матоҳ эди. Аммо қизчанинг териси юпқа эканми, калтак теккан жойлари бирпасда қорайиб-қўқариб кетибди.

Воқеадан хабар топиб, қизининг елкасини ўз кўзлари билан кўрган сингил шоша-пиша Ясминани ўз уйига олиб кетаркан, бир гап айтдики, Тамара холанинг ҳеч эсидан чиқмайдиган гап бўлди:

– Ваза шунчалик азизмиди, опа?! Ўзингиз туғиб қўймагандан кейин боланинг қадрини битта чиннидан ҳам паст қўясиз-да!..

Миясига қон тепган Тамара хола жон аччиғида бақариб юборди:

– Қизинг сен учун қанчалик азиз бўлса, вазам ҳам мен учун шунчалик азиз!

Синглиси бирдан жойида таққа тўхтади, бир неча дақиқа опасига тикилиб турди-да, ногоҳ:

– Майли, вазангиз билан... – афтидан, сингил “қўшмозор бўлинг” демоқчи эди, аммо сўнги сонияда ўзини тийиб қолди ва бошқачароқ сўзларни ишлатди: – вазангиз билан омон бўлинг.

Шу билан қизчасини етаклаган сингил чиқди-кетди.

Шундан кейин опа-сингил ўртасидаги ришталар узилди ҳисоб. Тамара хола синглисининг: “Ўзингиз туғиб қўймагандан кейин...” деган писандасини кечиролмади, натижада опа-сингил юзқўрмас бўлиб кетишди.

“Битта вазани боламдан ортиқ кўрди”, дея синглиси астойдил хафа бўлганини Тамара хола сезди, лекин жигарига ён бергиси келмади: “Мен хафа бўлиш ўрнига нега у аразлайди? Ахир, синглим фарзандига қанчалик боғланиб қолган бўлса мен ҳам ўша зорманда вазага, умуман бу уйга, уйдаги нарсаларга шунчалик боғланиб қолганимни, кўнгил қўйганимни, ўзимни шулар билан овутишимни наҳотки тушунмасла?.. Бировлар боласи ўлганида йиғлайди. Мен эса вазаларим синганида ёки гулларим қуриганида йиғлайман...” қабилдаги ўйлар эса Тамара холанинг синглиси олдида айбдор эканлигини тан олишига монелик қиларди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам ўша ваза ва уйини тўлдириб турган ўша вазага ўхшаган буюмлар Тамара хола учун қанчалар азиз ва қадрдон эди. Боласи борлар, фарзандини бағрига босганларида, Тамара хола ўша қадрли буюмларини бағрига босарди, яшнаб турган гулларига қараб кўзи қувнарди. Яхши ҳамки бу дунё фақат одамлардан иборат эмас. Одамлар билан бирга гуллар ва ҳар хил буюмлар ҳам яралган эканки, булар

бежиз эмас. Чуқурроқ ўйлаб, ўзинг кўриб турган оламга ҳушёр назар солсанг, ҳамма мавжудот бир-бири билан ча-тишиб кетган сабаблар силсиласи эканлигини илғайсан. Ахир гуллар ва вазалар бўлмаганида Тамара холага ўхшаганлар ўзларини қандай овутишарди? Аммо барибир нимадир жумбоқлигича қоляпти... тушуниш қийин... Авваллари Тамара хола ўз қисматини ўйлаб, кўнглида кўп бор норозилик туярди. Менга ўхшаган кимсалар нима учун дунёга келган, деб ўйлаб. Умрининг охиригача дунёдан куйиб-ёниб ўтиш учунми, деган ўй тинчлик бермасди. Энди ёши бир ерга етганида мундоқ ўйлаб кўрса, бу ҳам бежиз эмасга ўхшайди. Бунда ҳам бир ҳикмат мавжуд шекилли. Фақат Тамара хола буни англай олмапти ва ҳали ҳам тушунмапти...

Ўшанда синглиси ҳам уни кечира олмади. Ҳатто ўлими олдидан ҳам бир бор йўқламади. Ота-оналарининг арвоҳлари ҳаққи, Тамара хола синглисини шунча ёш ўлиб кетади, деб сира ўйламаганди. “Вақти келиб мени тушунади, ноўрин хафа бўлгани учун бир куни келиб ўзи кечирим сўрайди ҳали”, деган хомжаёллар оғушида ўша кун келишини кутиб яшаб юраверган экан. Бевақт ажал “лоп” этиб ўртадан чиқдию, боёқиш синглисини “борса келмас” томонларга олди-кетди.

Ўлим хабарини кеч олган Тамара хола синглисининг “етти”сига учиб етиб борди. Кўнгил тубида бир дунё режалар билан!.. Қанақа режалар дейсизми? Қанақа бўларди, етим қолган жиянининг бошини бир меҳрибон қўл силаши керак-ку. Ёлғиз қолган шўрлик етимчага кимдир паноҳ бўлиши керак-ку! Ясминани ўзига қиз қилиб олса борми! Барча расмиятчиликларини расм-русумлари билан. Хўш, қизни қандай қилиб ўзига оғдириб олса бўларкан?

Ўшанда азахонага кўзда ёш билан “Вой жигарим”лаб бўзлаб кириб келаётган Тамара хола қарама-қарши ўйлар гирдобидида қолганидан бир нарсага ҳайрон бўлган, аниқроғи ўзини ўзи тушуна олмаётган эди: “Бу ерга нима учун келяпман? Бевақт оламдан ўтган жигаримни йўқлаб, ёдга олиш учунми ёки худбинлик билан тузган режаларимни амалга ошириш учунми?”

Бироқ Тамара холанинг ўйлагани бўлмади. “...қаровсиз қолди”, “...етимча бўлиб қолди” деб ўйлагани Ясмина аллақачон турмушга чиққан, бир боланинг онаси бўлган, иккинчисини қорнида кўтариб юрган жувонга айланган экан. Тез-тез Ясминанинг олдида кириб, ундан ҳол-аҳвол сўраб турган истараси иссиқ йигитни кўрган Тамара хола ҳаммасини тушунди. “Вақтнинг шувиллаб ўтишини!” дея пичирлади беихтиёр. Айни чоғда ўзининг бу ерда ортиқча эканлигини ҳис этди. Шундай бўлса-да, синглисининг руҳи поки ҳурмати уч-тўрт кун қолиб, исчиноқларини ўтказиб туришларига бош-қош бўлишни кўнглига тугди. Ахир синглиси билан рози-ризалик сўраша олмади, сўнги дақиқаларда тепасида туриб, жигарининг озига бир томчи сув томизишга ҳам ярамади; шўрлик синглиси ҳеч кими йўқдай ўлди-кетди; жиллақурса маъракалари ўтгунча одамларнинг кўзига кўриниб тургани дуруст. Лекин...

Тамара хола бир сўз демасдан, ҳаттоки кўз ёши ҳам тўкмасдан, бутун вужуди кўзга айлангандай ўзига тикилиб турган Ясминанинг нигоҳидаги нафрат пичоқларига дуч келганида югуриб кетаётган чоғида бирдан тош деворга урилиб, ерпарчин бўлгандай ҳис этди ўзини. Ҳа, Ясминанинг нигоҳида бир олам гина, таъна, қайғу ва алам бор эди!

Орадан шунча йил ўтган бўлса-да, Тамара хола синглиси ҳам, яккаю ёлғиз жияни ҳам ўша ваза воқеасини унутмаганликларини ҳис этди...

Хайрлашув чоғида Ясмينا бир оғиз гап айтди:

– Ўшанда ойим ўзининг тузалмас дардга чалинганини биларди. Шунинг учун ҳам мени сизга қиз қилиб бериш учун олиб борганди...

– Эҳ! Ўз уйим, ўлан тўшагим!

Тамара хола қўш кулфли темир эшикни очиб, ичкарига кираркан, беихтиёр шу сўзларни овоз чиқариб айтиб юборди.

Хола ўз уйини соғинган эди. Намхуш ва озгина рутубат аралашган дим ҳаводан тўйиб нафас олди. Ҳар бир қаричи, ҳар бир чизигига қадар қадрдон бўлиб қолган деворларни силади. Ясмينا синдириб қўйган ваза ўрнига олинган биллур вазани меҳр билан кўксига босди. Дераза олдини қоплаб, куёш нурларини ўтказмай қўйган гулларининг япроқларига юзини текизиб пичирлади:

– Менсиз зерикиб қолмадингларми?.. Мен эсам сизларни шундай кўмсадимки!.. Сизлар бўлмаганингизда мен нима қилардим? Мен ўйладим, жуда кўп ўйладим, охири бир қарорга келдим: менга жигарларимдан кўра сизлар яқинроқ экансизлар!

Тамара хола кўз ёшлари юваётган юзини гул япроқларига босиб, анчадан буён йиғлай олмай юрган одамдек ўксиб-ўксиб, узоқ йиғлади.

Шу кундан бошлаб Тамара хола яна ёлғиз яшай бошлади. У фақат зарурат юзасидангина кўчага чиқар, бошқа пайтлари тириклайин кўмилгандек уйига қамалиб оларди. Эрталаблари ҳам уйқудан уйғонган заҳоти ўрнидан турмасди, то қорни очиб, ошқозони безовта қилмагунча тўшагида ётиб телевизор кўради, кейин юз-қўлини чайиб, нонушта қилади-да, уйни йиғиштиришга тушади. Ҳаракат қилгани яхши-да. Тушликка эса ўзи учун албатта бирор-та хушхўр, мазали таом тайёрлайди. Тамара хола азалдан кучли овқатни тушликда тановул қилади. Кечликка эса енгилроқ ҳазми таом билан қаноатланиб кўя қолади. “Ўзимни ўзим парвариш қилишим керак, шунда кўп яшайман бу дунёда!” деган бир ўй миясига ўрнашиб қолганди.

Нафсиламбрини айтганда, Тамара хола иложи бори-ча беғам, беташвиш, хотиржам ҳаёт кечириб уринарди. Нафақасидан эса барча харажатларини қоплаганидан ташқари ёнига уч-тўрт сўм қоларди ҳам. Узоқ умр кўриш учун нима керак? Тинч, сокин, беташвиш ҳаёт – узоқ умр гарови! Ҳали кўрамиз, ўша болажон Дилора ҳам, қаҳри қаттиқ Ясмينا ҳам бола-чақа ташвиши билан адои таом бўлишади. Элликка кирмасдан ўтин бўлиб қариб-чиришади ё бўлмаса бирор оғир дардга чалиниб, бевақт бу дунёдан ўтиб кетишади. Ахир Дилоранинг аҳволини, қандай яшаётганини ўз кўзи билан кўрди-ку. Бундай ҳаёт эса ҳар қандай одамнинг асабини емиради, юрагини ишдан чиқаради, оқибатда... Бошлари деворга текканидан кейин ҳақиқий ҳаёт фақат бола-чақа орттиришу уларнинг ташвиши билан яшашдангина иборат эмаслигини тушунишади. Эҳтимол шунда кўзлари “яроқ” этиб очилиб, Тамара холага ҳавас қилиб қолишар!

Тамара хола ўзининг ҳеч кимни-ку ўхшамайдиган турмуш тарзига шу қадар ўрганиб қолгандики, тафтиш қилгани сайин унинг ҳузурбахш қирраларини топаётгандек ҳузур қиларди. Ўзининг ҳаммадан кўп ва узоқ яшашига эса

юз фоиз ишонарди. “Сиз қандай яшаш лозимлигини билмадингиз, чол, – дея хаёлан мурожаат қиларди ҳар кеч Улфат аканинг деворда осиглиқ суратига қараб. – Ўз умрингизга ўзингиз зомин бўлдингиз. Ҳамма нарсани юракка яқин олмаслигингиз керак эди. Мана кўрасиз, мен яна камида эллик-олтмиш йил яшайман. Янги асрнинг ўрталарига бориб ҳам бу дунёда юрган бўламан! Бу вақтда Дилорага ўхшаганлар кўкариб чиққан бўлишади! Ҳа-ҳа-ҳа...”

Тамара хола кулгуси келмаса ҳам кулишга, кайфиятини кўтаришга уринарди. Фақат яхши нарсалар ҳақида ўйлаб, асабларини асрарди. Бир куни телевизорда “Олтмиш ёшдан ошганлар учун...” деган янги кўрсатувни кўриб қолди-да, шу томошанинг ашаддий мухлисига, жиннисига айланди. Бир қарашдаёқ кайвонисифат бўлиб қолгани сезилиб турса-да, ўттиз ёшлилар билан беллашаман дегандек сочлари калта кесилган, қош-кўзлари бўялган, ёқаси очик кофта кийган бошловчи хонимнинг оғзидан чиққан ҳар бир сўзни кулоғига қуйиб олар, ҳатто унинг “мимика”ларини ҳам эслаб қолишга уринар, берилган топшириқ ва маслаҳатларни эса кун давомида эринмасдан, биттасини ҳам қолдирмасдан кунт билан бажарарди. Кўрсатувнинг олтмиш ёшдан ошганларга эмас, аслида ёлғиз яшаётганларга мўлжалланганини бошловчининг топшириқ ва талабларидан илғаб олиш қийин эмасди. Балки бошловчи хоним ва унинг атрофидагилар инсоф, шафқат юзасидан кўрсатувни атай бошқача номлаганлар чоғи.

Шу кўрсатув боис Тамара хола қорни очгунча ўрнидан ётиб телевизор кўрмайдиган бўлди, уйқудан вақтли уйғониб, тонг ҳавосидан нафас олиш учун ё кўчага, ё жимитдай балконга чиқар, сўнг хонасига қайтиб кирасола йигирма томчи лимон шарбати томизилган қайнаган сувдан ичарди. Ярим соатдан кейин эса битта олма ёки нок – нок фойдалироқ экан – тановул қилар, орадан роппароса олтмиш дақиқани ўтказибгина нонуштага ўтирарди. Дарвоқе, кўрсатувда иштирок этаётган олим у фузалоларнинг сўзларига қараганда, эрталаб вақтлроқ уйғонган маъқул экан. Тўшақда қанча кўп ва узоқ ётилса, одам организмдаги ҳаётга, яшашга бўлган иштиёқ сўниб боравараркан. Фаолиятсизлик ҳатто эрлик сувини ҳам айнитар экан. Ҳаракат, ҳаракат ва яна ҳаракат!

Авваллари уйга қамалиб олиб, ташқарига камдан-кам чиқадиган Тамара хола бора-бора деярли ҳар куни саҳарда уйқудан уйғонган заҳоти кўчага бир чиқиб келадиган бўлди. Хола ёришиб келаётган тонгни одатда мактаб ҳовлисида қарши олади. Тоза, беғубор ҳаводан кўксини тўлдириб, чуқур-чуқур нафас олади. Ҳаво ўпкага мўл-кўл ва яхшироқ этиб бориши учун чуқурроқ нафас олиш керак экан-да...

Хуллас, вақтни зерикисиз ва сиқилишларсиз ўтказиш учун Тамара холага яхшигина эрмак топилганди. Бироқ...

Кўёш уфқ ортига ўтиши билан дераза ортида пусиб турган жодугардай ичкарига отилиб кириб оладиган, атроф қоронғулашгани сайин юрагини баттарроқ сиқиб, торс ёриб юборадигандай эзадиган, залворли қайғу-ҳасратга қоришиқ сукунатдан қочиб қутулишнинг ёки уни алаҳситишнинг сира-сира иложи йўқ эди.

Бундай кезларда ҳаттоки “ойнаи жаҳон” ҳам ёрдам беролмасди. Яшнаб турган гуллару антиқа ваза ҳам жонга оро кира олмасди. Тамара хола ким бўлишидан қатъий назар биронта тирик жон билан ярим соатгина гурунглашишни, дардлашишни истаб қолади. Шундай кезларда

агар эшик қоққан кимса кўли қонга беланган қотил бўлсаям хола ҳеч иккиланмасдан унга пешвоз чиққан бўларди.

Кечки соат саккиздан кейин “дом”да “тиқ” этган товуш эшитилмай қолади кўпинча. Фақат ҳалиги, ишдан ўқишдан бемаҳалда қайтувчиларгина одатдагидай зина пиллапояларидан оёқ учида, товуш чиқармасликка ҳаракат қилиб ўтиб кетаётганликлари онда-сонда эшитилиб қоларди. Биринчи қаватда яшамайдим, хола барисини билиб ўтиради...

Ҳа, бу кишилар ҳақиқатан ҳам жуда баодоб кишилар. Аммо кейинги пайтлари бу нарса Тамара холанинг гашини келтирадиган бўлиб қолди.

– Бунчалик боодоб бўлишмаса?! – деб кўярди хола ўзига ўзи овоз чиқариб гапирганча. – Бунчаликка бориш шартмиди... Эшитиб ўтирай десанг, биттаям товуш йўқ...

Шундай дақиқаларда Тамара хола аллақандай ўкинч ва армон билан хўрсиниб кўярди...

Бора-бора Тамара хола кечалари ўзини атрофи бетон тўсиқлар билан ўралган қабрда яшаётгандек ҳис этадиган бўлиб қолди. Кундуз кунларинки-ку, анча енгил ўтказарди. Аммо... Зим-зиё қоронғулик ва сукунат. Сукунат ва зим-зиё қоронғулик. Қабрдан нима фарқи бор? Фақат тун ярмидан оққандан кейингина бу ернинг ўликлар маскани эмаслигини исботламоқчи бўлгандай каламушлар чийиллаб овоз чиқариб кўйишади. Улар аллақадан тирқиш топишган шекилли, кейинги вақтлари ярим тундан кейин Тамара холаникига меҳмонга келадиган бўлиб қолишди. Тўкилган ош-овқат, қотган нон, нон увоқларини еб битиргач, дарҳол кўздан ғойиб бўлишади.

Бир гал... битта каламуш Тамара холанинг каравотига чиқиб, оёқ панжаларини ҳидлаб кўрди, лекин тишларини ботира олмади, чунки бека жойида сал қимирлаб кўйди. Шу-шу, инсофли жониворлар ярим кечадан кейин уйни ўзлариники қилиб олишса-да, Тамара холанинг ўзини безовта қилишмасди.

Ажаб... аста-секинлик билан бека каламушларга ўргана бошлади. Ҳатто “меҳмонлар” келишларидан сал аввалроқ тунчиноқни ҳам ёқиб кўядиган бўлди. Бунинг иккита сабаби бордай эди. Биринчидан, каламушлар хонага кириб келганларидан кейин чироқ ёқилса бу беозор жониворлар нимагадир тумтарақай қочиб қолишади; иккинчидан, ҳар қандай ўткир кўзли одам ҳам қоронғиликда тимирскиланиб юрган митти жониворларни санай олмайди. Чироқ ёрдамида хола чақирилмаган меҳмонларни эринмай санаб чиқарди. Ҳолбуки, улар бор-йўғи тўрттагина эди. “Булар бир оила бўлса керак, – деб ўйларди ёстиғига иягини тираб ётган хола жониворларни кузатаркан. – Анави катта, қораси ота; манави кичикроғи, озгинроғи она каламуш бўлса керак. Урғочиси кул ранг бўлармикан буларнинг?.. Анави жажжилари болалари бўлса керак. Вой уларнинг ширинтойлигини...” Бирининг ранги қоп-қора, демак ўғил бола; иккинчисининг юнги кул ранг, буниси онасига тортган, демак қиз бола... Ҳамма жонзотнинг ҳам боласи ёқимтой туюларкан-да...”

Тамара хола уйни ўзлариники қилиб олган каламушларни кузатиб ётган кўйи ухлаб қолганини сезмасди. Эрталаб уйғонганида эса уй яна кимсасиз ва жим-жит бўлса-да, қуёш нурларига ғарқ бўлади.

Тамара хола энди атайлабдан нон увоқларини полга тўкиб кўядиган бўлди. “Бечоралар егулик қидириб овора бўлиб юришмасин...”

Бир оқшом каламушларни кута-кута энди кўзи илинган Тамара хола чўчиб уйғониб кетди. Беканинг назарида, кимдир хона бурчагидан унга қаттиқ тикилиб тургандай эди. Хола шу томонга қаради. Дарҳақиқат, икки қадам нарида кулранг каламуш турарди. Она каламуш митти кўзларини йилтиратганча уй бекасига тик қараб турарди. Ундан нарироқда бола каламушлар тимирскиланиб юришарди. Негадир катта қора каламуш кўринмасди.

– Ҳа, жонивор, болаларининг қорнини тўйдириш учун келдингми? – деди Тамара хола овоз чиқариб. – Эринг кўринмайди. Қаёққа кетди? Бу ердан дурустроқ, ёғлироқ жой қидириб кетмадим, ишқилиб? Агар шундай бўлса, хафа бўламан. Эринга айт, ҳар доимгидай шу ерга келаверсин. Бу ерда сенларни ҳеч ким ҳайдаб солмайди. Ҳеч ким қопқон кўйиб пойламайди. Емишнинг таги мўл, хавотир олма. Гапларимни тушундингми? Энди борақол.

Кулранг каламуш қоп-қора кўзларини йилтиратганча яна бир фурсат Тамара холага тикилиб турди-да, сўнг болалари ёнига югуриб кетди.

Беканинг юзига табассум югурди. Каламушнинг ортидан қараб қоларкан, мамнун тарзда:

– Гапларимни тушундинг-а, жонивор, – деб кўйди.

Эртаси оқшом Тамара хола нон увоқларию қолган қутган егуликлардан мўлроқ сочиб кўйди.

Тунда кулранг каламуш яна болаларини эргаштириб келди. Қора каламуш бу сафар ҳам кўринмади.

– Эринг яна келмадимми? – сўради хола хонада ғивирлаб юрган жонивордан. – Касал-пасал бўлиб қолмадим, ишқилиб? Ё... ўлиб қолдим, нима бало?! Йўғ-э, омондир. Ҳирсдай бакувват эди... Ҳа-а, энди билдим, уришиб қолган бўлсаларинг керак. Шунақами?

Кулранг каламуш Тамара холанинг овози эшитилган захоти ғивирлашни бас қилиб, тек қотганча туриш-турмуши бўзлаётган бойкушни эслатувчи бедор кампирга тикилиб қолганди.

– Сизлар ҳам уришиб турасизларми? – савол берисини кўймасди хола. – Мушукларнинг, итларнинг олишувларини кўп кўрганман. Лекин каламушларга эътибор бермаган эканман. Сизларники даҳанаки бўлса керак-да. Биров билиб, биров билмай қоладиган...

Кулранг қаламуш югургилаб келди-да, каравотга бир қадам қолганда таққа тўхтади.

– Сенинг дардинг ҳам кўпга ўхшайди, – оғир сўлиш олди Тамара хола. – Эрдан куйганмисан ё болаларингдан рўшнолик кўрмадингми? Лекин болаларинг ҳали кичкина экан, ҳозир уларнинг зиёни тегмайди, энг ширин бўлган пайтлари ҳозир. Менимча, эрдан куйгансан-ов. У бетавфиқ дангасароққа ўхшаганди. Бир кўриндию, қочиб қолди-да ярамас!.. Ҳа, майли, кўп куйинма, жонивор, бахтинга болаларинг бор экан. Сен мендан кўра бахтлироқ экансан! Сенга ҳавасим келади, жонивор...

Тамара холанинг мижжалари намланди...

Кунлар шу зайлда ўтиб борарди. Каламушлар аввалига ҳадиксираб, кўрқа-писа ҳаракат қилишган бўлса, кейинроқ ўзларини жуда бемалол тутадиган, боболаридан мерос омборхонада юргандай уй ичида бемалол изғиб юрадиган бўлишди. Тамара хола сахийлик билан уларни меҳмон қилишда давом этаверди.

Айтганча, Тамара хола қора каламуш билан тил топишиб олди. Уч-тўрт кун кўринмай қолган қора каламуш яна оиласига бош бўлиб, тунлари қадам ранжида

қиладиган бўлди. Буни кўрган холанинг кўнгли анча хотиржам тортди.

– Бирдан йўқолиб қолганингдан хавотир олаётгандим. Ҳар қалай омон экансан, шунисига хурсандман. Нега кўринмай қолдинг ўзи? Қопқонга тушиб қолмадингми, ишқилиб? – дея савол кетидан савол ёғдирарди бека. – Туришинга қараганда қопқонга тушганга ўхшамайсан. Менимча, сен бу ердан тузукроқ жой қидиргансан, шундайми? Тополмаганингдан кейин яна пусибгина кириб келдинг. Шунақа бўлади ўзи. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқда. Аслида сени кечирмаслигим керак эди. Лекин майли, гуноҳингдан ўтдим, болаларинг бор экан, ризқингни териб юравер. Лекин шуни билиб қўйки, марҳамат ва саховат бор жойда жазо ҳам бўлади. Ҳамма нарса ўз жойини топмагунча тинмайди. Мана, мен ҳар қалай ёмон яшамадим. Дилорага қараганда, роҳат-фароғатда яшадим. Аммо...

Тамара хола кулранг каламуш билан қандай суҳбат курган бўлса, қора каламуш билан ҳам шу тахлит сўзлашарди. Бироқ “оила соҳиби” анчайин сур ва очкўз шекилли, фақат қорнини тўйдириш, емишнинг каттароқ бўлагини ташмалаб кетиш билан андармон бўлганидан ён-верига қараб қўйишни ҳам унутарди, беканинг сўзларига эса мутлақо парво қилмасди.

Тамара хола эса гапиришда давом этаверади:

– Аммо охирида қанчалар қийналаётганим фақат ўзимга аён. Сутканинг деярли йигирма тўрт соатида фақат ўзинг билан бўлиш... Телефон жиринглаб қолишдан умидвор бўлиш... Эшикка тикилиш... Одамлар бу уйда одам эмас, тирик ҳайкал яшайди, деб ўйлашса керак. Майли, бўлганича бўлди. Энди афсус-надоматга ҳожат йўқ. Мен раҳматли эрим каби охирда кўз ёш тўкмайман. Барибир дунёнинг охири йўқлик. Ҳаётдан розимисан ёки норози, барибир азал-оқибат кўнгли қўйганинг бу дунёдан бир кунмас бир кун йўқлик сари йўл оласан. Ҳамма жонли жонсиз фурсат етган дамда тупроққа қоришади. Мен ўлганимдан кейин анави гулларим ҳам қуриydi. Вазалар ҳам бир сабаб билан чил-чил бўлади. Оқибат бу хонада ҳеч нарса қолмайди. Ҳаммаси кунпаякун бўлади. Ҳатто сизлар ҳам қолмайсизлар. Бир балога гирифтор бўласизлар. Лекин ундан аввалроқ менинг мурдамни хомталаш қиласанлар. Мана, кўрдингми, мен ҳаммасини биламан, Ҳеч нарсани унутганим ва назардан қочирганим йўқ. Ҳа, рост, мен янглиш яшамадим...

Кўп ўтмасдан кулранг каламуш тўсатдан кўринмай қолди. Кейинги кунлари унинг қорни қаппайганидан, юриши оғирлашиб, лапанглаб қолганидан Тамара хола аллақандай тусмолларга борганча, кун санаб юрганди. Шу амалга ошган чоғи...

Иттифоқо ажойиб оқшомларнинг бирида уй шу қадар гавжум бўлиб кетдики, Тамара хола аввалига ҳайратланди, кейин қувонганидан ёш боладай чапак чалиб юборди: бир дунё қора-қура каламушчалар оёқлари остида уёқдан-буёққа югургилаб юришарди. Юнги тўзғиб, жимитдай қоп-қора кўзлари киртайиб қолган кулранг каламуш рўпарасида пайдо бўлганида эса эски танишини кўргандай Тамара холанинг юраги ҳаприқиб кетди.

– Ҳа, жонивор, эсон-омон қутулиб олдингми? – дарров каламушдан ҳол-аҳвол сўрашга ўтди хола. – Қийналмадингми? Ҳар қалай, биринчи марта туғишинг эмас-ку. Бип-бинойдай эплагандирсан. Ранг-рўйинг ҳам дурустгина, фақатгина сал озиб қопсан-да. Лекин...

болаларинг бунча кўп? Уларни қандай қилиб боқасан? Ахир шунча болани катта қилишнинг ўзи бўладими? Мени ваҳима босиб кетаяпти-ю, сенинг беғам юришингни қара!..

Ҳақиқатан ҳам кулранг каламуш аввалгига қараганда анчайин толғин, ҳаракатлари суст кўринса-да, қарашлари хотиржам ва сокин эди.

– Ўзинг кичкина бўлсанг ҳам юрагинг катта экан, – дея гапини давом эттирди Тамара хола. – Менга ёқиб қолдинг, шунинг учун сенга ёрдам бермоқчиман. Тонг отса бозорга чиқиб, сенлар учун атай дон-дун сотиб оламан. Овқат қолдиқлари, нон увоқлари энди сенларга урвоқ ҳам бўлмайдиганга ўхшайди...

Чиндан ҳам Тамара хола шу куни атай бозорга бориб, олиб келган дон-дуннинг бир қисмини уйининг уер-буерларига сочиб қўйди. Хола бу ишни аллақандай завқ ва иштиёқ билан бажарди. Оқшом маҳал эса каламуш ва каламушчаларнинг талашиб-тортишиб, бир-бирларига гал бермасдан чийиллашганча донга ёпирилишларини кўрганида азбаройи ҳаяжонлаганидан ўрнидан туриб, ўтириб оларди.

– Ҳой! Ҳой! Очофат ўлгур! – дея бақириб қоларди бека қора каламушга. – Ҳаммасини ўзинг кемиравермасдан болаларингга ҳам илинсанг-чи! Тошбағир экансан лекин...

Чиндан ҳам қора каламуш урғочисига қараганда очкўзроқ ва айни пайтда жиззакироқ эди. Фақат ўзини ўйларди чамаси. Дон кўпроқ тўкилган жойни эгаллаб оларди-да, ҳеч кимни ёнига йўлатмасди. Кулранг каламуш бўлса болалари ва эркагидан қолган қолдиқларга қаноатланиб қўя қоларди. Қора каламушга нисбатан ўзини анча босиқ, вазмин тутарди урғочиси. Ҳамма ёқни тозалаб бўлганларидан кейин қора каламуш ва болалари кўз очиб-юмгунча аллақайларга ғойиб бўлиб қолишса-да, кулранг каламуш кетишга шошилмасди. Худди уй бекаси билан хайрлашаётгандай холанинг рўпарасига келиб бир-икки дақиқа тек қотиб тургандан кейингина “лип” этиб кўздан йўқоларди.

Кутилмаганда каламушлар тўсатдан шу қадар кўпайиб кетишдики, Тамара хола ҳайратдан ёқа ушлади. Йўқ, булар қора ва кулранг каламушлар оиласидан эмасди. Мутлақо бегона эдилар. Бегоналиklarини шундан ҳам билса бўлардики, улар кулранг каламушнинг оиласига шафқатсизларча муносабатда эдилар. Чақирилмаган янги босқинчи меҳмонлар очофат эканликларидан ташқари, ниҳоятда ирқит ҳам эдилар. Тамара хола ўзича уларни “Безбет дайдилар” деб атади.

Аллақандай нохуш хаёлларга бориб, ваҳимага тушиб қолган бўлса-да, Тамара хола дон сотиб олишни қанда қилмади. Энди хола аввалгидан кўпроқ дон харид қиларди. Аслида, кулранг каламушнинг оиласини ўйлаб шундай қиларди. Дон оз бўлса анави йиртқичлардан ортмайди-да. Безбет дайдилардан қутулишнинг йўли бордай эди. Дейлик, дориланган дон сепаиб қўйилса, тамом! Аммо унда кулранг каламушнинг ҳоли не кечади? “Бу дориланган, сен емай тур!” деб айта олмайди-ку! Эҳ!..

Шундай кунларнинг бирида хола шамоллаб, қаттиқ бетоб бўлиб қолди. Қаҳратон қиш, ҳаво совуқ бўлишига қарамасдан дон учун бозорга борганди. Бекатда автобус кутиб туриб қолганида ўзини шамоллатиб қўйди-ёв. Ҳечқиси йўқ, икки-уч кун дориларини ичиб, иссиққина уйда қимирламай ётса соғайиб кетади.

Тамара хола қайнаган сув тўлдирилган термосни, керамки дори-дармонларни каровати ёнидаги тумбочка устига келтириб қўйди. Тоза ҳаво кириши учун деразани қия очиб қолдирди. Хола аллақачон бетоб вақтларида ўзини ортиқча уринтирмасликнинг ҳадисини олволганди. Озгина тоза ҳаво, дорилари ва қайнаган сув ёнида турса аҳволи оғирлашиб қолган тақдирда ҳам унчалик қийналмайди. Э-э, каламушлар-чи? Тамара хола ўрнидан тура олмай қолса уларнинг ҳоли не кечади? Шўрликлар қаровсиз қолишадикю. “Нега бунча ваҳима қиялпман ўзи? Менга нима бўлди? – хаёлидан ўтказди Тамара хола бостириб келаётган қора ўйларни қувлашга, яқинига йўлатмасликка уринаркан. – Касал бўлмай юрган одамманми? Худо хоҳласа уч-тўрт кунда ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетаман. Анови диктор хотиннинг гапига кириб, уч кун қаттиқ парҳез қилганим ҳам таъсир қилди-ёв. “Ўзингизни беҳол сезсангиз хавотирланманг, бу парҳез таъсир қила бошлаганининг аломати”, деганди. Шамоллаш билан парҳез дармонсизлиги бир келиб қолгани учун сал шошиб қолдим-да. Ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади!”

Орадан уч кун ўтди.

Тамара хола негадир ҳали ҳам ўзини нохуш сезарди.

Ҳафта охирига бориб эса хола бутунлай оғирлашиб, ҳаттоки ўрнидан туролмайдиган бўлиб қолди. Иситма зўридан хола дамба-дам ҳушини йўқотарди.

Бир оқшом, ким билсин, эҳтимол куппа-кундузи эрини, тўғриси, аниғини билмайди, буниям фарқига бора олмади, аллақандай шарпа ёнгинасида тургандай туюлди. Қараса... оппоқ матога ўралган Улфат акаси!

– Юр, мен билан кета қол энди!..

Тамара хола бу чорловни аниқ эшитди. Эшитдию, шу заҳоти даҳшат ичида чинқириб юборди:

– Йўқ! Йўқ! Кетинг! Ёнимга яқинлашманг! Мен ҳали яшашим керак! Кўп, жуда кўп яшашим керак! Яшашим керак!..

Тамара хола талваса ичида жон-жаҳди билан эрини нари ҳайдарди. Аммо раҳматли қилт этмади, хотинига ачингандек қараб тураверди...

– Бу туш... эрим тушимга кирди... – алаҳсираш ара-лаш ўзини ўзи ишонтиришга урина бошлади аллақачон овоз чиқариб гапиришга ўрганиб қолган хола.

Бир ҳафтанинг нари-берисида бирдан эт ташлаб, қоқсуяк бўлиб қолган Тамара хола иситма ва оғриқ зўридан бутун вужуди қуриб-қовжираб, кундан-кун сўлиб бораётган бўлса-да, тезда тузалиб кетишига буткул ишонарди.

– Соғайганимдан кейин каламушларимга дон олиб келаман. Шўрликлар менсиз қийналиб қолишгандир...

Мадори бўлмаса-да, бошини кўтаришга урина-урина ахийри ҳолдан тойганча ўзини ёстиққа ташлаган хола шу заҳоти ҳушидан кетарди.

Дарвоқе, Тамара холанинг нафақат “ўз” каламушлари, балки кейинчалик бостириб келган безбет дайдилар

тўдаси ҳам чиндан қийналиб қолишганди. Уйдаги жамики чайнаса бўладиган нарсаларни еб битирган “безбет дайдилар” галаси энди у бурчақдан-бу бурчақка зир югурганча егулик қидиришар, ҳеч илож қолмаганда эса кучлилари кучсизларини ўртага олиб хомталаш қилишарди.

Бора-бора “безбет дайдилар” галаси жуда ҳаддиларидан ошиб кетишди. Улар кулранг каламушнинг очликдан сулайиб қолган бир неча боласини еб битиришганларидан кейин... уй бекасига ҳужум қилишди... Иркит дайдилар орасида қора каламуш ва унинг омон қолган болалари ҳам бор эди. Фақат негадир бу издиҳомда кулранг каламуш кўринмасди...

Оёқлари тиззаларига довур совуб улгурган, юз-кўзларида ҳаёт нишонлари сўнаётган Тамара хола ўзининг вужудини суюкли каламушлари хомталаш қилишни бошлашаётганини аввалига сезмади ҳам. У фақат танасининг ҳали ҳаёт асари буткул тарк этмаган ўринларига ваҳший жониворларнинг ўткир тишлари ботгандагина жон аччиғида инграб юборар, қичқиришга эса мадори етмасди... Қичқириш у ёқда турсин, қимирлашга ҳоли йўқ эди. Фақат тобора сўниб бораётган шуурининг аллақаси аҳён-аҳёнда, бир неча оний лаҳзага “ярқ” этиб кетгандагина Тамара хола: “Наҳотки мен ўлаётган бўлсам... Наҳот каламушларга емиш бўлиш учун шунча йил яшаган бўлсам?” деган ўйга борди ва вужудининг ярмида қолган оқава кучларининг борини тўплаб, аста бошини кўтарди. “Мана, ниҳоят мен ўз ёлғизлигимни кўрдим... – дея шивирлади у ўзини хомталаш қилаётган каламушларга қараб. – Бутун ҳаётим давомида мени қуршаган ёлғизлик ниҳоят ўзини кўрсатди...” Аёл юмилишга қараб кетаётган кўзларини каттароқ очишга уринди, аммо аллақандай қудратли, маҳобатли ва шафқатсиз куч измига қарши бора олмасдан, ожизона ингради:

– Умр шомида тақдир менга қалтис ҳазил қилди. Мен ёлғизликка ем бўлдим...

Зулмат босган тунларнинг бирида холанинг жони узилди.

Шу кеча уйга ўғри кирди. У анчадан буён ёлғиз яшаётган кампирнинг ортидан кузатиб юрарди.

Ўғри тунда қия очиб турган деразадан уйга кирди ва қўлга илингулик нарсаларнинг барини, қошиқдан тортиб, хола ётган каравотга машинага ортиб кетди. Қўшнилар ҳатто пайқамай қолишди.

Аммо ўғри кетиш олдидан бир иш қилди. Урчиб кетган каламушлар кароватсиз қолган мурдани хомталаш қилаётганларини кўриб, хонага маргимуш ташлаб кетди.

Кўп ўтмай каламушлар бирин-кетин қирила бошладилар. Кейин гуллар қуриди.

Тамара хола айтганидай, ҳеч нарса қолмади. Ҳаммаси йитди, йўқлик сари кетди. Фақат очиб деразадан сизиб кириб, аллақандай тумтайган, мунғайган илоҳанинг руҳидай хонада кезиб юрган шамол қолди холос...





Хурсандбек ТЎЛИБОЕВ



Ўзим билан юзма-юз

Мен ўткинчи, мен фақат меҳмон.

Рауф Парфи

* * *

«Мен ўткинчи, мен фақат меҳмон»,
Қулбам аро бир сўқмоқ йўлим.
Мени ғамлар букканида ҳам,
Сендан нажот сўрайдир кўнглим...

Қулбам аро зулмат ва виво,
Топганлари совуқ изтироб.
Сен билмайсан асло, севгилим,
Юрагимда ишқ яшар бетоб...

Яшаш нима, ишқ бор маконда,
Қайтмас баҳор ёлгон ваьдалар.
Сочларингни силаб хаёлда,
Туйғуларим шеър бўлиб сўнар...

«Мен ўткинчи, мен фақат меҳмон»,
Тасаввурга сиғмас изтироб.
Менинг кўнглим истаги осмон,
Ўтаяпман орзуни куйлаб...

ЁЛҒИЗЛИК

Юрагим чўкадир зулматга,
Осмон ҳам бир бошдан йўқолар.
На булут кўринар, на кўёш,
Ой ҳам йўқ, юлдузлар сўнишиган.

Садолар янгарди тинмайин,
Нидолар эштардим тинмайин.



Шамоллар жарликка қулаган,
Коинот зулматга ўралган...

Кўнглимни тополмай кезаман,
Тупроққа чўкадир товоним.
Ҳеч ким йўқ қоронгу зулматда,
Қичқирсам чиқмайди ОВОЗИМ...

Ғамлар ҳам, аламу ташивишлар,
Қоришиб зулматни сўроқлар.
Кўринмас бир ёғду кўзимга,
ЁЛҒИЗЛИК кўксимни пичоқлар.

На садо беради бу осмон,
На тоғлар кўринар кўзимга.
Осмонда юрдимми, билмайман,
Товоним бўйсунмас ўзимга.

Кимсасиз қоронгу зулматда,
Қичқирсам чиқмайди овозим...

БИРИНЧИ МУҲАББАТ

Сен эрта уйғониб кўча супурасан.
Ҳоргин хаёлларинг кўйвормас мени..
Кейин ўз юмушинг билан кетасан кун бўйи..
Тунда уйқу олдидан эслайсан яна –
Тушларингда кўрмоқ учун мени.
Лекин тушингда ҳам кўролмайсан,
Ўнгингда ҳам...
Фақат хаёлингда яшайман сенинг...
Фақат хаёлингдаман, азизим.
Биз шундан бошқасига ярамадик ахир...





Отабек САФАРОВ,
ЎЗМУ магистранти

НОМУССИЗЛИК ҚИСМАТИ

Маълумки, бадийлик воқеаларнинг тафсилоти-ни қуруқ баён этиш, уларни изоҳлаш эмас, аксинча, қаҳрамонлар руҳиятида кечаётган баъзан шиддатли долғаларни, гоҳида сокин кечинмаларни санъаткорона кўрсата билиш, уларни психологик жиҳатдан асослай олишдадир. Олим Иззат Султон таъбири биоан айтганда, “Инсон психологиясини тасвирловчи санъаткор ўзини ҳар қандай инсоний руҳий ҳолатда тасаввур эта билиши керак”.

Ш.Холмирзаевнинг “Бодом қишда гуллади” асарини қаҳрамони – бемор ёзувчи бу ҳақда шундай дейди: “Ёзувчилик касби баъзан шафқатсизликни талаб этади. Дейлик, айбдорни сўроқ қилишяпти. Унинг қариндошлари йиғлаяпти, томошабинлар ҳайратда. терговчи эса пинак бузмайди. Ёзувчи ҳам баъзан шундай ҳолга тушади. Бироқ, сизни ишонтириб айтаман, унинг терговчидан фарқи бор – у қийналиб, ўртаниб кузатади, “сўроқ қилади”. Аммо табиий, буни сиртига чиқармайди”.

Бу иқрорларни, биринчи навбатда, ёзувчи Ш.Холмирзаевнинг ўзига нисбатан татбиқ этиш мумкин.

“Яшил “Нива” асарида ҳам ёзувчи қийналиб, ўртаниб кузатаётганини сиртига чиқармай қаҳрамонларининг қиёфасига аниқлик киритади. Ушбу асарида муаллиф ҳикоя қаҳрамонининг қон-қонига сингиб кетган манфаатпарастлик, ожизлик, хушомадгўйлик, иккиюзламачилик, бир сўз билан айтганда, шахссизликнинг қай вазиятда қандай бўлишини ишонарли тарзда ифода этади. Муаллиф қаҳрамонларнинг нутқи, хатти-ҳаракати, бир-бирига муносабати орқали уларнинг ички оламига диққатни қаратади. Ҳикояда қаҳрамонларнинг на ижтимоий фаолиятидаги муваффақиятлари, на бошқа шаклдаги ютуқлари тасвирланади, айна чоғда, жамиятга қарши қилган бирон-бир жиноятида тилга олинмайди, аммо тимсолларнинг ички оламидаги тебранишлар инсонни нима юксалтириши мумкину нима

тубанлаштиради, демакки, таназзулга юз тутаяди, деган саволлар юзасидан мулоҳаза юритишга мажбур этади.

Ҳикоя қаҳрамони бўлмиш домла кўрқоқлик, журъатсизлик, лаганбардорлик, риёкорлик, манфаатпарастлик рамзи. Аслида, кишининг ўзи тўғрисида бор ҳақиқатни сўзлай олиши осон эмас. Тўғри, ўзини ўзи мақтовчи, ҳатто, танқид қилувчилар кўп бўлади, аммо уларнинг кўнгли тубида бундан шуҳрат орттиришдай ният яшириниши мумкин. “Яшил “Нива” қаҳрамони ҳам ҳикоянинг бошидан охирига доғур ўзи ҳақида ҳикоя қилади. Шунинг учун ҳам унинг: “...*биз томоннинг одамлари анча серандиша келади. Бунинг тарихий илдизлари бор: биз катталарга, хусусан, ёши улуглару лавозимли шахсларга таъзим қилиб ўрганганмиз*”. – дея ўзининг ҳаракатларини оқлагандай бўлиши, тағин, санъатшунослиги боис, бунга “асос”ни халқ руҳиятидан “топиши” ишонарлидир. Бироқ, аҳамиятли жиҳати шундаки, унинг айтганлари фош қилувчи характерга эга. Яъни ўзини оқлаш истагида сўзлаётган домла ўзини ўзи фош этади, ички дунёси – қуруқшаб қолган маънавий оламини ошкор қилади. Домла учун манфаатдан ўзгасининг заррача қадрини йўқ. Ҳолбуки, у “кўнгли остида бир таҳлика пайдо” қилган “диктатор” директор билан ҳаётда, умуман, юзма-юз келмаган, бундан кейин учрашиши ҳам эҳтимолдан узоқ. Аммо номаълум бир кўркув туфайли у “диктатор”нинг ғазабига йўлиқишдан кўрқади. Бу кўркув аёлининг дили сиёҳ бўлиши, болалари норозилиги, охирикўбат ўзининг шарманда бўлишидан ҳам кучлироқ!

Ёзувчи домла образига катта ижтимоий-эстетик вазифа юклаган: у – эр, у – ота, у – миллат маданияти тарихидан миллатнинг илғор вакили бўлиб маъруза ўқийдиган, ўзининг таъбири билан айтганда, зиёли. Аммо фожиали томони шундаки, у эр бўлиб паноҳ, ота бўлиб ибрат эмас, пировардида унинг миллат шаънига олқиш келтириши ҳам шубҳалидир.

Асар қаҳрамони домланинг бегона “Нива”ни кўриб, “диктатор” хаёл қилгани, нима қиларини билмай қолганида “катталарга серандиша”лик фалсафаси унинг вужуд-вужудига сингиб кетгани, бундан осонликча қутулолмаслиги ёрқин акс эттирилади. Ҳолбуки, домла “Нива”ни биринчи бор кўрганидаёқ машҳур директоринг машинаси эканини таниган, ҳатто “ён-веридан антенналар” чиқарилганигача пайқаган эди, бироқ “ўрис боласи”нинг машинасини, гарчи анча эскирганлигига қарамай, “диктатор”ниқидан фарқлолмайди. Савол туғилади: нега шундай? Бу ерда антенналар шунчаки раиснинг машинасида рация борлигини билдириш учунгина келтирилганми, аниқроғи, адиб томонидан шунинг учунгина антенналар кўрсатилганми (ҳамма туман амалдорларининг машинасига рация ўрнатилгани маълумку)? Бизнингча, мазкур буюмнинг бундан муҳимроқ “вазифаси” бор. Маълумки, инсоннинг билиб туриб қилган айби билмай йўл қўйганидан оғирроқ жазоланади ва табиийки, кишиларнинг бунга муносабати ҳам шунга яраша бўлади. Инспектордан “диктатор”нинг амалдан ажраганини эшитиб ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетган домла яшил “Нива” рўпарасидан чиққанда худди тирилиб кетган ўликни кўргандек ховлиқиб қолади – боши ойнага урилар даражада тормоз беради. Унинг “Худо урди, инспектор мени алдаган бўлса-чи?” деган хавотири, таъбир жоиз бўлса, кўзини эски машинасини янгисидан ажратолмайдиган қилиб қўяди. Унинг сўқирлиги шу қадарки, ҳали-

ҳамон шаҳар кўчаларидами, овлоқ жойлардами яшил “Нива”ни кўрса, юраги орқасига тортиб кетади...

“Яшил “Нива” ҳикоясидаги бошқа қаҳрамонлар ҳам эрк ва эркисизлик, ростгўйлик ва мунофиқлик, ўзликни таниш ва гумроҳлик каби зиддиятларнинг моҳиятини кўрсатишга хизмат қилади. Масалан, домла қанчалик майда, ўз ҳуқуқини англамаган, журъатсиз кимса бўлса, “диктатор” шунчалик ўзи хон – кўланкаси майдон, ўзи яратиб олган чексиз ҳуқуқидан “унумли” фойдаланаётган одам.

Асарда “диктатор”нинг ўзи бевосита кўринмайди, инспекторга домла – “одобли бола”ни мақтаганидан бўлак гапирмайди ҳам. Аммо унинг “анчайин салом бермай ўтган ўсмирни оёғидан” остиргани, амал пиллапояларидан кўтарилиш “усуллар”и директорнинг қиёфасини китобхон кўз ўнгида жонлантириш учун етарлидир.

Муаллиф қаҳрамонларини номлайди: асарда биронта от – исм тилга олинмайди. Зотан, бири ўз сўзига эга бўлолмаган, бошқаси ўзи кабиларни эзиб, сувини сиқиб ичадиган, яна бирови “кунгабоқар фалсафаси”га амал қилиб, қаёқдан нур чиқса, шу ёққа оғиб яшайдиган, бошқалари шулардан намуна, ибрат олиб улғаядиганларнинг номи, исми бўлиши ҳам мумкин эмас. Шу маънода, донишманд халқнинг минг ўйлаб бир гапиришига имон келтирасан киши: “Ном – номусга эга”. Жажжи ҳикояда ушбу фалсафа яққол англашилади.



ШОШИЛИНГ! ОБУНА - 2011

Журналимизнинг азиз мухлислари!


Ҳаш-паш дегунча йил оёқлаб, тагин келгуси йил обунасига тараддудланиб қолдик. Мана, кўлингизда «Ёшлик»нинг 9-сонини. Насиб этса, янги йилгача 12-сонини ҳам Сизга етиб боради. Бу – бултургеига нисбатан икки ҳисса кўп ишладик деганидир. Айни чоғда Сиз ҳам бултургидан икки баробар кўп асар ўқидингиз. Келгуси йилда бу самарадорликни яна оширмақчимиз. Журналимиз худди шу бичимда 48 эмас, 64 саҳифада чоп этила бошлайди. Ҳаладонларимизда Сизни қизиқтирувчи, бадиий пишиқ, маънавий оламингизни янада бойитувчи сара асарлар бисёр.

Ўйлаймизки, келгуси йилда ҳам биз билан, АДАБИЁТ билан, бадиий янгилликлар, мутлақо янги асарлар билан ошно бўлиб қоласиз.

Шундай экан, обуна эсдан чиқмасин. Негаки, журналимиз матбуот дўконларида сотилмайди, фақат обуначилар манзилига боради.

Нашр индексимиз: Яққа обуначиларга - 822.

Ташкилотларга - 968.





Абдураззоқ ОБРҮЙ

ҲАЗИЛЛАР

АЁЛЛАРНИНГ ДАВЛАТИ

Асса, басса, ҳасса-да,
Ҳамма бало киссада,
Ҳар қадамда чойхона,
Эркакларга мазза-да.
Тиним билмас иш кунда
Чарчаб қолар беш кунда.
Дам олмаса бўлмади,
Шунинг учун тушқун-да.
“Гап”ларининг кети йўқ,
Ичди, еди, эти йўқ.
Кекириб юрган билан,
Эркакларнинг бети йўқ.
Битини тўкишади,
Бир ичса бўкишади.
Тўрт оёқлаб уйга кеб,
Хотинни сўкишади.
Уйга келар – куп-қуруқ,
Эр тушгур, бетутуруқ.
Бир мири бўлмаса ҳам,
Соғ-қу, ахир, минг қуллуқ.
Нима қилсин бечора,
Уйлаб кўрди кўп бора.
Ўзига етмас ойлик,
Қўли калта, на чора.
Келди гапнинг омади,
Бўлса бўлди савлати.
Бошда эри борлиги,
Ҳар хотиннинг давлати.
Асса, басса, ҳасса-да,
Ҳамма бало киссада,
Ҳар қадамда майхона,
Эркакларга мазза-да.

ДАСТУРХОН КЎРКИ

Эшигим доим очиқ,
Меҳмонни хуш кўраман.
Оёғининг тагига
Семиз қўчқор сўяман.
Дастурхонга бир қаранг,
Бир қарич ҳам бўш жой йўқ.
Меҳмон кутишда мендан
Ўтадиган ҳеч бой йўқ.
Олма, анор, узумлар,
Қовун-тарвуз бир тараф.
Асал, новвот, конфетлар
Жилмайиб турар қараб.
Татиб кўринг қаймоқдан,
Қазили норин ҳам бор.
Шундоқ ҳасип ёнида
Ўралган қорин ҳам бор.
Биринчисига шўрва,
Кейин кабоб бўлади.

Девзирадан ош пишсин,
Шунда жавоб бўлади.
Меҳрим қўшиб тузадим,
Дастурхонни зўр қилиб.
Чойдан куйиб узатдим.
Меҳмонга кулиб-кулиб
– Яйраб, сўзлаб ўтиринг,
Завқланай шевангиздан.
Олинг, – дейман, –
тортинмай,
Хоҳлаган мевангиздан.
Меҳмон узоқ ўтирди,
Лек ҳеч нарса емади.
Олма тердию кўзи,
Бирор сўз ҳам демади...
Уч кундан сўнг эшитдим,
Қолоқ, деб айтган эмиш.
Билсанг, дастурхон кўрки,
Ароқ, деб айтган эмиш.

